

Илмий-
фантастик
қисса

ТОҲИР МАЛИҚ,
БАХТИЕР ҲОШИМХУҶАЕВ

ЗАҲАРЛИ ҒУБОР

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЕТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ
Тошкент — 1978

1. *Малик, Ҳошимхўжаев Б*

Заҳарли ғубор: Илмий фантастик қисса / Т. Малик, Б. Ҳошимхўжаев.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978С.— 132 б.

Капитализм жамияти кишини худбинлик руҳида тарбиялайди. Катта истеъдодга эга бўлган Чарльз Лонг ҳам истеъдодини ўзининг оламга ягона ҳукмдор бўлишдек бемаъни истагини амалга оширишга сарф қилади. Лекин совет олими Исмоил Умидов ва бошқа прогрессив олимларнинг зарбасига учраб, мағлуб бўлди.

Фантаст ёзувчи Тоҳир Маликнинг Вахтиёр Ҳошимхўжаев билан ҳамкорликда ёзган бу қиссаси ана шу ҳақда ҳикоя қилади.

Малик Т., Хашимходжаев Б. Ядовитая пыль. Науч-фан. повесть.

Уз

X $\frac{70303 -- 156}{352(03) - 78}$ 17 — 78

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

НУРЛИ ЎРГИМЧАК

Довул тинди. Тутқаноғи тутиб, даҳшат билан қирғоққа урилган денгиз тўлқинларининг шашти қайтди. Дарахтлар яланғоч бўлиб қолди: кечагина сурхларида илиниб турган қилтириқ, сариқ япроқларни шамол узиб денгиз томоп ҳайдади.

Галвестон кўчаларида одатдаги ҳаёт бошланди. Одамлар ўз юмушлари билан банд, тез-тез бўлиб турадиган довул уларни хотиржамликка ўргатиб қўйган эди.

Оқшом кўчаларда ҳаракат сийраклашди. Кўпчилик уйига, баъзилар эса Бостон боғидаги томошахонага шошиларди: бугун жаҳонга номи кетган Нью-Мюзик холл томоша кўрсатиши керак.

Кўчаларда фақат севишганлару полисменлар қолишган.

Мюзик холл чолғувчилари «Копшот қўшиғи»ни ижро этишгач, саҳнага Элизабетт чиқди. Эндигина йигирма бир ёшга кирган, қад-қомати келинган гўзал Элизабеттнинг овозаси, шухрати ер юзига тарқалган эди. Галвестонликлар ҳам унинг қўшиқларига илҳақ бўлиб ўтиришганди.

Элизабетт бир жилмайиб қўлига микрофонни олгани ҳамон экранлардаги тасвир бузилди. Куй ўрнини чақирув сигналлари эгаллади. Радио эшиттиришлари ҳам узилди. Бир дақиқалик чақирув сигналларидан сўнг эфирда эркак кипининг босиқ, йўғон овози янгради. У дона-дона қилиб шопилмэй гапирарди:

«Мен қудрат соҳибман! Қудрат соҳибман! Менинг ақлу заковатим олдида барча тиз чўкиши керак. Акс ҳолда

ҳар бир жонли мавжудотни даҳшатли ўлим кутади... Мен қудрат соҳибман! Ҳамма менга бўйсунини керак!»

Аввалига бу бирорта безорининг иши бўлса керак, деб ўйлашди. Лекин бу совуқ овоз тинадиганга ўхшамасди. Нотаниш «Қудрат соҳиби»нинг даъволари тинимсиз, бир хил босиқ оҳангда давом этаверди. Унинг овози ҳатто томошахонага етиб келиб, Элизабетнинг қўшиғини ҳам узди.

Полиция маҳкамасининг телефонларидан ҳам фақат шу овоз эшитилаверди.

Томоша қолдирилди.

Энг кучли радиопеленгатор ишга тушди. Бўлмади. «Радио безори» топилмади. Радио ва телевидение то тонггача «Қудрат соҳиби»нинг талабномаси билан банд бўлди. Барча тўлқиндаги эшиттиришлар шовқинга айланди. Унинг овози фақат эрталаб тинди. Бу воқеани кўпчилик «бирон телбанинг иши», деб баҳолади. Лекин Галвестон аҳолисини бу кеч янада даҳшатлироқ воқеалар кутарди.

Мишмишлар тонг бўзариши билан бошланди. Газеталарнинг биринчи саҳифалари қайтадан чоп этилди. Радио ва телевидение ҳар ярим соатда гувоҳларнинг сўзларини эшиттириб турди. Тунда номаълум махлуқни кўрганларнинг ови юришиб қолди. Махлуқни биринчи бўлиб пойафзал корхонасининг ишчиси Аллен Норфойк кўрган эди. Унинг ҳикояси бугунги газеталарда биринчи даражали хабар сифатида берилди:

«Махлуқни Бостон боғида учратдим. Унинг аниқ шаклини кўра олмадим. У бир жойда туриб тез-тез тебранар, танаси ожизгина нурланар эди. Унинг бу туриши ой нурда жилваланаётган кўлнинг бир бўлагини эслатар эди».

Полиция инспектори мистер Функ ҳам медузага ўхшаган махлуқнинг денгиз соҳилида учиб юрганини, хира нур тарқатганини айтди.

Архиепископ Плутарий эса: «Уни бутхонага кираверишда кўрдим. У ҳеч қандай махлуқ эмас, балки авлиё

Патрикнинг арвоҳи гуноҳкорларни жазолаш учун кезиб юрибди», деб ёзди.

Мухбирлар билан олимлар, гарчи махлуқни кўрмаган бўлсалар ҳам, уни номаълум сайёра элчиси деб тахмин қилдилар.

Тунда махлуқ яна шаҳар кўчаларида пайдо бўлди. У бир вақтнинг ўзида тўрт жойда кўринди.

Шу туннинг ўзидаёқ махлуқларнинг бири аэропортга шошилаётган Мюзик холл артистларининг машипасини тўхтатиб, ҳаммаларини ечинтирди. (Улар орасида гўзал Элизабет ҳам бор эди.) Ўргимчакни эслатувчи махлуқнинг совуқ темир панжаларини биринчи бўлиб мана шу артистлар ҳис этишди.

Яна бир махлуқ шаҳардаги барча ресторанларнинг ойнакларини чил-чил синдирди.

Учинчиси полиция бошлиғини зиёрат қилди: полиция бошлиғи гаранг бўлиб ўтирганида унинг эшиги ўз-ўзидан очилди. Саросимага тушган бошлиқ «нурли ўргимчак»ка ўқ узди. Ўқ овозини эшитиб кирган уч полисмен ҳам бошлиқлари ёнидан жой олди. Бу хонага фақат эрталаб киришга ботибдилар. Ердан пачақланган ўқни топдилар. Бошлиқнинг темир сандиғи очиқ, кўп ҳужжатлар йўқолган эди. Муттаҳамлар сайёрасига бадарга қилинганлар рўйхатининг йўқолганлиги кейинроқ билинди.

Тўртинчи махлуқнинг архиепископ ҳузурида бўлганлиги ҳам эрталаб маълум бўлди. Эси оғиб қолган архиепископни бутхона минорасидан топишди. Бутхонанинг неча юз йиллик бойликлари эса изсиз йўқолган эди.

Бу сафар газеталарнинг ҳамма саҳифалари шу даҳшатли воқеаларга ажратилди:

«Галвестон таймс»: «Герберт Уэллс бапорат қилган кўрипмас одам ниҳоят кашф этилди. У борлиқ ҳокимлигини талаб этмоқда. Жонли мавжудот у билан ҳисоблашини мажбур».

«Нойе Рур-Цайтунг»: «Бу даҳшатли махлуқ ҳали ўз қудратини бутунлигича кўрсатгани йўқ. Одамзод унга

гаслим бўлиши лозим. Унга ҳатто лазеръ пури ҳам тат-
сир этмаса керак».

«Геральд Трибюн»: «Шаҳарда иккинчи ҳоким пайдо бўлди. Уларнинг бири мэр Эдвард Хэмфри — у фақат кун-
дуз куни ҳокимчилик қилади. Иккинчиси эса тунга ҳо-
ким—учувчи ўргимчак. Инсоният учун ана шу иккинчи
ҳоким даҳшатлироқ».

Кечқурун ҳарбий матмурлар махлуқни ушлаш учун
вертолётлар юбордилар. Шаҳар тепасига келган ўп верто-
лётнинг иккитасигина бўзага қайтди. Қолганларини мах-
луқ синдириб юборди.

Ўша туни «Кэмбл ва К°» банкининг барча олтинлари
пизсиз йўқолди.

Шу банк нашр этувчи газета эрталаб қора бўёқлар бил-
лап чиқди. У шундай ёзган эди:

«Шаҳримизга, фақат шаҳримизга эмас, ер куррасига за-
ҳарли губор қўна бошлади. Бу губор ҳар қандай довул-
дан, ҳар қапдай вулқондан ҳам даҳшатлироқ. Йўқ, у бош-
қа сайёрадан келган эмас! Ер куррасида ҳаёт бошланган-
нидан бери инсоният жуда кўн даҳшатларни бошидан
кечирди. Шаҳарларни яқсон қилган зилзилалар, довуллар,
ёпғинлар бу заҳарли губор олдида ҳеч гап эмас. Помпей
даҳшати тўсатдан, қутилмаганда содир бўлган. Лекин
вулқон отилиб чиққунга қадар Ер остида узоқ вақт етил-
ган. Бошимизга тушган бу кулфат ҳам шундай бўлди.
Бироқ у қутилмаган зарба бериш учун ер юзида, одамлар
орасида тайёргарлик кўрди. Везувий бир шаҳарни бар-
бод этган бўлса, бу губор ер куррасидаги ҳаётга сўнги
нуқта қўйишга қодир. Бугунги воқеалар унинг тетапоя-
сидир...»

Шаҳарга оқинюм қўнар-қўнмас кўчаларда ҳаракат сўн-
ди. Ресторанлар ҳувиллаб қолди. Ҳамма навбатдаги хунук
воқеаларнинг бошланишини кутарди. Бироқ бу сафар
«нурли ўргимчак» фақат эфирга чиқди:

— Мен қудрат соҳибиман! Мен қудрат соҳибиман!
Ақл-идроким кучини галвестонликлар синаб кўрдилар.

Барча менга бўйсунини керак. Мен шуни истайман. Мен шуни талаб қиламан. Уйлаш учун вақт бераман. Яқинда яна дийдор кўришамиз. Мен—қудрат соҳибиман!

СЎНГИ БЎСА

— Мен энди қайтай,— деди Шарлотта бесаранжом бўлиб.— Уйдагилар хавотир олишмасин.

Чарльз мийиғида кулиб қўйди. Қизни ўзига тортди.

— Ҳали барвақт-ку, нега шошиясан?

— Барвақтлиги ҳам қурсин. «Қудрат соҳибини» пайдо бўлгандан бери юрак ҳовучлаб юрибман.

— Энди қўрқмасанг ҳам бўлади. У Галвестонга қайтиб келмайди.

— Нега?.. Сен қаердан биласан?

— У Ер куррасининг ягона ҳокими бўлмоқчи. Демак, ҳунарини бошқа ерларда ҳам кўрсатиши керак. Балки бу ерда у фақат «ўйинлар»ини намойиш қилгандир, холос.

— Демак, тўс-тўполонлар энди бошланаркан-да?

— Шунақага ўхшайди. Ҳозир уйга кетишинг шартми?

— Ҳа, бормасам бўлмайди. Энди бошқа кунни учрашамиз.

— Мен эртадан кейин кетяпман.

— Қаёққа?

— Шунчаки саёҳат. Эртага бўшмисан?

— Ҳа.

— Денгизга чиқамизми?

— Шу пайтда денгизга чиқиб бўларканми?

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаво очиқ. Чиқса бўлади.

— Майли.

* * *

Денгиз маънос чайқалиб қайиқни оҳиста тебратади. Ҳаво очиқ. Ёз бўйи куч-қувватдан кетган қуёш эриниб нур

сочади. Шарлотта бугун гамгин. Авваллари Чарльз билан сайрга чиққанида ниҳоятда қувнаб кетарди. Қуларди. Кулиши ҳам чиройли эди. Бугун ундай эмас. Шарлотта сувга тикилди. Сув тоза, худди унинг кўзларидай тиқиқ.

— Қизиқ, унинг кўзлари рангни осмондан, тиниқликни денгиздан олдимикин?— деб ўйларди Чарльз қизга тикилиб.— Чиройли, жуда чиройли! Уни севаманми? Нега? Аввал нечта қизга кўнгил қўйдим? Ҳаммаси ҳам чиройли эди. Уларнинг ҳар биридан бўса олганимда фақат шуниси севаман, деб ўйлар эдим. Шарлотта ҳам шундайми? Ҳа, унинг бошқа қизлардан фарқи йўқ. Фақат у сал бошқачароқ. Қандай? Ақллироқми? Ҳа. Ҳадеб менинг эркимга бўйсунавермайди. Шунинг учун ҳалигача жонимга теккани йўқ. Чиройли... ақлли... нозлари ҳам ўзига ярашиқли... Балки севарман? Ўзим ҳам билмайман. Уни олиб кетсаммикин?.. Йўқ, билмагани маъқул. Агар мени чинакам сева, кутади. Агар ақли бўлса кутади. Дунёдаги энг бахтли аёл бўлади. Қутмаса...

Чарльз Шарлоттанинг қўлидан ушлади. Хаёлга чўмган қиз чўчиб тушди. Чарльзга қараб зўраки жилмайди.

— Ҳали ҳам қудрат соҳибини ўйлаяпсанми?— сўради Чарльз.

— Йўқ.

— Унда нега хомушсан?

— Ўлимни ўйлаётувдим.

— Ўлимни?

— Ҳа. Сеп ҳеч ўйлаганмисан?

— Ўлимними? Йўқ. Биз яшашни ўйлашимиз керак.

Ҳаёт—буюк саёҳат, у қанча узоқ давом этса, шунча яхши.

— Саёҳат энди бошланганида ҳалокат юз берса-чи?

— Тақдир... Бу тақдирга боғлиқ.

— Бўлса бордир. Чарльз, денгизга нима учун чиққаними биласанми?

— Нима учун?

— Қўрқанимдан...

— Нимадан қўрқдинг?

— Ҳлимдан... Тақдирдан... Биласанми, Помпей даҳшатида ҳам шундай воқеа бўлган экан. Балки у бир афсонадир. Бироқ мени таклиф этганингда шу эсимга тушиб, юрагим эзилиб кетди. Ҳалокатларнинг бошланиши бир-бирига ўхшайди, дейишади.

— Қайси воқеани айтяпсан?

— Ака-ука воқеасини.

— Эшитмаган бўлсам керак.

— Ҳша фожиа юз берадиган куни эрталаб акаси денгизга чиқишни таклиф қилганда укаси кўнмайди. «Бугунги кунни қаллигим билан ўтказай», дейди. Акасининг бир ўзи денгизга чиқиб кетади. Узоқ юради. Қайтай деса, қирғоққа яқинлаша олмайди. Вулқон шаҳарни кул билан кўмиб текислаб қўйган экан... Шу эсимга тушди-ю, одамларнинг қийналиб жон бериши кўз олдимга келди. Бир тасаввур қил-а: кимдир қаллиғи билан ширин орзу қилпти. Кимдир меҳмон қутяпти. Кимдир эндигина туғилган гўдакни чойшабга меҳр билан ўрапти. Ҳамма ерда осойишталик... Бирдан ер силкинади. Дам ўтмай вулқоннинг ўтли нафаси шаҳарни қоплайди. Бахтиёр қаллиқлар ҳам, меҳмон кутаётган аёл ҳам, эндигина ёруғ дунёни кўрган чақалоқ ҳам нафас ололмай қийналиб, бўғилиб ўлади. Денгизга чиқмасам мен ҳам шундай ўлиб кетамми, деб қўрқдим.

— Гапларингда мантиқ йўқ. Ваҳима эс-ҳушингни олиб қўйибди.

— Балки...

— Балки эмас, аниқ! Помпей — табиат фожияси. У инсонлар тафаккуридан узоқ бир нарса эди. Инсонларнинг фикри билан ҳисобланмайдиган куч эди. Ҳозир сени қўрқитаётган куч ваҳший эмас, олғли! У аввало одамларни огоҳлантирди. Бу куч инсонларни ўлим гирдобига ҳайдагани йўқ. У бор-йўғи ҳокимликни даъво қиляпти. Инсонлар унга бўйсунмашса...

— О, Чарльз! Сен ҳам одамсап-ку! Сенинг ҳам ўзинг-

га яраша ақлинг бор. Менинг ҳам. Бошқаларнинг ҳам. Ҳамманинг ўз иззат-нафси бор. Балки сенинг ақлинг ана шу «Қудрат соҳиби»нинг ақлидан буюкроқдир. Балки сен унга нисбатан истеъдодлироқдирсан? Шундай бўлса-бўлмаса сен уни ақлсиз деб биласан. Унга бўйсунингни истамайсан. Мен ҳам. Бошқалар ҳам. Инсон ҳеч қачон бошқаларга бўйсунингни истамайди. Унинг қудрати ниҳоясиз бўлса ҳам, ерни остин-устун қилиб юборса ҳам одамлар унга итоат этишмайди.

— Балки сен ҳақдирсан. Лекин у ўта ақлли бўлса-чи?

— Уни одамлар ана шу хислатлари учун ҳурмат қилишлари мумкин. Аммо бўйсуниншмайди. Энди у одамлар ҳурматига ҳам лойиқ эмас. У буюк назариётчи ва амалиётчидир? Хўш, нима бўпти! Бу унинг одамлигидан дарақ бермайди-ку. Ҳақиқий инсон икки хил ақл билан иш кўради. Бирини бошидаги ақл, иккинчиси юракдаги ақл. Кўпроқ юрак ақли билан ишлайдиган одамнинг ҳурмати баланд бўлади. «Қудрат соҳиби»нинг бошидаги ақл буюк бўлса ҳам қалби йўқ экан.

— Сен ўшандай одамга турмушга чиқармидинг?

Шарлотта ўйлашиб қолди.

— Йўқ. «Қудрат соҳиби» менга ҳаёт инъом этса ҳам у билан турмуш қурмасдим.

— Нимага?

— У билан турмуш қуришим итоат этганимни англатмайдимми?

Чарльз жавоб бермади. Ўзича «айтмаганим маъқул экан», деб қўйди-ю, қайиқни қиргоқ томон ҳайдади. Қўёш ҳали ботмаган, денгизнинг уфққа туташ ерлари аста қизариб келарди. Ўша томондан совуқ шабада эса бошлади. Шарлоттанинг назарида дунё ўша ердан ёниб кул бўла бошлагану, бу шабада ўша фожиянинг совуқ дарақчисидай эди. У сесканди. Чарльзнинг пишиғига кирди. Пегадир бу сафар Чарльз уни бағрига олиб эркаламади.

Шарлотта шаҳар айлансак керак, деб ўйлаганди. Йўқ, Чарльз машинани унинг кўчасига бурди.

— Мени Грейтстритга олиб бориб қўёлмайсанми?
Чарльз Шарлоттага савол назари билан қаради.

— Бугун уйдагиларга қайтмайман, деган эдим.

— Нега?

— Тунви сен билан ўтказсам керак, деб ўйлагандим.

— Чакки қилибсан. Бугун менинг зарур ишим бор...

Қаерга олиб бориб қўяй?

— Шу ерда тўхтай қол. Уйга кирай-чи.

Шарлотта тушди. Чарльз ҳам тушди. Қиз унинг қарингисидан тўхтаб қолди. Бошини йигитнинг кўксига қўйди. Чарльз уни қучиб ўпди. Бу бўса худди дастлабкисидек тотли эди. Нега? Балки Чарльз уни сўнгги марта ўпаётганини сездими? Бу бўса у даражада тотли ҳам эмасди. Унга шундай туюлди.

МАХФИЙ СУҲБАТ

Чарльзнинг уйи шаҳар чеккасида, қирғоқдаги катта қоя ёнида эди. Айтишларича, уй қуриладиган жойни Чарльзнинг ўзи олти ёшлигида ташлаган экан. Қасрга ўхшатиб ишланган уй печани йиллардан бери мунгайиб турибди. Чарльзнинг ота-онаси оламдан ўтгач, хонадонда гўё ҳаёт ҳам сўпди. Уйда Чарльзнинг якка ўзи қолди. Энага билан хизматкорнинг бор-йўқлиги биллнмайди. Уй ниҳоятда сокин, жонсиз бўлиб қолган. Чарльз аввалига дорилфунунда назарий физикадан дарс бериб юрди. Кейин ишни ҳам ташлаб ҳамкасблари билан ҳам учрашмай қўйди. Дорилфунундагилар унинг бу иншидан афсусланишди. Фаннинг жуда кўп тармоқларини биладиган истеъдодли ёш олимнинг илм даргоҳини тарк этиши, дарҳақиқат, афсусланарли ҳол эди. Лекин Чарльз учун бунинг аҳамияти йўқ эди. У ўз мақсадини амалга ошириш учун тиришарди. Бирон ерда ишлаб, тирикчилик ўтказиш ташвишидан у холи, «Женерал Моторс компани»нинг даромадидан оладиган улуши етиб ортарди.

Сичқон бир ҳужрадаги донни қуритгач, бошқа ердаи хид топади-да, ер остида бирмунча вақт ғойиб бўлади. У мақсадга етиш учун йўл очади. Чарльз ҳам худди шу тахлитда иш тутди. Дорилфунунда қиладиган иши қолмади. Уйда, ер остига қурган илмий тажрибахонасидаги ускуналар дорилфунунникидан бир неча ҳисса бойроқ эди.

Чарльз талабалик йилларида кашфиёти устида иш бошлаган дастлабки куплардаёқ: «Ақлий иш билан шуғулланадиганлар бошқа юмушларга чалғимасликлари керак. Меҳнат иттизомидан холироқ, эркинроқ юришлари, раҳбарлик лавозимидаги «билимсиз» одамларга бўйсунишдай маънавий оғир зарбадан холи бўлишлари, қолаверса, моддий жиҳатдан таъминланиб, маошни ўйламасликлари керак», деган хулосага келган эди. Ниҳоят, мана шунга эришди. Тўрт йилдан бери у озод қушдай ўзини эркин ҳис қилади. Мана шу тўрт йил ичида мақсадига етди. У ҳамма марраларни босиб ўтди. Олдинда фақат бир доvon қолди. Чарльз бу доводдан якка ўзи ўтолмаслигини сизди. Унинг бу сезгисини электрон ҳисоблаш машинаси ҳам тасдиқлади.

Узоқ ва оғир йўлга чиққанда кишига ҳамроҳ лозим. Чарльзга ким ҳамроҳ бўла олади? Унинг йўлдоши энг аввало аллома бўлиши шарт. У фаннинг қайси соҳасида ишламасин, Чарльз билан маслақдош, фикрдош бўлиши лозим. Энг муҳими — Чарльзнинг доҳийларга хос хислатини тан олмоғи шарт. Шундай одам борми?

Чарльз ўзи билган, тапиган олимларнинг рўйхатини тузиб ЭҲМга топширди. ЭҲМнинг ҳисоботида 118 та одамнинг исм-шарифи рўпарасига сўроқ белгиси қўйилган эди. Саккизта одамнинг исм-шарифи қаршисида ундов белги турарди. Чарльз ана шулардан уchtасини таплади. Чарльз 118 олимнинг рўйхатини тузаётганда ҳам шу уч кишидан умид қилган эди. Тахминини ЭҲМ тасдиқлади. Уларнинг бири—тиббийёт ва табобат соҳасида катта кашфиёт яратиш учун ҳаракат қиладиган Шарль Гомеску. Иккинчиси олим эмас. Том Жонсоннинг исми шарифи

полиция маҳкамасининг рўйхатида «I» рақами билан белгиланган. Бироқ уни қамоққа олишга ҳалигача ботина олишмасди. Учинчи кимса — Роберт Белден, Галвестон дорилфунунининг энг ўткир назариётчи физикларидан дан бири.

Чарльз бугун уларни уйига таклиф қилди. Шунинг учун ҳам Шарлоттанинг истаги бажо бўлмади. Қизни кўчада қолдириб, уйига шошилди. Меҳмонлар ҳали келишмаган эди. Уй одатдагидай сокин. Чарльз елкасига пиджагини ташлаб айвонга чиқди. Қирғоқдаги пеон чироқлар сувга ҳовуч-ҳовуч тилла тангалар сочиб юборгандай: соҳилга бош уриб келаётган тўлқинчалар устида унинг нурлари жимирлайди. Ёзи билан одамларга торлик қилган чўмилиш жойлари ҳозир бўм-бўш. Илгари оқшомлар бу ерларда севишганлар юришарди. Ҳозир улар ҳам йўқ.

Сув қояга шип-шип урилади. Тўлқинчаларнинг калта тили қоя этакларини ялайди. Қоя мағрур турибди. Довул вақтида ҳам уни тўлқинлар ямлаб ютолмайди. Ўзини қудратли деб билган баҳайбат тўлқинлар шу қояга урилади-ю, чил-чил синиб, мажолсиз орқасига қайтади. Куч йиғиб, яна урилади, яна, яна... Чарльз эсини ташиганидан бери қоя мағрур. Чарльз туғилмасидан олдин ҳам шундай бўлган. Яна неча юз йиллар шундайлигича қолади.

Чарльз ана шу қояга ихлос билан қарайди. У мана шу қоядай мағрур, енгилмас бўлиб қолишни орзу қилади. Дунё унинг оёқлари остида мана шу сокин денгиз каби бўлиши керак. Дунёнинг ҳар бир томир уриши чироқларнинг нурида тилла тангалар ясаётган майда тўлқинчалар сингари улга ҳузур бахш этиши лозим. Агар у истаса жимирлаётган сувнинг осойинни бузилиб, даҳшатли тўфон бошланиши мумкин...

Чарльзнинг хаёлини қўнғироқ овози бузди. У айвонча четидаги тугмани босди. Эшик ёнидаги парда кўтарилди. Дам ўтмай оддий кўзгуни эслатувчи экранда оқ плаш кийган, жингалақ сочлари сийраклашиб қолган, қирра

бурунли жиккаккина одамнинг тасвири кўрипти. Чарльз уни таниди. Бу Шарл Гомеску эди. Унинг ёнида кўзойнак таққан, паст бўйли Роберт турарди. Чарльз кўк тугмани босди. Кўча эшиги очилди.

Чарльз уларни гулзор ёқасида кутиб олиб ойнабанд уйга бошлади. Пастақ хонтахта атрофдаги юмшоқ курсиларга ўтиришди.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди,— деди Чарльз.

— Ҳа. Шувнинг учун ҳам тўсатдан йўқлаганингга ҳайрон бўлдик.

Чарльз суҳбатдошларига қараб олди. Галвестонга чўккан хавотир булути уларнинг юзига ҳам кўлашка ташлаган. Чарльзга эса худди шу керак эди.

Хизматчи тилла ҳал югуртирилган патнисда таом келтирди. Чарльз биллур қадаҳларга виски қуйди.

— Қайфиятларнинг йўқроқми? Ишларнинг юриш-маяптими? — деди у меҳмонларга қадаҳларни узата туриб.

— Юришадиган ишим қолмади. Манзилга етиб келдим,— деди Шарль.

— Ҳў-ҳў! Фақат ишнингни сотини қолибди-да. Нима, камроқ тўлашмоқчимиз?

— Шарлнинг иши сотиладиган буюм эмас — кашфиёт,— деди Роберт Чарльз узатган қадаҳни хонтахта устига қўйиб.— Ихтиро ҳеч қачон савдо қилинмайди. Чунки у бебаҳо нарса.

— Роберт, файласуфлигинг ҳали ҳам қолмабди-да, а? Қани, ол, саломат бўлайлик. Ганларингга юз фоиз қўшиламман!

Чарльз шундай деб жилмайди. Лекин кўнглига «уни бекор чақирибман шекилли», деган фикр оралэди. Аммо бу афсусини ўтирганларга сездирмади. Бир ҳўнламдан ичиб, қадаҳларни қўйишди.

— Даврамизга яна бир одам қўшилиши керак. У келгунча бир нарсани ҳал қилиб олайлик.— Чарльз шундай деб ўрнидан турди. Девордан ярим қадам берига, икки

дераза ўртасига қўйилган балад жавонга ўхшаш қути-
нинг четидаги тўртта саргини тугмаши босди. Сўнгги туг-
ма босилгач, қутилар кенгайиб, девор ҳосил бўлди. Хона
торайиб қутичага айлангандай туюлди.

Шарль ва Роберт ниҳоятда жиддий ва сирли суҳбат
бўлишини сезишди.

Чарльз ўзини хотиржам тутарди. У жойига ўтириб,
вискидан бир ҳўплаб, Шарлга қаради.

— Манзилга етганинг аниқми?

— Ҳа.

— Йўқ, ҳали чала ишинг бор. Сен одамнинг асаб ҳу-
жайраларига жиддий баҳо бера олмагансан. Буни ўзинг
ҳам сезиб қолдинг. Йигирма биринчи октябрдан йигирма
иккинчига ўтар кечаси илмий ишингнинг тўрт юз ўн ол-
тинчи бетига шу қарорга келганингни ёзиб қўйдим.
Тўғрими?

— Чарльз!— Шарль аввал унга, кейин Робертга ҳай-
рат билан қаради. Роберт ҳам ажабланиб суҳбатдошига
тикилиб қолди.

— Ҳайрон бўлма. Мен ҳаммасини биламан. Уша бетда
кўк қалам билан: «Одам қапчалик ақлли бўлмасин, унинг
миёси секин ишлайди. Бу соҳада одам электрон машина-
лардан ортда қоляпти. Умри узайтирилган одамга тез
фикрлаш хусусиятини ҳам бериш керак», деб ёзгансан.
Сен эса, Роберт, магнит майдони кучланишларининг им-
кониятларини тўғри баҳолабсан. Сенинг буюк истеъдо-
дингга ҳамма вақт тан бериб келганман. Айниқса, «Маг-
нит мўъжизалари» деб номлаган асарингнинг 8- бобидаги
хулосаларинг мени лол қолдирди. Бу бобни, янглишма-
сам, кеча ёзиб тугатдинг. Шундай эмасми?..

Бундай воқеа фақат тушда содир бўлиши мумкин. Ҳат-
то энг янги техника ютуқлари билан қуролланган полиция
бошиқармаси ҳам бундай тугал маълумот тўплашга қодир
эмас. Шундай бўлса-да, агар бу гапларни полиция ходи-
мидан эшитишса, бу қадар ҳайратга тушишмасди. Шарль
билан Робертнинг ҳайрати ошгани сайин Чарльз ўзини

яна ҳам эркин ҳис қиларди. Унинг кейинги гаплари аиниқса Шарлни бутунлай ҳангу манг қилиб қўйди.

— Сен бу ишни Дюрьер усулида амалга оширолмайсан. Менимча, сенга Исмоил Умидовнинг усули қўл келса керак. Ҳар ҳолда бу усул мукамалроқ. Умидов бу соҳада сенга нисбатан анча илгарилаб кетган.

Шарлнинг фикрлари миясида айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Роберт эса кўзойнагини қўлига олган ҳолда жим ўтирарди. Чарльз ғолиб одамнинг мамнун жилмайиши билан виски ҳўплади. Кейин кулиб юборди.

— Бе, бу фикрни йиғиштириб ташла. Сенинг орқангдан одам қўйиб пойлаганим йўқ. Ихтиронинг менга керак эмас. Бу шунчаки оддий теленатиянинг иши.

Шарль зўрма-зўраки жилмайди. Дарҳақиқат, Чарльз шу топда унинг фикрини ўқиб олган эди.

— Сенинг қўлингдан шундай иш келишини билмаган эканман. Бу оддий эмас, ўта теленатия бўлса керак.

— Сен ҳали кўп нарсани билмайсан. Қолганларини тўртинчи одам келганда айтаман. Мен унинг бу ишга аралашмаслигини маъқул кўрдим. Ихтиролар ҳақидаги гапни фақат учаламиз билсак бўлди. Шарль, кашфиётнинг буюклигини ўзинг ҳам билмасанг керак. Энди одамлар эллик-олтмиш йил эмас, юз-юз эллик йил умр кўра оладилар. То ўлгунларига қадар ёшлик ғайратларини, куч-қувватларини сақлаб қоладиган бўладилар. Миялари уч-тўрт баравар тез ишлаб, энг оғир муаммоларни ҳам тезда ҳал қила оладилар. Робертнинг ихтиролари эса техникани яна юксакликка олиб чиқади. Хўш, буларнинг сенларга қандай нафи бор? Сарик чақалик фойдаси йўқ! Сенлар ҳам оддий одамлар сингари яшаб, ишлаб, ўлиб кетасанлар. Ҳеч ким сенларни эсламайди. Бирор машҳур спортчини ёки артистни эслашса эслашадик, сенларни ёдга олишмайди. Алгебрага Ал Хоразмий асос солганини, нисбият назариясини Эйнштейн яратганини биз биламиз. Чунки биз уларнинг таълимотларига асосланиб иш кўра-миз. Биз бир ҳовуч, бир томчи одамлармиз. Уларнинг

буюк хизматини денгиз билмайди. Сенлар ҳам ана шундай унут, ана шундай узоқ ўтмиш бўлиб қоласанлар. Нима, одам шунинг учун меҳнат қиладими? Йўқ! Меҳнатнинг роҳатини аввало ўзинг тотитинг керак. Бошқаларни ўйлаш — бемаънилик! Гапим тўғрими?

— Ҳаммамизни ҳам бора-бора унутишади. Ҳеч ким мангу қолмайди. Тарих билан тақдирнинг ўйини бу.

— Йўқ! Биз мангу қолишимиз керак! Биз деганим — сен, Роберт ва мен! Тўртинчи одам фақат бизга кўмак беради. Мен ҳали режамни айтиб бераман. Истасаларнинг қабул қилинглари. Истамасаларнинг... ўзларинг биласанлар. Роберт, сен ундай ўйлама. Мен кашфиётнинг учун ўлиб қолганим йўқ. Истасам, ихтироининг эртагаёқ ўзимники қилиб оламан. Ишларининг сўнги нуқтасигача биламан... Тўртинчи одам йўлга чиқди. Гапларимни ўйлаб кўринлар. Ихтиролар ҳақида бошқа гаплашмаймиз.

Чарльз шундай деб ўрнидан турди. Ҳалиги тугмаларни босди. Девор йиғилиб, яна қути ҳолига келди.

Бир неча дақиқадан сўнг хонага Том Жонсон кириб келди. Унинг бўйи баланд, елкалари ҳам кенг, кўзи қатъият билан боқарди. Нозик дид билан кийинган. Юриш-туруши ҳам сипо. Ҳеч гангстерга ўхшамайди.

Остонада Том пайдо бўлиши билан Роберт Чарльзга савол назари билан қаради. Чарльз унинг қарашини жавобсиз қолдирди.

Одат бўйича қадаҳларга виски қуйилди.

— Буни қаранг, орада неча йил ўтди. Ниҳоят, собиқ ҳамкурс дўстларим билан учрашим шарафига муяссар бўлдим, — деди Чарльз ўрнидан туриб. — Тўрттовимиз курсдошларимиз орасида айрим хислатларимиз билан ажралиб турардик. Мана шу хислатлар бизни ўша даврдаёқ бирлаштирган эди. Тақдир бизни яна бир мақсад йўлига бошлапти. Дўстлигимиз учун ичайлик!

Том қадаҳни бир кўтаришда бўшатди. Бошқалар ичиб бўлгунча яна қуйиб, яна симирди.

— Нега чақирдинг? — деди у Чарльзга.

— Бугун мажлисинг боридан беҳабар эканман. Айбга буюрмайсан. Сенларга ҳам қийин. «Қудрат соҳиб» чиқиб, ишларинг юришмай қолди. Бугунги қарорларинг ҳам маъқул. Ҳозир сариқ чақани ўмарини ҳам жуда маҳол.

— Буни сенга ким айтди?

— Ҳеч ким. Галвестонда майда ўғирлик билан шуғулланиш сенга ярашмайди. Сени бошқа ишлар кутипти. Ҳамма соҳада ҳам буюк истеъдодлар бўлади. Сен ҳам ўзингга яраша иш қилишинг керак.

— Чарльз, афтидан бизни шунчаки меҳмонга таклиф қилмагансан. Сен гапни айлантриб чалгитаверма, аврама ҳам. Мақсадни лўнда қилиб айт,— деди Роберт аччиқланганни яширмай.

— Роберт, бу даражада ижтиқ бўлиб кетганингни билмаган эдим. Дорилфунуи асабларингни ишдан чиқарибди.

— Ижтиқлик қонида бор,— деди Шарль кулиб.

— Одам қаригани сари унинг феъли баттар ёмонланади. Робертдаги ўзгариш табиий. Уни даволаш сенинги ишинг. Яна гап чалғияпти. Энди мақсадга ўтай. Яхшиси, бошқа хонага чиқайлик. Бу ер ноқулай. Ўтиравер, турма.

Чарльз шундай деб курсининг ўнг томонидаги тугмани босди. Улар ўтирган ер пастга тушди. Кейин чап томонга юрди. Девор икки томонга йнгиллиб улар кенг хонага чиқдилар. Хонанинг учала томонидаги баланд жавонлар китоблар билан тўла эди. Чарльз эшик ёнидаги жавонга яқинлашиб, кўз илғамас бир тугмани босди. Рўпарадаги жавон юқорига кўтарилиб, деворни энлаган экран пайдо бўлди. Бир сошиядан сўнг экранда денгиз қирғоғининг тасвири кўришди. Сузнинг қирғоққа шип-шип урилиши эшитилди. Хонага соҳилнинг ёқимли ҳавоси уфурди. Меҳмонлар ўзларини қирғоқда ўтиргандай ҳис қилишди.

— Хўш, «Қудрат соҳиб» ҳақида нима гаплар бор? Тинчиб кетганга ўхшайдими?— Чарльз шундай деб меҳмонларга синов кўзи билан қаради. Шарлнинг юраги ни-

манидир сезгандай бўлди. Лекин индамади. Роберт яна кўзойнагини тақиб, Чарльзга тикилди. Том:

— Узи йўқолди-ю, лекин газеталар тишчимапти. Ҳали ҳам ваҳима қилиб ётишибди,— деб гўлдиради.— Бугунги «Галвестон таймс»ни ўқидингларми?

— Йўқ,— деди Чарльз жонланиб,— нима дебди?

— Турган-битгани ваҳима...

— Ҳозир ўқиб кўрамыз-да.

Чарльз шундай деб ўрнидан турди. Жавондан шана-лоқдек келадиган қора қутичани олиб, ўрнига келиб ўтирди. Қутичанинг ёнида биргина мурвату тепасида битта тугма бор эди, холос.

Чарльз уларга жавон томониши имлаб кўрсатди-да, мурватни буради. У ҳозиргина қутича олган жойдан иккита қора темир панжа кўтарилди. «Қўллар» ўтирганларнинг тепасидан учиб ўтиб, нариги хонага чиқди-да, сўнг «Галвестон таймс» газетасини олиб кириб, Чарльзнинг қаршисида тўхтади.

Чарльз меҳмонларнинг ҳайратига эътибор бермай, ишини давом эттирди. «Қўл»нинг бир учига уланган синин чаккасига қўйиб, қутичадаги тугмани босди. Уша «қўл» газетани бир сийпаб чиққандай бўлди. Кейин Чарльз яна мурватни буради. Темир панжалар аввалги жойларига қайтди.

— Том, ваҳимачи бўлиб қолибсан,— деди Чарльз жилмайиб,— газетадаги гаплар ваҳима эмас, ҳақиқат! «Қудрат соҳиби» чиндан ҳам «буюк ҳоким» бўлиши керак. Нима дединг, Шарль, гапим тўғрими?

Унинг саволи жавобсиз қолди. Орага совуқ сукунат тушди. Том яна қуйиб ичди. Сукутни Робертнинг дағал овози бузди:

— «Қудрат соҳиби» сенмисан?

— ...

— Ёзини нимага чақирдинг?

— Ёрдамларинг керак.

— Кучинг камлик қиляштини?

— Йўқ, кучим етарли. Ерни остин-устун қилиб юборишга ҳам етади. Лекин менинг ниятим бошқа. Менга фақат ер эмас, инсониятга маълум бўлган ҳамма сайёралар бўйсунуши керак.

— Шугинами?

— Ҳа, ҳозирча шу. Галвестон ваҳимаси бамисоли тирноғимнинг кири. Мен ҳали қудратимни тўла кўрсатганимча йўқ. Истасам, қум барханларини кўчираман, истасам — ер юзини саҳрога айлантираман. Музликларни эритиб, ерни сувга бостиришим ҳам ҳеч гап эмас. Истасам, бутун атмосферани ўзгартираман. Ишонмаяпсанми?— Чарльз Робертга истеҳзо билан қаради.— Бари бир эртиндин ишонасан! Мен телепатияга асосланиб, буюк бир ишни амалга оширдим. Яратган анализаторим мени нурли чўққига олиб бориб қўяди. Ҳа, дўстларим! Менга ҳамроҳ бўлган киши янглишмайди. Ерда ҳаёт пайдо бўлганидан бери унга мутлақ ҳоким бўлиш ниятида кўп қонлар тўкилди. Искандар, Чингизхон, Темур Ер куррасининг ярмини босиб олди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Ернинг мутлақ ҳокими бўла олмади. Улар ҳам буюк истеъдод эгалари эди. Лекин бу истеъдодлари қуруқ, содда эди. Чингизхон денгизни кўриб, дунёнинг чети шу бўлса керак, деб орқага қайтди. Наполеон билан Гитлер рус қишига бардош бера олмади. Инсонлар продасини енголмади. Бу ишни энди мен қиламан.

— Улар ҳам қилишни қиндан суғурмай туриб шундай ўйлашган бўлса керак?

— Роберт, мен бунч ҳақорат деб қабул қилишим мумкин.

— Мен ҳақоратга нафратимни ҳам қўшишни истардим.

— Роберт, сенга ичқоралик ярашмайди.

— Сенга бўлган нафратим — ичқоралик белгиси эмас.

— Сен менинг меҳмонимсан. Бунинг устига асабларинг бўш. Шунинг учун сендан хафа бўлмайман. Сўзимнинг қолганини эшитгач, фикринг ўзгарар, деган умиддаман.

— Сенинг ҳеч қайси умидинг амалга ошмаса керак.

— Роберт, — Шарль унга ярим илтижо, ярим гина билан қаради, — бирпас қизишма. У мақсадини ҳали айтиб бўлгани йўқ. Айтсин, балки бизга нафи тегар.

— Ҳа, яхши, айтсин.

— Қўлингдаги қора қутн апализатормиди?

— Йўқ, у апализаторнинг бир маҳсули холос. Апализатор бошқа ерда. Лекин у менинг миямга уланган.

— Миямга?

— Ҳа. Мапа бунн кўряпсанми? — Чарльз бошини бурди. Шундагина улар қулоқ орқасидан ўтиб, сочлар орасида йўқолиб кетган ингичка нурсиз симни кўришди. Чарльз давом этди: — Табиат одамзодга буюк ишларни амалга ошира оладиган мия берган. Мия эртаю кеч ишлайди. Бир сония ҳам бекор турмайди. Агар инсоннинг фаолиятидан тўла фойдаланса эди, эҳ-ҳе, нималарга қодир бўлмасди! Буюк ғоялар мияда сониянинг бир неча улунида ялг этадию сўнади. Ёзишга улгурсанг улгурдинг. Бўлмаса йўқ. Инсоният ана шу фикрдан маҳрум бўлиб қолаверади. Уни яратиш учун яна йиллаб меҳнат қилиш керак. Мен ўз миясининг фаолиятидан тўла фойдалана оладиган ягона инсонман. Менинг миям дам билмайди. Миямга келган ҳар бир фикр махсус узатгич орқали апализаторга ўтади. Апализатор бу фикрларни ажратади, саралайди. Мен фикрларимни ёзишга вақт сарф қилиб ўтирмайман. Ҳалиги панжаларни апа шу апализатор ёрдамида жуда қисқа вақт ичида яратдим. Бошқа одам бунинг учун бир неча йил вақт сарф қилар эди. Ҳолбуки бу ерда радио электроника билан радио тўлқин иш берган. Галвестонни даҳшатга солган «махлуқ»лар ҳам бу панжаларнинг бир тури. Истасам, ўшандай тўс-тўполонни ҳозир яна бошлашим мумкин.

— Сен эфирга қандай чиқдинг? Нега ушлай олишмади?

— Бу ҳам апа шу «махлуқ»ларнинг иши. Тўлқин узатувчи ускуна шаҳарнинг олти томонига ўрнатилган

эди. Шулардан иккитаси сув остида. Улар жойларини ҳар дақиқада ўзгартириб туришди. Эшитган гапларнинг бир юз етмиш километрлик магнит лентасига ёзиб олинган эди. Ҳар ҳолда зериктирмаган бўлсам керак.— Чарльз мийиғида кулиб қўйди. Кейин қадаҳларга яна виски қуяиб, бирини ўзи олди.— Хўш, таклифимга розимисизлар?

— Агар рози бўлмасак-чи? Унда ёруғ дунё билан хайрлансак керак?

Чарльз жилмайди.

— Нега энди! Мажбур қилмайман. Фақат эшитганларнинг шу ерда қолади. Агар бу ҳақда оғиз очгудек бўлсанг, ростдан ҳам ёруғ дунёдан умидингни узасан. Бир оғиз гап кифоя. Иккинчисини айтишга улгурмайсан. Томнинг розилик беришга майли бор. Уни фақат даромад қизиқтиряпти. Шарль эса: «Хўш, энди биздан пима истайсан», демоқчи. Тўғрими, Шарль?

— Ҳа. Шушча гапдан кейин розилик сўрашнинг ўзи ортиқча.

— Мана бу жентльменларнинг жавоби бўлди. Мақсадимга тушундинглар: фақат Ер эмас, балки бутун коинот ҳам менинг қўлимда бўлиши лозим. Коинотни сизларга топшираман. Том, сен тезлик билан Муттаҳамлар сайёрасига учасан. Мен сенга бадарга қилинган галвестонликларнинг рўйхатини бераман. Улар сени яхши билинса керак. Узинг ҳам уларни мендан яхши биласан. Сен уларнинг ёрдамида сайёрани қўлга оласан. Ерга бўйсунингда бош тортасан. Сайёра бизга таянч бўла оладиган даражада мустақил бўлиши керак. Роберт Ерда, мен билан қолади. Шарль, сен кейинроқ учасан. Аввал Ерда қиладиган ишларинг бор. Келгусидаги вазифанг жонли мавжудотни қириб ташлайдиган ўсимликлар ўсувчи сайёрани қўлга олиш. Бу оғир иш.

— Ҳа, оғир,— деди Шарль, биз камлик қилмай-мизми?

— Йўқ.

— Бизга ҳам анализатор берасанми?

— Йўқ. Ишларингга ўзим раҳбарлик қиламан. Кейинроқ темир панжалардан беришим мумкин. Лекин огоҳлантириб қўяй: ҳар бир нотўғри ҳаракатларинг, ҳар бир ноўрин сўзларинг ёмон натижага олиб боради. Балки синаб кўрармиз?

— Керакмас.

— Йўқ, синаймиз. Хоҳла бугун, хоҳла эртага, хоҳла индинга айтинглар. Истаган ерларингга, хоҳлаган вақтда, истаган одамга «Қудрат соҳиби»ни кўрганларинг ҳақида икки оғизгина гап айтиб кўринглар.

— Нима, бизга ишонмаясанми?

— Ишонишга ишонишман-ку, лекин асбобни яна бир синаб кўрмоқчиман.

Улар яна эввълги хонага кўтарилишди.

Тун ярмидан оғанда Чарльз меҳмонларни кузатиб қўйди.

Хайрлашар чоғлари Роберт Чарльзнинг узатилган қўлини муаллақ қолдирди. Тескари қараб туриб:

— Сен билан таништиргани учун тақдиримни лаънатлайман,— деди. Кейин бир-икки қадам юргач, унга қаради:— Умидларинг чала туғилган, қонин бузуқ. Йўрғакка кирмай бўғилиб ўлади.

Лонг заҳархандалик билан жилмайди-ю, индамади. «Робертнинг номзодини танлаганда ЭҲМ янглишган экан, майли, у темир машина. Аммо мен нега адашдим? Фельлини билар эдим-ку? ЭҲМга ишондимми?»— деб ўзини лаънатлади.

Шарль билан Том Робертни кузатиб, Поккерстритдан ўтишгач, полисменга дуч келишди. Том Шарлга бир қараб олиб, полисменга яқинлашди. Уни танир экан шекилли, жуда қуюқ сўрашди.

— Хэло, Эрик, «Қудрат соҳиби» бугун пайдо бўлмадимми?

— Йўқ.

— Биласанми мен уни бугун...

Томнинг тили айлашмай қолди. Томоғидан кимдир бў-

ғиб олгандай бўлди. Боши айланиб, кўзи олайиб, сулайиб қолди. Шарль ҳам, полисмен ҳам темир панжаларнинг қаердан пайдо бўлганини билмай қолишди. Кўз очиб-юмгунча панжалар яна йўқолди. Бу синов эди. Том ўзига келгач, иш расманасига айланса, кекирдақдан ажраб қолишини билди.

Ф А Т В О

Шарль тунни тажрибахонасида ўтказди. Лекин қўли ишга бормади. У гоҳ кимёвий дорилар териб қўйилган жавон қаршисида ҳаракатсиз туриб қолар, гоҳ дераза олдига келиб шаҳарнинг милтиллаётган чироқларига ўйчан тикиларди.

У Чарльзга сўзсиз эргашди. Ҳатто қаршилиқ ҳам кўрсатмади. Чарльзнинг қудрати уни шунчалик ром этиб қўйдими? Хатарли йўлга қадам босяптими... Хатарли йўл... Унинг боши беркдир балки... Йўқ. Чарльзнинг қўлида қудратли қурол бор. Унинг йўли нурли чўққига олиб чиқиши муқаррар!

Шарль Чарльз билан ҳамкорлик қилишга юраги чопмаётганини сезса ҳам ўзини оқлашга, бу йўлнинг ягона экани ҳақидаги тушунчани ўз онгига қатъий сингдиришга ҳаракат қиларди.

Шу зайлда тонг отди.

Машриқда булут парчаларининг четини чўғлатиб қуёш кўтарила бошлади.

Шарль осуда, сўлим тонглари шу дераза ёнида кўп марта қаршилаган. Назарида ҳар сафар қуёш осмонга кўтарилаётиб унга бахт ваъда этарди. Бу сафар Шарль тонгнинг гўзаллигини негадир ҳис қилолмади. Қуёш ҳам ҳиссиз кўтарилаётгандай туюлди.

Унинг хаёлини телефон қўнғироғи бузди. Шарль Лонгнинг овозини таниди. Чарльз уни нонуштага таклиф этди. Шарль дераза пардасини тортиб қўйиб, бир ҳомуза торт-

ди-да, чиқди. Қоя яқинидаги уйга яқинлашгач, Чарльз унга пешвоз чиқди. Нонушта пайтида бир-бирларига сўз айтмадилар. Лекин Шарль Лонгнинг муҳим гапи борлигини сезган эди. Шунинг учун емакхонадан чиқишлари билан сўради:

— Менга бир нарса демоқчимидинг?

— Ҳа, маслаҳатли иш бор. Қани, ўтир. Марҳамат, чекасанми?

Шарль рад этди. Лонг сигарасини лабига қистирди. Бироқ ёндирмади. Яна қўлига олиб Шарлга юзланди:

— Фарғонада бўлганмисан?

— Йўқ.

— Исмоил Умидовни қаердан танийсан?

— У билан Париждаги анжуманда танишганман, нима эди?

— У илмий ишингдан хабардорми?

— Ҳа, мен унга айтган эдим.

— Яхши қилган экансан. Исмоилни йўлдан олиб ташлашга қўл келиши мумкин.

— Нега энди?

— Менга бас кела оладиган ягона одам — шу.

— Уни ўлдирмоқчимисан?

Чарльз мийиғида кулиб қўйди.

— Йўқ, Шарль, мен жаллод эмасман. Ундан ташқари, Исмоилни ўлдириш — ўтакетган фаросатсизлик. Истеъдодли алломалар ҳали бизга кўп керак бўлади.

— Мақсадингга тушунмадим?

— Биз Исмоил олиб бораётган ишларга тўғаноқ бўлишимиз керак. Буни фақат сен эплай оласан. Чунки Исмоил билан танишсан. Бир соҳада ишлайсизлар. Уларнинг иши сеникига нисбатан мукамалроқ. Дастлабки тажрибалари муваффақиятли якунланибди. Сен гўё улардан иш ўргангани борасан. Уқдингми: «Иш ўрганиш учун!» Лекин асосий вазифанг — улар тўплаган барча илмий маълумотларни йўқ қилиш. Истасанг ўғирла, истасанг портлат, бу сенинг ишинг. Шундай қилгинки, яқин беш-ўн

йил ичида улар бу маълумотларни қайта тўплай олмасинлар. Бу иш эрта баҳордан кечикмай амалга ошиши керак.

Шарль кетишга отлангач, Чарльз унинг қўлига буклоглиқ бир қоғоз берди. Шарль очиб ўқиди: «Қудрат соҳиб — Чарльз Лонг. Тезда қўлга олиш керак. Унинг уйини куч майдои билан ўранг. Шунда кучи қирқилади. Яна...»

— Дастхатни танияпсанми?

— Робертми?

— Ҳа, бечоранинг асаби анча бўшашиб қолган экан. У ўткир аллома эди. Аммо қудратимни чамалай олмади.

— Нега ўтган замонда гапирясан. Ё уни...

— Ҳа. Бўлак чорам йўқ эди. Эртага дафн маросимига боришни унутма. Энди хайр, мен чарчабман.

Шарль хайрлашиб чиқди. Унинг учун серташвиш ҳаёт бошланган эди. Лонгнинг топшириғини олим Гомеску эмас, балки Том эплаштирарди. Нега энди бунга уни — Шарлни аралаштиряпти? Исмоил билан танишлиги учуми? Балки унга тажрибахонадаги маълумотлар керакдир? Унда нима учун «портлат», деди? Шунчаки айтдимикин...

Шарль кўп ўйлади. Лекин тайинли фикрга кела олмади. Уша ерга бориб, шароитга қараб ҳаракат қилишни ўйлаб қўйди. Лекин орадан икки ой ўтгач, Лонг унга аниқ йўл-йўриқ берди. Шарль бунга қатъий амал қилиши керак эди.

ОДАМ МАЙМУН ЭМАС!

Кеча бу маймунининг ҳаракати ниҳоятда суст, қарашлари ғамгин эди. У ён катаклардаги семиз маймуллар сингари лабларини тез-тез қимирлатмасди. Гўё ҳаёт билан хайрлашини они яқинлашганини сезгандай, ҳамма нарсага бепарво қарарди. Айниқса, эрталаб унинг кўзларидан нур қочди. Овқатга ҳам қарамади. Шунда Исмоил янги тайёрланган олтин рангли суюқликни эм игнаси билан маймунининг бўйин томирига юборди.

Илмий марказнинг барча хоналаридаги телеэкранлар-

да фақат оқ тасмаларнинг тасвири кўринади. Бу тасмалар маймун аъзоларининг ҳаракатини қайд этади. Каттаю кичик ходимларнинг диққати шу тасмаларда. Маймун эмлангунга қадар тасмалардаги чизиқлар сўшиб борарди. Орадан дақиқалар ўтди. Ижобий натижа сезилмади. Энг катта тасмадаги чизиқ бир текисда бўлиб қолди. Демак, мия ўз фаолиятини тўхтата бошлади. Маймун кўзларини бир юмиб, бир очиб ётибди. Юрак уриши ҳам секинлашган... Бир соат ўтди. Тажрибахонада Исмоил билан турганлар ҳам, ўз хоналарида телеэкранга тикилиб ўтирганлар ҳам янги тайёрланган доридан кўп нарса кутишган эди. Лекин умид яна пучга чиқадиганга ўхшайди. Агар бу тажриба чиндан ҳам ижобий натижа бермаса, Исмоилнинг умри узайтириш назариясига қарши чиқаётган бўлак олимлар учун байрам бўлади. Исмоил кўп йиллар бурун инсон умрини узайтиришнинг янги, қулай усули ҳақида назария яратиб, бу назарияни амалда ишотланга ҳаракат қиларди. Умр фақат юракни алмаштириш ёки унинг фаолиятини яхшилаш йўли билангина узайтирилиши мумкин, деган назария тарафдорлари шу йиллар ичи Исмоилнинг ҳамма ишларига қарши бўлиб келдилар. Шунга қарамай, Исмоил шогирдлари ўзи раҳбар бўлган илмий марказдаги олимлар билан назарияни амалда ҳақиқатга айлантириш учун тажрибалар ўтказарди. Шу кунга келиб мукамал дори яратилиб, ўлаётган қари маймунни эмланди. Бу дори аввал маймунининг миясига, кейин асаб ҳужайраларига таъсир қилиши керак.

Таъсир қилармикми?

Маймун бирдан кўзини очди. Энди унинг кўзи секин эмас, балки бир нарсадан чўчиб тушгандай, кескин очилди. Шу социянинг ўзида катта тасмадаги чизиқ титраб кетди. Тўғри чизиқ шаклини ўзгартирди: мия ишлаб бошлади. Асаб ҳужайраларида ҳам жонланishi сезилди. Юракнинг уриши бир оз дадиллашди. Демак, бу сафар янглишмабди.

Бундай қувончли кун олимлар ҳаётида камдан-кам бўлади. Бу қувонч кўп азоб чекиб кўзи ёриган аёлнинг чақалоқ ингасини эшитган даврдаги шодлигига ўхшаб кетади.

— Мана энди тажрибани одамларда синаб кўрсак ҳам бўлади,— деди Азизбек.

— Шошган қиз эрга ёлчимайди, деган гапни эшитганмисиз? Сизнинг бутун ишларингиз шундай шошқалоқ қизларникига ўхшайди. Ҳали дорининг ярим таркиби ишлаб чиқилмай синаб кўришга ундаган эдингиз. Натижаси эсингиздами?

— Эсимда, лекин бу тажриба ижобий ҳал бўлди-ку. Маймуннинг мияси, бошқа аъзолари одамникига ўхшайди.

— Агар ўхшаганда маймун одамдай фикрлаган бўларди. Ундан кейин, азизим, бир нарсани ҳамиша ёдингизда тутинг: одам маймун эмас!

Агар бошқа пайт бўлганида Азизбекнинг ўжарлиги тутиб, устози билан узоқ баҳслашган бўларди. Исмоил унинг ўз фикри учун курашишини ёқтирар, шунинг учун эринмай, вазминлик билан ҳақ гапни тушунтирарди. Бугунги қувонч сабаб бўлиб, иккови ҳам баҳсга чек қўйди.

Улар деразаси боққа қараган хонага чиқишди. Ҳали тонг отмаган. Ғира-ширада сада-сада бўлиб турган ўрик гуллари оқариб кўринади. Боғ шу топда ойдинда самога тошган оппоқ булутлар уюмини эслатарди.

Исмоил бугун Ҳилола билан Шоҳимардонга чиқмоқчи эди. Кеча тажрибахонага отланаётганида Ҳилоланинг кайфияти ноҳафроқ эди. Исмоил буни сезди. Эшик оғзида ҳаёлчан турган хотипидан бунинг боисини сўради.

— Ишингиз кўпга ўхшайди-а?— деди Ҳилола.

— Ҳа, бугун япа синов ўтказамиз.

— Майли, бора қолип.

— Сен саволимга жавоб бермадинг-ку?

— Ҳозир жавоб беришим шартми?

— Хафалигингнинг сабабини билишим керак. Балки мендан ранжигандирсан?

— Ҳа.

— Инмага?

— Сиз оилангиз борлигини унутиб қўйяпсиз.

Исмоил иш кўплигини баҳона қилиб, эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин ўйланиб қолди. Бир жиҳатдан Ҳилола ҳақ. Исмоил ўз фаразини исбот қилишга киришганидан бери уйга фақат тунагани келади. Тажрибахонадан қайтганда Ҳилола уйқуда бўлади. Наҳорда онаси билан нонушта қилади. Унгача Ҳилола ҳам туради. Улар фақат шу пайтда кўришишади.

Исмоил шуларни ўйлаб, хотини олдида бир оз изза чекди. Кейин эртага дам олажагини, шу баҳонада Шоҳимардонга олиб чиқажагини айтди...

Кечқурун Ҳилола сафарга тайёргарлик кўрган, шубҳасиз, Исмоилни кутган. Ҳозир ҳам кўз тикиб ўтиргандир. Сафардан умидини узгандир. Исмоилдап қаттиқ ранжигандир. Хафа бўлиши ўринли. Бироқ Исмоилнинг бу тунги ютуғидан хабар топиши билан гинаси бир зумда тарқалади...

Исмоил шу хаёллар билан банд эди. У Ҳилоланинг қандай қувонишини кўз олдида келтириб, жилмайиб қўйди.

— Қани, уй-уйимизга борайлик. Энди дам олсак ярашади,— деди у ҳамроҳларига. Кейин хонасига чиқиб кийинди. Тажрибахонадагилар билан хайрлашиб, ташқарига йўл олди. Остонага оёқ қўйиши билан котиба уни тўхтатди.

— Исмоил ака, сизни Ефим Назарович йўқлаптилар.

Исмоил тўхтаб, соатига қараб олди.

— Нима ишлари бор экан, билмайсизми?

— Кеча хориждан бир киши сизни сўраб келган эди.

Шу масалада бўлса керак.

Исмоил орқага қайтди. Бошлиқнинг эшигини аввал аста очиб, ичкарига тезгина назар ташлади. Хонадаги нотаниш кишини кўрди-да, котибанинг гапи тўғри экан, деб ичкари кирди. Бошлиқнинг ҳузурдаги киши Исмоилнинг кўзига иссиқ кўринди. У қошлари ўсиқ, рангпар бу

киниши қаердадир кўрган эди. Ефим Назарович Исмоил билан сўрашгач, уларни таништирди.

— Меҳмонимиз Галвестондан, балки таиририз?

— Қаердадир кўрганга ўхшайман. Исми шарифлари...

— Шарль. Шарль Гомеску.

— Ҳа... энди эсладим. Уша анжумандан кейин жим бўлиб кетганингизга мен ишларни йиғиштириб қўйибсизмикин, дебман. Сизни бу ерга шу иш шамоли учириб келгандир?

— Тўғри. Мен сиздан баъзи нарсаларни ўргангани келдим. Назаримда инсон умрини узайтириш борасида сизнинг усулингиз тўғрига ўхшаб қолди. Лекин мен ўз йўлимдан бутунлай воз кечмоқчи эмасман.

— Шунда яхши. Ҳадеб бошқаларининг йўлини маъқул топиб, ўзиникидан воз кечаверадиган олим чинакам олим бўлмади қолади. Ҳамманинги ўз йўли бўлиши керак. Мен шундай одамларни яхши кўраман.

— Бу гапларни анжуманда ҳам айтган эдингиз...

Ефим Назарович Исмоилга чой қуйиб узатди. Исмоил хиёл совиб қолган аччиқ кўк чойни симирди.

— Бугундан бошлаб сизнинг ихтиёрингиздаман. Мен билан шогирдингиздай муомала қилаверишингиз мумкин.

— Яхши. Лекин бугун шогирд сифатида эмас, меҳмон сифатида ихтиёримда бўласиз. Ефим Назарович, истасангиз бизга ҳамроҳ бўлинг. Шоҳимардонга чиқамиз.

— Раҳмат. Менинги ишларим бор. Ҳа, дарвоқе бугунги янгиликдан хабар топиб, бирор мухбир келиб қолса нима қилай, унингга юборайми?

— Ҳозирча, ҳеч гап йўқ, дея туринг. Ростдаман ҳозир ҳеч гап йўқ-ку, тўғрими?

— Айёрсан-а?— деди Ефим Назарович кулиб. Шарль дарров суҳбатининг мавзунини англади.

— Сизни биринчи мен табриклайдиганга ўхшайман,— деди у кулимсираб Исмоилга қўл узатар экан.— Шундай шарафга муяссар бўлганимдан хурсандман.

— Раҳмат. Лекин табрикларга ҳали эрта. Қапи, юринг, меҳмон, бу ҳақда йўл-йўлакай гаплашармиз.

* * *

Ҳилола эрининг қайтишини сабр билан кутди. Ишхонасига атайин қўпғироқ қилмади. У Исмоилнинг банд эканини биларди, шундай бўлса ҳам, эрининг бундай кечикишлари унга оғир ботарди. Ҳилола қўм-қўк шимини, кўкрагида гули бор сариқ кофтасини кийиб, сайрга ҳозирланиб турганди. Исмоилнинг меҳмон билан кириб келганини кўриб, сайрдан умидини узди. Ичкари кириб, алам билан ечина бошлади. Шу тонда хонага кирган Исмоил нима гаплигини сўрамаёқ англади.

— Ечинма, ҳозир жўнаймиз,— деди.

— Меҳмон...

— Меҳмон биз билан боради... Ундан кейин бугун фақат кулиб, қувнаб юришинг керак.

Ҳилола бу гапни «меҳмоннинг олдида очилиброқ юринг», деган мазмунда тушуниди. Шунинг учун совуққина қилиб:

— Биламан,— деди.

— Билмайсан.

Ҳилола эрига қаради. Шундагина унинг подликдан ёниб турган кўзларини кўрди. Бу кўзлар... ҳамиша ўйчан эди. Уйқусизликдан, чарчоқдан қизариб, қисилиб борарди. Ҳилола бу кўзларнинг чиндан кулиб туришини анчадан бери кўрмаган эди. Шунинг учун ҳам унинг хафақол чеҳраси бир зумда ёрилиди.

— Бўлдим!— деди ҳаяжон билан.

— Деярли,— деди Исмоил.

Ҳилола эрининг бўйнидан қучиб, унинг юз-кўзларидан ўпа кетди. Шу тонда у эридан ҳам бахтиёрроқ эди. У бирдан эрининг бағридан чиқди-ю, нариги хонага отилди. Ундан ошхонага югурди. Дам ўтмай «вой, болажонимдан айланай», деб онаси кириб келди. Ҳилола остонада туриб,

она-боланинг қувончини ҳузур билан кузатди. Она ўглининг юзларини кўз ёшлари билан ҳўл қилиб юборган эди. Уша тоғда Исмоилнинг кўзига ҳам, Ҳилоланинг кўзига ҳам ёш келди.

Исмоил кўп оналарнинг йиғлаганини, фарёд чекканини кўрган. У оналарнинг, умуман одамзоднинг фақат мапа шундай қувончдан йиғлашларини истарди. Қувончдан тўкилган кўз ёшлари қалбнинг туб-тубида биқсиб ётган жами ғам-аламларни ювиб тушади.

— Буви, йиғламанг,— деди Исмоил тупук ютиб. Шунда у овозининг титраганини сизди. Она бир қўли билан рўмолини тузатиб, ўглини бағрига яна ҳам қаттиқроқ босди.

— Хурсандлигим бағримга сизмаяпти, болам, бу бахтингни кўролмай ўлиб кетаманми, дедим.

Ярим кулги, ярим йиғи билан она яна Исмоилни ўпа кетди.

— Буви, меҳмон кутиб қолди-ку?

— Ҳа-я, эсгинам қурсин. Меҳмон чой ичаверармикин ё қаҳва қайнатсаммикин?

— Қўлбола кўк чой дамлайверинг. Бу ернинг ҳавосига кўк чой яхши.

Чой Шарлга тахир туюлди. Шунинг учун кўп ичмади. Улар йўлга кун ёйилганда чиқишди. «Сизлар бемалол гаплашиб кетинглар», деб рулга Ҳилола ўтирди.

Исмоил меҳмон билан танишгани ҳамон хаёлига Галвестон воқеаси тушди. Лекин дарҳол суҳбатни бу мавзуга буришни истамади. Машина катта сой ёқасидаги кенг йўлга чиққанида шу ҳақда сўз очишнинг мавриди келди. Сутни эслатадиган оппоқ сув тошдан-тошга урилиб, кўпириб оқар, йўл ёқаларидаги нозик майса унинг шабадасида қалтирарди. Сувнинг нариги бетидаги тутзорнинг қилвир шохлари ҳаракатсиз, гўё нола билан кўкка интилган ориқ қўлларга ўхшайди. Тутзор орасида адашиб қолган бир қанча ўрикнинг қийғос гуллари тутзорнинг мунгли кўринишини сездирмайди. Йўловчи бу гулларга ҳавас

билан боқиб, ҳали барг чиқаришга улгурмаган тутларга кўпам эътибор бермайди.

Шарль табиатнинг бу сеҳрини кўзи илғаганча томоша қила туриб деди:

— Биз томонларда ҳам мевали дарахтлар гуллаб қолган эди. Баҳор бир пайтда бошланаркан.

— Ҳа,— деди Исмоил атрофдан кўзини олиб,— баҳор эртамин-кечми, ҳамма ерга келади. Дарахтлар гуллайди. Улар одамларнинг ташвишига бефарқ қарайдилар. Уларда ҳам ўзларига яраша ҳаёт фалсафаси бор. Қизиқ, «Қудрат соҳиби» ҳукмини дарахтларга ҳам ўтказармикин?

Шарль Исмоилга савол назари билан қаради. У «қудрат соҳиби» ҳақида сўз очилишини истамас эди. Шарль гап орасида бирор ножўя сўз айтиб, фош бўлишдан хавфсирарди. У Исмоилнинг қароргоҳига тошбақадай ўрмалаб кирди. Муддаога етгунча ҳамма ерга бир-бир бошини суқиб кўриши керак. Шубҳасиз, кимдир унинг йўлини пойлар, ана шунда у бошини косаси ичига яширади. Чарльз унга шундай сабоқ берган. Ҳар дақиқада зирҳини қалинлаштиришни уқтирган. Суҳбатлар мавзуи тор доирадан чиқдими, демак, зирҳни мустаҳкамлашга вақт етди. Шарль шуларни хаёлдап ўтказиб, деди:

— У фақат ер юзига эмас, инсон оёғи етган сайёраларга ҳам ҳукмрон бўлмоқчи шекилли. Жонли мавжудотни ўзига қарам қилса, буларга ўз-ўзидан ҳукмронлик қилади.

— Қандай қилиб?

Шарль жавоб бермади. Елка қисиб қўйди.

— Ҳукмронлик қилиш — ўз истагига бўйсундириш, деган гап. Демак, у истаса дарахтлар гуллайди, бўлмаса йўқ. Шундайми?

— Бундай майда-чуйдалар билан шуғулланмаса керак.

— Балки одамларни ҳам қул қилмас?!

— Билмадим...

Ҳилола баҳсинг сўнгсиз давом этиши мумкинлигини сезиб, гапга аралашди:

— Исмоил ака, сайрга дам олиш учун чиқяшимиз-а, меҳмонни толиқтириб қўймаишг,— деди йўлдан кўз олмай.

— Ҳа, гапинг тўғри,— деди Исмоил. Кейин меҳмондан узр сўради. Унинг овозидан мулойимлик кетганини, кайфиятининг сал бузилганини Шарль ҳам, Ҳилола ҳам сездди. Шундан кейин суҳбат унча қизмади. Исмоил баъзи-баъзида боғларга таъриф бериб қўяр, аммо бу таърифда ҳам қуруқлик сезилиб қоларди.

Машина қорлари эриб, шумшайиб қолган даралар орасига кирди.

— Уч-тўрт кундан кейин майсалар бош кўтариб, ҳамма ёқ кўм-кўк бўлиб кетади,— деди Исмоил.

— Ҳа... тасаввур қилипман: этаги кўм-кўк, юқориси оппоқ тоғ. Ажойиб сурур!

Шарль шундай деб ўйга толди. У келажакни ўйларди. Ажаб, Лонгнинг режаси амалга ошгач, Исмоил уни қай тарзда кутиб оларкин? У пайтда, шубҳасиз, қизишмайди. баҳслашмайди. Унинг — Шарлнинг оғзини пойлайди. Шарль айтган сўз қонун бўлади. Исмоил буни шу топда ҳис қила олармикин? Эҳтимол, сезгани учун қизишаётгандир. Бўлажак тақдирдан куйишаётгандир. Ахир у ҳам оддий одам эмас, унча-мунча олим билан беллашадиган аллома. Чарльз унда бекорга хавфсирамаган. Тан олиш қанчалик оғир бўлмасин, бари бир у Шарль эйлай олмаган ишининг уддасидан чиқди.

Шарль кўз қири билан Исмоилга қаради. Утириши фикридай вазмин. Кўзларида қандайдир сеҳр бор: худди нур ёғилиб турганга ўхшайди. Шарль ўз онасининг кўзларига қараганда кўпроқ шу фикрга келарди. Лекин Лонгнинг кўзлари бошқача...

«Бутун ишини чиппакка чиқариб кетсам, кўзлари Лонгникидай қаҳрли бўлармикин?» — ўйлади Шарль. Кейин ўзини Исмоилга қиёслади: иккови ҳам олим. Лекин бири яратувчи, бири яратувчи кўринишидаги бузғувчи.

Бу даражадаги тафовут ҳаётда бўлак учрамаса керак.

— Келдик.

Шарлнинг хаёли бўлинди. Улар катта чшор ёнида тўхташган эди. Унг томонда, тўртта катта булоқ атрофига бир қанча сўрилар қўйилган. Ҳаво хийла салқин бўлгани учун одам кам эди. Машина тўхташи билан ойнабанд уйчадан чан томонига сал оқсайдиган оқ кишимли озгин бир киши чиқиб, уларни қаршилади.

— Шоҳимардон шу ерми?— деди Шарль.

— Йўқ. Шоҳимардондан анча юқориладик. Яна бир оз юрсак, қорли дарага чиқардик. Салқинини сезяпсизми?

— Ҳа, сайрга шошилибсизлар. Совуқда сайрнинг гашти бўлмайди.

— Табиатдан ҳар ким ўзича гашт олади. Мен табиатнинг худди шу фаслини яхши кўраман. Бу фасл гуноҳсиз гўдакка ўхшаган, ниҳоятда тоза, гўзал! Ҳамма ёқ гул. Кўм-кўк. Яна бирор ойдан кейин бундай тоза ҳавони кўмсайсиз, мени айтди дersenз.

Чойхоначи сўрига атлас кўрпача солиб, лўлаболлиш ташлаб жой қилди. Исмоил сўрига омонатгина ўтирди. Чойхоначи патиседа чой-нон келтириб қўйди.

— Тамадли қилиб оламизми?

Ҳилола Шарлга қаради. Эти сал жунжикиб турган Шарль атрофини бир айланиб келишга ихтиёр билдирди.

Улар яна юқорилаб, шаршара қаршиседа тўхташди. Чор атрофда фақат ўн қулоч тепаликдан тушаётган сувнинг сирли гувиллаши ҳукмрон. Тепадан шиддат билан тушган сув бир зум сачраб, кўприб, катта доира ясайдида, пастрга ўйноқлаб, югуриб кетади. Ҳар сонияда бир неча марта, сўнгсиз қайтарилаверадиган бу манзара кишини зериктирмайди, аксинча, хаёлга ҳам ҳоким бўлиб олади.

Шабада Шарлнинг сийраклашган жингалак сочини сал тўзитди. Совуқ таъсир қилиб, бурнининг учи оқаришқиради.

Исмоил бужир харсангга чўнқайиб олиб, юз-қўлини ювди.

— Мистер Гомеску, дорисиз ҳам одамнинг умрини узайтирса бўладими?

— Мен бунга ҳозир жавоб берайми?

— Хоҳиншингиз.

— Бу саволга асрлар ҳам жавоб бера олмади. Бир нарсани дейишим қийин.

— Мен айтишим мумкин: узоқ умр кўриш учун дори ёки операция шарт эмас. Негаки, табиатнинг ўзи энг ўтқир дори. Табиатнинг бор неъматларида баҳраманд бўлиш — бу соҳадаги энг зўр муолижа. Агар ҳамма жойдаги, айниқса, шаҳарлардаги ҳаво шу ердагидай кислородга бой бўлса, умр ўз-ўзидан камида ўн-ўн беш йилга узайган бўларди. Лекин... Гўзал манзарали, поз-неъмат кўп бўлган ерда итнинг шер билан, илоннинг ҳўкиз билан туриши таҳликали, деган шарқ ҳикмати эслаб, бир нарсани ўйлаб қолдим.

Шарль бу гапни нотўғри тушувиб, ялт этиб Исмоилга қаради.

— Нимани назарда тутяпсиз?

— «Қудрат соҳиби»ни.

— Шубҳангиз ўринсиз.

— Сабаб?

— Назаримда унга ортиқча баҳо бериб юборяпсиз. У сиз айтганчалик қўрқинчли, қудратли бўлмаса керак. Балки бу ишунчаки бир техника ҳавасмандининг ишидир? Уч ойдан бери ундан сас-садо йўқ.

— Бу иш ҳавасманднинг қўлидан келмайди.

— Хўп, у чиндан ҳам олим, дейлик. Майли, қудрати ҳам бениҳоя бўлсин. Мақсадига ҳам эришсин. Сиз учун бари бир эмасми? Сиз олимсиз. Ўз ишингизни қилиб юрверасиз. Олимларга ҳар қандай шароитда ҳам ишлашга имкон беришади.

— Агар олимнинг вазифаси — ўз ишинигина билиш, десаңгиз, мен сизни олим сапамайман. Ахир олим пима учун ишлайди? Одамларнинг фароғати учунми? Шундай экан, у исонларни севиши керакми? Хўш, сиз севган иш-

соини қул қилган бир разил учун ҳам хизмат қилавера-
сизми?

Шарль шу топда баҳснинг нафи йўқлигини билиб:

— Сиз ҳақсиз,— деди. Унинг осонгина таслим бўлиши Исмоилни ҳайрон қолдирди. Шарльнинг гапи баҳсга нуқта қўйган эди. Шунинг учун Исмоилнинг фикри чала қолди. У ўрнидан туриб, тошдан-тошга чаққон-чаққон сакраб юқорилади. Шарль унга эргашди. Исмоил ҳеч тўхтамай, кийингдай енгил ҳаракат қиларди. Шарль ундан анча орқада қолди. Бунинг устига ҳансираб, нафаси қайтди. Ноилож бир харсангга ўтирди. Исмоил пастга тушди.

— Чарчадингизми?

Шарль: «Чарчаш ҳам гапми!»— дегандай бош чайқаб қўйди. Исмоил кулиб унинг ёнига ўтирди.

— Илмий ишингизнинг бир чеккасига шунинг ҳам ёзиб қўйинг: одамлар дори ичсам умрим узаяди, деб юрмасдан, мана шунақа сайрга тез-тез чиқиб турсинлар. Буни ким айтган, биласизми?

— Сиз.

— Йўқ,— Исмоил ҳузур қилиб кулди.— Ибн Сино айтган. Ундан олдинроқ ўтган ар-Розий ҳам одамларни кўп ҳаракат қилишга, тоза ҳавода юришга ундаган. Мен умрини узайтирадиган шу усулни маъқул кўрардим.

— Унда нега бошқа усулни ўйлаб топдингиз?

— Ибн Сино «Тиб қонунлари»да кўп фойдали насиҳатлар қилган. Лекин бу насиҳатларни одамлар қулоққа илмадилар. Шундан кейин табобат янги усулларни қўллашга мажбур бўлди. Жумладан, камина ҳам. Агар одамлар донмий чиниқиб, сайр қилиб юришса, дорига эҳтиёж қолмасди. Қани, яна юқорилаймизми?

— Энди қайтсак ҳам бўлар.

— Ихтиёрингиз. Юринг, хопим масаллиқларни тайёрлаб қўйгандирлар. Ўзим бир қўлбола палов қилай.

Пастга тушингач, Исмоил ошга унпаб кетди. Уша ку-

ни «қудрат соҳиб» ҳақида бошқа гап-сўз бўлмади. Бу Шарль учун айни муддао эди. Лекин Исмоилнинг кўнгли гаш бўлиб қолди.

«ҚУЮН» ОПЕРАЦИЯСИ

Қуёш ҳали баландга кўтарилмаган, лекин унинг ўтли нафаси сезилиб қолган эди. Осмон мусаффо, шаҳар осуда ҳаёт кечирарди. Тонгда тирикчилик важидап гимирлай бошлаган одамлар оқшомгача тинишмасди. Қуёш кундузи гўё фиръавиларнинг муқаддас қабрларига ўт қўймоқчидай атрофни аёвсиз қиздирарди. У магрибга бош қўйгач, дарё томондан кучсиз шабада келиб дарахт баргларини секин чертгандай бўлди: япроқлар аста титрашди. Шаҳарнинг энг катта меҳмонхонаси пештоқидаги рангли чироқлар ёнди. Кун билан машиналарнинг говури тинмаган кўчаларда ҳаракат сиёраклашди. Ҳамма томондан қўшиқ, куй эшитила бошлади.

Шу пайт меҳмонхона олдида ҳаворанг мерседес тўхтади. Ундан қирқ беш ёшлар чамасидаги заҳил юзли бир киши тушди. Ичкари кириб, ўзини таништирди:

— Чарльз Лонг.

— Марҳамат, мистер, сизнинг ўринингиз тўртинчи қаватда.

— Нечта хона?

— Буюртмада айтилганидай, учта хона ажратганмиз.

— Раҳмат.

Чарльз шу кириб кетганича хонадан эртасига тушга яқин чиқди. Салқинлаш учун дарё соҳилига йўл олди. Песикдан жоп сақлаётганлар бу ерда кўн эди. Чарльз ҳам уларнинг сафига қўшилди. Сувга бир-икки шўнгиб чиқиб, майин қум ётқизилган соҳил бўйлаб юрди. Қизлар... Йигитлар... Чарльз ёлғиз ётган қиз қаршиида тўхтаб қолди. Қиз юзини оқ қоғоз билан ёпиб олган, бадани қорамағиз, қадди-қомати келинган, кўкраклари бўлиқ эди. Чарльзнинг хаёлига Шарлотта, унинг тотли бўсалари, эркаллари келди. Кейин қизнинг ёнига чўзилди. Қиз қоғознинг

бир четини сал кўтариб, ёнига ётган кишига кўз қирини ташлаб қўйди.

— Салом,— деди Чарльз қизнинг қараганини сезиб.

— Салом.

— Бу ер жуда иссиқ экан.

— Ҳа.

— Чўмпилиб келмаймизми?

— Ўзингиз чўмлаверинг, сизни ҳеч ким ушлаб тургани йўқ.

«Мунча қўпол экан»,— ўйлади Чарльз. Лекин сир бой бермади ўзини мулоим тутди:

— Исмингиз нима?

— ...

— Латифа, денг. Чиройли исм экан.

Қиз яна қоғознинг бир четини кўтариб, Чарльзга қаради.

— Қаердан билдингиз?

— Билдим-да. Қизиққаншдан...

— Дуч келган қизларга қизиқавераркансиз-да?

— Йўқ, кўнглимга ёққанларига...

— Суюлманг... Мен сиз ўйлаган қизлардан эмасман.

— Ўзингиз чиройли бўлсангиз ҳам қўпол экансиз.

— ...

— Ахир, мундай чақчақлашайлик,— Чарльз шундай деб, қизнинг юмшоқ билагига қўл юборди. Қиз сапчиб бошини кўтарди. Шундагина Чарльз унинг шахло кўзи, қора қоши, бежирим лабини кўрди. Қизнинг шу чиройли кўзларида ғазаб ҳам кўрди. У заҳархандалик билан кулиб ўрнидан турди-да, нари кетди. Яна бир шўнғиб чиқиб, қаҳвахонага борди. Соябон остида оёқларини осилтириб ўтирган, сочлари олтиндай товланаётган қора кўзойнакли қиз унинг диққатини ўзига тортди. Қиз, назарида, унга бир жилмайиб ҳадя этгандек бўлди. Чарльз ўша томонга юрди. Соябонга яқинлашиши билан қиз саломлашди:

— Хело!

— Салом,— деди Лонг,— назаримда зеркиб қолганга ўхшайсиз?

— Ҳа, жуда зерикдим. Марҳамат, ўтиринг.

Улар оқшомда бирга қайтишди. Қиз тунни Чарльз билан бирга ўтказди...

Чарльзнинг кўнгли эрталабдан хира бўлди. Меҳмон-хоша ходимаси олиб кирган овқатдан озгина тотиди. Юрагида уйғонган ғашликнинг боисини ўзи ҳам билмади. Бу ғашликни чарчаганликка йўйиб, аччиқ қаҳвадан бир си-мирди-да, шайх ал Сидқининг шаҳар четидаги қароргоҳига йўл олди.

Уни иззат билан қарши олдилар. Шайх уни узоқ кут-тирмади.

— Мен мухбирман, айрим воқеалар ҳақидаги фикри-гизни билиш истагида келиб эдим.

— Бош устига.

— Галвестондаги даҳшатли воқеаларни эшитган-дирсиз?

— Галвестон... Галвестон...— шайх тасбеҳ ўгириб ўй-ланиб қолди. Кейин ёнига қараб чақирди:— Маҳмуд!

Шу заҳоти останада бир йигит кўринди. Қўлини кўк-сига қўйиб, таъзим қилди. Шайх унга қарамай сўради:

— Галвестонда нима бўлган эди?

Йигит одоб билан жавоб берди:

— Бундан уч ой илгари қандайдир қудрат соҳиби чиққан эди.

— Ҳа, ҳа, эсладим. Қайси бир иблис шаккоклик қи-либди.

— Сиз буни шаккоклик деб ўйлайсизми?

Шайх Чарльзга ғалати қараб олди.

— Ҳа, бу ғайридинларда тез-тез учрайдиган шаккок-ликнинг бири. Ҳақ-таолога тил теккизиш гуноҳи азим. У охиратни ўйламабди.

— Ахир у ғайридин-ку, нима учун сизда унга нисба-тан қаҳр уйғонди?

— Бунинг аҳамияти йўқ. Худо бир, Расул барҳақ!

Динимиз бўлак бўлса ҳам худо бир ва ягона! Мўминларга бўлак қудрат керакмас. У бадкирдор худонинг қаҳрига учрагай.

— У одам ўзини «қудрат соҳиби» деб атагани билан, шунчаки ҳокимликни талаб қиляпти.

— Ергами?

— Умуман, жонли мавжудотларга, коинотга ҳам.

— Иштаҳаси зўр экан. Лекин, у касал бўла туриб, нафсини тибёлмай, ёқмайдиган овқатга чанг уряпти. Бундай одамлар муолижа кўришга улгурмай, омонатларини топшириб қўядилар.

— Демак, у ҳоким бўла олмайди, шундайми?

— Ҳа. Аммо у тирик онгсиз мавжудотга ҳоким бўла олиши мумкин. Шунда ҳам аввал одамзод қирилиб битиши керак. Инсоният бор экан, унинг ҳоким бўлиши жуда мушкул. Ҳақ-таоло ҳам бунга зинҳор йўл бермайди. Бандаларини азобга солиб қўймайди.

— Ажаб...

— Нега ажабланишсиз?

— Худо бандаларини азобга солиб қўймайди, деганингизга.

— Бунинг нимаси ажабланарли?

— Худони дилига жо қилганлар, умрини тоат-ибодатга бахшида этганлар, яъни сизнинг муридларингиз ҳозир бир ҳовучгина қолган. Худо мана шу диндан қайтган оспй бандаларини ҳам қаноти остига олармикин?

— Оспй бандаларга оллонинг ўзи у дунёда жазо беради.

— Дейлик, қудрат соҳиби шу ерларга келиб, Саҳрон Кабирни қўзғатса, водийларни қумга кўмса, мўмин-мусулмонлар унинг қаршисида тиз чўкишадими? Сиз фатво берасизми?

Шайх яна ўйга ботди.

— Йўқ, мен фатво бермайман. Саҳрон Кабирни қўзғатиш нима бўпти?! Бу қиёмат-қойим деган гап эмас! Мусулмонлар бундан ҳам даҳшатлироқ офатларга дуч кел-

ганлар. Лекин улар ҳеч қачон тиз чўкишмаган. Мен фатво берсам ҳам тиз чўкишмайди. Қудрат соҳибининг нияти ўлимтик. Овора бўлиши ортиқча.

Шайхнинг гаплари Чарльз дилини яна ҳам гап қилди. «Одамзод қирилиб битса ҳоким бўла олар эмишман, — ўйлади у. — Агар ростданам шундай бўлса-чи? Яна синаб кўриш керак. Шунда ҳам бўйсунимасам, бу тизчўкмас одамларни қириб ташлайман. Яна юз йиллардан кейин одамларнинг янги авлоди пайдо бўлади. Ана шулар менинг қулларимга айланинади. Мен истаганча яшашни мумкин бўлган ягона инсонман... Фақат Шарлоттани олиб кетин керак. О, Шарлотта, сенинг нимаг менга ёқиб қолди? Наҳотки сени севсам?..»

...Икки кундан сўнг қудрат соҳиб эфирга чиқди. Кейин Саҳрои қабирда қум кўчди. Бундай офатни ҳали тарих кўрмаган эди. Бир ҳафта ўтгач, Рим радиосининг овози бўғиб қўйилди. Еттига программада қудрат соҳибининг ўша совуқ талаблари кун бўйи эшитилиб турди. Кейин денгизда тўфон кўтарилди, шаҳарда эса Помпей даҳшати каби ер силқинди...

ҚОТИЛ

Гомескуни тўғри операция хонасига бошлаб киришди. Исмоил ҳаётга қайта бошлаган маймуни кўздан кечирарди. Гомескуни кўриб, уни атрофидагилар билан таништирди. Кейин Азизбекка юзланиб, деди:

— Юрак уришини, мия фаолиятини тинимсиз кузатиб туринг.

Исмоил меҳмонга тажрибахонани кўрсатгач, мўъжаз хонасига бошлади. Хонада бир печа кресло-ю, шарқ услубида ишланган олти қиррали нақшбанд курси ва жавондан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Исмоил жавондан икки қадаҳ олиб, мусаллас қуйди. Биринчи ҳамсуҳбатига узатди. «Муваффақият учун», деб чўқиптириб, бир ҳўпламдан ичишди.

— Деярли барча илмий ходимлар билан таништирдим.

Сиз кўпроқ Азизбекнинг ёнида бўлинг. Жуда истеъдодли олим. Шошқалоқлигига эътибор бермасангиз ҳам бўлади... Мендан бирор нарса сўрамоқчисиз шекилли?

— Ҳа. Мен ҳам асосий эътиборни бош мияга қаратганман. Лекин мен миёни бутунлай алмаштирмакчи эдим. Сиз бунга нима дейсиз?

— Сиз ниҳоятда мушкул йўлни таалагансиз. Ундан ташқари бу усул одамзодга кўп наф бермайди. Чунки сиз бир кишининг умрини узайтираман деб, кимдир қурбон қилишингиз керак. Шунинг учун мен бу усулга мутлақо қаршиман.

— Демак, сизнинг усулингиз инсониятга кўпроқ наф келтирадимми?

— Мен бу ишга қўл урганимда шунини назарда тутганман. Кечаги қўлёзмагизни ўқиб чиқдим. Хулосаларингиз тўғри. Дарҳақиқат, мия бутун аъзоларни бошқариб туради. Унинг бу қобилияти сўнганидан кейингина одам ўлади. Биз миёнинг сўнишини кутмаслигимиз, олдинроқ ҳаракат қилиб, унинг фаолиятини изга солишимиз керак. Биз худди шунга амал қилдик.

— Аниқроқ изоҳлаб бера оласизми?

— Марҳамат. Биз йил ўтгани сайин мия фаолиятининг сусайишини аниқлаб, ҳаётнинг маълум бир бўлагига бош мия қобиғининг умумий энтропиясини ўзгартири керак, деган қарорга келдик. Бу масаланинг хал бўлиши бош қобиқ билан миёнинг бўлак қисмлари ўртасида қувватнинг квант даражасида алмашишига боғлиқ. Биз тайёрлаган дори эм игнаси билан бош қобиққа юборилади. Шунда унинг энтропияси бузилади. Натигада миёнинг суестлашиб бораётган бошқа қобиқлари қўшимча қувват олиб, бутун асаб тўқималарининг фаолиятини ҳам ишга солади. Бу эса юракка таъсир қилади. Шундай қилиб ёшарган аъзолар сусайиб бораётган аъзоларга, ҳужайраларга таъсир қилиб, уларни ҳам «ёшартиради». Лекин бу усул билан умр боқий бўла олмайди. Фақат йиғирма-йиғирма беш йилга узаяди, холос. Бироқ биз вақтдан ютамиз. На-

варимда бу усул миянинг телепатик хусусиятини ҳам тиклаши мумкин.

Шарль Лонгнинг нимадан чўчиганини энди тушуниб қолди. Кучли телепатияга эга бўлган Исмоил Лонгнинг йўлида улкан говга айланади. Лонг йўлидаги бу кичик тошни харсангга айланмасидан четга улоқтирмоқчи. Шарль ўзини телепатияга ишопмайдиган қилиб кўрсатиш учун Исмоилнинг сўзини бўлди:

— Сиз телепатия масаласига яна қайтибсизми? Ахир бу назария ўтган асрдаёқ рад этилган-ку?

— Мистер, табиат илмий фикрлардан анча бойроқ. Бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам мутлақ эмас. Вақт ўтиши билан фикрлар умрини ўташи мумкин. Лекин табиат қонунилари узоқ сақланади. Ньютоннинг корпускуляр назариясини эсланг-а, у ҳам рад этилган эди-ку? Икки асрдан сўнг бари бир тан олинди-ми? Телепатия ҳақидаги назария ҳам шундай.

— Омадингизни берсин. Агар ҳақ бўлиб чиқсангиз, фанда бир ўқ билан икки қуёвни урган бўласиз. Бу фикр-ни исбот қилиш учун тажрибани яқин орада одамда ўтказишни бешларсиз?

— Йўқ, яқин орада бошламайман.

— Нега, ахир дорини топибсиз-ку?

— Дори ҳар хил одамга турлича таъсир кўрсатади. Дунёдаги барча одамларнинг бармоқ излари бир хил эмас. Миялари ҳам ҳар хил. Дори миянинг хусусиятига қараб тайёрланиши керак. Ҳозир тайёрлаганимиз маймуннинг миясига мўлжалланган. Унда телепатияга хос модда йўқ. Одамга қўллаб бўлмайди. Унда ташқари, биз дорини килпи неча ёшга кирганда бериши ҳам аниқланганимиз керак. Хуллас, ҳали иш кўн. Тўрт ойдан кейин совет геронтологларининг кенгаши бўлади. Ўшанда бамаслаҳат бир фикрга келамиз. Ишимиз билан танишиб, сиз ҳам фойдали фикр билдирарсиз, деб ўйлайман.

— Шундай фикр билдиролсам, бахтиёр бўлардим.

Улар яна чўқиштириб ичишди.

Кейинги кунлар ичи Шарль кун буйи илмий ходимлар билан бирга бўлди. Тажрибаларда қатнашди. Бу орада Саҳрон Кабирдаги фожиа ҳақида хабар келди. Шарль Исмоил билан суҳбатда бўлганида, яна қудрат соҳиби ҳақида сўз очар, деб эди. Йўқ, бундай бўлмади.

Уч кундан кейин, пешин пайтида Исмоилни Ефим Назарович чақиртирди. У одатдагидай тўрда эмас, дераза ёнидаги креслода ўтирарди. Ҳамиша бостириб кийиб юрадиган қизил гилам дўпписини ечиб қўйган, сочи тўкилиб битгани учунми, пешонаси кенг кўринарди. У Исмоилни рўпарасидаги креслога таклиф қилди.

— Тажрибани одамда бошламоқчимисан?

— Йўқ.

— Яхши. Бу ишларга яна ким раҳбарлик қила олади?

— Азизбек,— Исмоил гапнинг тўсатдан шу хилда бошланишига тушунмади. Бошлиқнинг саволига жавоб бериб, суҳбатнинг сабабини сўрашга оғиз жуфтлади. Лекин Ефим Назаровичнинг ўзи муддаога кўчди:

— БМТ ҳузурида «Қудрат соҳиби»га қарши олимлар кенгаши тузилибди. Биз сени шу кенгашга лойиқ кўрдик.

— Нега, ахир мендан бошқа тажрибали олимлар ҳам бор-ку?

— Ўзингни гўлликка солма. Камтарлигингни кўрсатишга ҳам тиришма. «Қудрат соҳиби»га қарши чиқиш учун кўп соҳанинг алломаси бўлиш керак. Сен фақат геронтолог эмас, нейрофизиологсан, фазогирсан. Биофизикадаги ишингни, коинотдаги жасоратингни ҳеч ким билмайди, дейсанми? Қолаверса, бу гап мендан чиқмади. Сени Иттифоқ академияси тавсия этган.

Исмоил кулди.

— Ефим Назарович, чиндан аччиқланияпсизми? Сизлар менга шу ишга лойиқ кўрасизлару, мен йўқ дейманми? Бу гапни шунчаки айтдим-қўйдим-да.

— Шунчаки айтдим, эмиш. Одам ҳар бир сўзини ўйлаб айтиши керак. Ҳар бир сўзи учун вақти келса жавоб беради... Сен ишларни Азизбекка топшир. Сафарга ҳозир-

лан. Икки кундан кейин кенгашда бўлишнинг керак. Ҳа, айтмоқчи, меҳмонга телеграмма келган, ўзинг берарсан.

Ефим Назарович шундай деб ўрнидан турди. Стол устидаги телеграммани Исмоилга берди. Исмоил хайрлашиб, чиқди.

Гомеску тажрибахопадагилар билан қаҳва ичиб, суҳбатлашиб ўтирарди. Исмоил унга телеграммани бериб, Азизбек билан хонасига кириб кетди. Шарль сатрларга кўз югуртирди:

«МИСТЕР ГОМЕСКУ, ТЕЗЛИК БИЛАН ЕТИБ КЕЛИНГ. ТАЖРИБАХОНА ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ.

БОШ МАРКАЗ»

Шарль худди биров қараб тургандай, телеграммани дарров икки буклади. Ўзини хотиржам тутишга тиришди.

— Тинчликми?— деди даврадагилардан бири.

— Ҳа, арзимаган гап. Марказдагилар қайтишимни бююришибди.

— Марказдагилар? Тунов кун: «Мустақил ишлаймиз», девдингиз-ку?

— Тўғри, лекин... лекин ўзимизнинг тор доирадаги илмий ташкилотимиз бор. Узр, мен жаноб Исмоилдан айрим нарсаларни сўраб олишим керак.— Шарль шундай деб, ўрнидан турди. Даҳлизга чиқди. Лекин Исмоилнинг хонасига кирмади. Азизбекнинг чиқишини кутди.

Шарльнинг тинчлигини бузган бу телеграмма Лонгдан эди. Лонг бу билан: «Ишнинг тезроқ якунига, янги жойда учрашамиз», демоқчи эди. Шарль шундай телеграмма келишини биларди. Лекин бу даражада тез келар, деб ўйламаганди. Саҳрои Кабир воқеасидан сўнг вазият ўзгарганга ўхшайди... У Исмоилнинг каифийети билан қисман танишишга улгурди. Афсус, тўла ўрганолмай қолади эди. Тажрибахонани портлатиш керак. Лонгнинг талаб-иши шу.

Ярим соатларда сўнг Исмоил билан Азизбек чиқди. Исмоил Гомескуни кўриб, унга яқинлашди.

— Тинчликми, мистер?

— Тинчлик. Тўсатдан жўнашга тўғри келиб қолди. Эрталаб йўлга чиқишим керак.

— Москвагача бирга кетар эканмиз бўлмаса. Мени ҳам марказга чақиршияпти.

— Жаноб Умидов, сиздан бир илтимосим бор эди.

— Марҳамат.

— Ишингиз билан тўла таниша олмадим. Агар рухсат берсангиз, кимёвий қоринималарингизнинг баъзиларидан намуналар олам. Кейинги ишларимга нафи тегар.

— Марҳамат. Лекин асосий доридан намуна беролмайман. Тўла ишонч ҳосил қилгунигизча кутасиз. Одамда ўтказган тажрибамиз ижобий натижа бергани ҳамон истаган доридан олишингиз мумкин. Ҳозирча ёрдамчи қоришмалардан ола турасиз. Айтмоқчи, сиз қайси рейсда учмоқчисиз?

— Билмадим.

— Мен кундуз соат ўн иккидаги рейс билан учаман. Истасангиз, бирга учайлик.

— Бажонидил.

— Яхши. Мен айтиб қўяман. Кундузи аэропортда учрашамиз. Эрталаб бу ерда кичкина мажлис бор. Мен шу ердан чиқиб бораман.

Исмоил шундай деб ташқарига йўл олди. Шарль эса кимёвий дорилар сақланадиган хона томон юрди. У қорачадан келган хона мудирасига мақсадини айтиб, Исмоил ёзиб берган рухсатномани кўрсатди. Шарльга мудиранинг ўзи ёрдам берадиган бўлди. Шарль тилла узугининг кўзи устида товланиб турган ошпоқ, юмалоқ донани эҳтиётлик билан ажратиб олди. Мудира дориларни саралаётганда сульфат кислотаси сақланадиган катта шиша идишнинг қопқоғини очиб, ташлаб юборди. У ишнинг енгил кўчганидан мамнун бўлиб, эркин нафас олди. Узук кўзидаги бу донанинг қобиғи кислота ичиде роса 20 соатдан сўнг

емирилади. Кейин унинг ичидаги бир томчи суюқлик кислота билан реакцияга киришиб, кучли портлаш ҳосил қилади. Тажрибахонадан асар ҳам қолмайди. Лонгнинг йўлидаги гов ҳам йўқолади. Шарль чамалаб кўrsa, портлаш вақти Исмоил айтган мажлисга тўғри келаркан. Шарль бу даражадаги муваффақиятни сира кутмаган эди.

...Исмоил ҳовлига кирди-ю, айвон панжарасига суяниб ўтирган онасини кўриб, кўпгли ғалати бўлиб кетди. Сал букчайиб қолган она хаёлга чўмган эди. У ўғлини кўриб, жилмайди. Аммо ўрнидан турмади. Исмоил тез-тез юриб келиб уни қучиб, ўпди.

Уйдан соч ўрминини орқасига ташлаб Ҳилола чиқди.

— Кун қаёқдан чиққан эди? — деди у кулиб. Исмоил унинг бу шамасини тушуниб, жилмайди. У кечки овқатдан кейингина сафар ҳақида сўз очди. Она бир оз ўйланиб турди. Исмоил унинг оғзига қараб, гап кутди. Бўлмади. Гандан кўра онанинг кўзига ёш тезроқ келди.

— Қари демай, мени яна ташлаб кетмоқчимисан? Умрим кутиш, соғинч билан ўтаркан-да. Сенда ҳеч бир ҳаловат борми?

— Ахир, бувижоп...

— Бўлди, бўлди, гапирма. Нима дейишингни биламан. Қудрат соҳибининг уйи куйсин. Ҳамманинг типчилигини бузди-я! Ишнинг нима бўлади энди?

— Бошқалар давом эттиришади.

— Шу аҳволда одамнинг умрини узайтирмоқчимисанлар? Кўнгил ҳасратга, дийда ёшга тўла бўлса умр узаярмакин?

— Шунинг учун қудрат соҳибини даф қилмоқчимиз.

— Ишқилиб, бошнинг тошдан бўлсин, ўйлаб иш қил, болам.

Исмоил сафар жабдуқларини тайёрлаб, ётди. Қайнана-келин туни билан нималар биландир машғул бўлишди. Исмоилнинг кўзига уйқу келмай, ҳаммасини сезиб ётди. Қайнана-келиннинг нима иш қилганини нонушта пайтида, хонтахта устидаги поз-пеъматларни кўриб билди. Ишта-

ҳаси бўлмаса ҳам тандирда ёпилган ёссиқ пойпи қаймоққа ботириб еди.

Ўрнидан тургач, она қизариб пишган катта бўрсилдоқ нонни икки қўллаб унга тутди:

— Битта тишлаб кет, қолганини келиб ейсан,— деди.

Исмоил нонни оғзига олиб бориши билан она ҳолсизлашиб ўтириб қолди.

НЬЮ-ЙОРКНИНГ БИР КУНИ

Кечаси билан ёмғир ёғиб чиқди. Совуқ шабада эди. Булутлар тарқалмади. Нью-Йоркнинг баланд бинолари бундай пайтда мунғайиб кўринади.

Ёмғир барглари бир-бир яна қайта яшилга бўяб чиққанга ўхшайди. Гуллардан, барглardan томчилар тўкилмаган. Марварид томчилар тушиб кетишдан қўрққандай, титраб турибди. Гуллар тебранади. Одамлар негадир бу гўзалликка эътибор бермай, шошиб ўтадилар. Гуллар бундан хафа бўлгандай, маъюс бош чайқашади. БМТ биносига олиб борадиган бу йўл бугун серқатнов эди. Галвестон, Саҳрои Кабир, Рим воқеалари одамларни анча ташвишга солиб қўйган, бугунги йиғилиш гўё уларнинг ташвишига жавоб бериши керак эди.

БМТ ҳузуридаги жаҳон олимларининг Олий кенгаши уч кун ичида маслаҳатлашиб, қилинажак ишларни белгилади. Кеча кечқурун кенгаш ўз ишини муваффақиятли якунлагани ҳақида хабар эълон қилинди. Эрталаб кенгаш қатнашчилари мухбирлар билан учрашишлари лозим эди. Одамларнинг бутун эътибори шу учрашувга қаратилган...

Йиғилиш раиси мухбирларни мажлис ҳайъати, яъни саволларга жавоб берадиган олимлар билан таништирди. Кейин ўзини танитди:

— Исми шарифим — Исмоил Умидов. Ўзбекистон Фанлар академиясиданман.

Савол-жавоб бошланди.

С а в о л («Нью-Йорк таймс»):— Қудрат соҳиби ким

экан, аниқлай олдингларми? Балки у бошқа сайёрадан келгандир?

Ж а в о б:— Йўқ, у ерлик одам. Исми шарифи: Чарльз Лонг. Асли галвестонлик, «Дженерал Моторс компани»нинг нуфузли аъзоси. Ун ёшида колледжни битирган. Ун икки ёшида нисбият назариясини яхши билган. Ун тўрт ёшида топология ва Тензор ҳисоботларини ўргана бошлаган. Лондон ва Гарвард дорилфунунларида таҳсил кўрган. Йингирма ёшидан бошлаб Галвестон дорилфунунинида дарс берган.

С а в о л («Франс пресс»):— Нима учун қудрат соҳибини — Чарльз Лонг деган қарорга келдинглар? Бирор асос борми?

Ж а в о б:— Ҳа, асос бор. Уч шаҳарда кетма-кет юз берган офатлардан сўнг, БМТ ҳузурида махсус қўмита тuzилди. Асосли маълумотларини қўмитага шайх ал Сидқин билан Рим папаси бердилар. Лонг офатдан бир-икки кун илгари улар билан суҳбатда бўлган. «Одамлар қудрат соҳибига бўйсунадиларми?»— деб сўраган. Улардан рад жавобини олгач, қабиҳ кучини кўрсатган. Шайх ал Сидқин билан Рим папаси унинг юз кўринишларини айтиб бердилар. Ҳар иккала маълумот асосида иккита ЭҲМ чизган иккита сурат ҳам бир хил бўлиб чиқди.

С а в о л («ИОМИУРИ», Япония):— Лонг нима учун бирор партия раҳбарига эмас, дин раҳнамоларига мурожаат этган? Одамлар кўпроқ партиялар атрофига жипслашган-ку?

Ж а в о б:— Лонг у ёки бу партия раҳбаридан сўзсиз рад жавобини олишини аниқ билган. Шунинг учун, оз бўлса ҳам, ишни диндорлардан бошлаган бўлиши мумкин.

С а в о л (ЎзТАГ):— Лонг олимларнинг бирорта уюшмаси билан алоқада бўлганми? У фаннинг қайси соҳасида ишлаган?

Ж а в о б:— Лонг ҳеч қайси уюшма билан алоқа боғламаган. Дорилфунунда олти йил ишлагач, илмий ишларга, йингишларга аралашмай қўйган. У якка ўзи уйида таж-

рибахона ташкил этган, деб ўйлаган эдик. Дастлабки тафтиш ҳеч қандай натижа бермади. Уйда тажрибахона топилмади. Лонг асосан назариячи физик. Майдон назарияси билан шуғулланган, деган фараз ҳам бор.

Л у қ м а:— Фараз?

Ж а в о б:— Ҳа, фараз. Юқорида айтганимдек, Лонгнинг ҳеч бир илмий иши билан таниш эмасмиз.

С а в о л (АПН):— Саҳрон Кабирдаги қуюнни ҳам Лонг кўтарган, дейишга қандай асосингиз бор? Балки бу қуюн табиийдир?

Ж а в о б:— Чарльз Лонг қум кўчишидан икки кун олдин Шайх ал Сидқи билан мухбир сифатида суҳбатлашган. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтдик. Энди фикримизни илмий жиҳатдан асослаймиз. Қумларнинг ҳаракат чизиқларига эътибор қилайлик: қуюн саҳронинг марказидан кўтарilib, воҳа ва қишлоқлар устидан ўтган. У қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, шунча тезлик билан тугаган. Қумларнинг ҳаракати табиий қуюнларнинг ҳаракатидан фарқ қилади. Қумлар асосан энг гуллаган воҳаларни босган. Бу ерлар тарихда ҳали бундай офатларни кўрмаган.

Л у қ м а:— Сунъий равишда қуюн ҳосил қилишни илмий изоҳлай оласизми?

Ж а в о б:— Албатта. Қуюнни турли усулда вужудга келтириши мумкин. Биринчиси: маълум бир нуқтада ҳаво атмосферасининг босим кучларини насайтириши керак. Ҳаво ер сатҳининг ҳар квадрат метрини ўн тонна куч билан босиб туради. Демак, муайян нуқтада бу кучни бир неча тоннага камайтириши керак. Иккинчи усул: электромагнит майдонни ҳосил қилиш йўли билан ҳам, ёки учинчи усул — антигравитация усуллари билан ҳам қуюн кўтариши мумкин. Лонг қўллаган усул биз учун қоронғи. Лекин у мана шу уч усулнинг бирини ишлатган бўлиши керак.

С а в о л (ТАСС):— Ер фарзандига табиат буюк истеъдод берибди. Лекин Лонг бу истеъдоднинг мевасини заҳарлаб, инсонларга қарши чиқашти. У заҳарли губор си-

фатида ҳаётни йўқ қилмоқчи. Бунинг олдини олиш мумкинми? Мумкин бўлса, амалий чоралар кўриляптими?

Ж а в о б:— Лонгнинг талаби ҳаммага маълум. Галвестон, Қоҳира, Рим воқеалари билан у ўз кучини кўрсатяпти. Инсонлардан сўзсиз тиз чўкишни талаб қиляпти. БМТ ҳузуридаги олимлар кенгаши маслаҳатлашиб, кеча бир қарорга келдилар. Лонгнинг қуроллари қанчалик даҳшатли бўлмасин, бу қуроолларга қарши тура оладиган мосламалар яратиш мумкин. Лекин бу билан чекланиб бўлмайди. Лонг тирик экан, инсониятга тинчлик бермайди. Уни қўлга тушириш, ёки музокара юритиш учун БМТнинг махсус қўмитаси тузилди. Марказий қўмигага ўнта замон алломаси кирган. Умумий раҳбарлик академик Исмоил Умидовга топширилган. Самолётлар, космик кемалар ва бошқа керакли воситалар билан таъминлашни Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Япония ҳукуматлари ўз зиммаларига олдилар.

С а в о л («УНИТА»):— Синьор Умидов, бу савол шахсан сизга тегишли. Айтинг-чи, ўн саккизинчи июнда тажрибахонангизда юз берган воқеада Лонгнинг қўли борми?

Ж а в о б:— Бунга аниқ жавоб беришим мушкул.

Л у қ м а:— Балки сизлар айтган «портлаш хавфи» тажрибахонада табиий туғилгандир?

Ж а в о б:— Тоза идишда сақланаётган сульфат кислотаси ҳеч маҳал сиз айтгандай «табиий равешда», бошқача айтганда, ўз-ўзидан реакцияга киришиб, портлаш хавфини туғдирмайди. Фикримни яна бошқачароқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан. Тажрибахонага ўрилатилган КА — 4 маркали кибернетик асбоб энг оддий реакцияларни ҳам қайд қилади. Агар реакция кучли портлаш даражасида бўлса КАнинг сезги релелари портлашга саккиз соат қолганда автоматик равешда манипуляторларни ишга солади. Манипулятор реакция бошланган идишни автоматик равешда ер остидаги махсус хонага олиб тушади. Бу хонадаги энг кучли портлаш ҳам тажрибахонага зарар етказмайди.

Луқма:— Йортлаш соат печада юз бериши керак эди?

Жавоб:— Тахминан кундуз соат ўнларда.

Луқма:— Бу пайтда сиз қаерда бўлишингиз лозим эди?

Жавоб:— Соат тўққиз яримда тажрибахопанинг илмий кенгаши бўлиши керак эди. Онамнинг тоблари қочиб, мен мажлисга кечикиб келдим.

Луқма:— Буни сиз ўзингизга қилинган суиқасд деб ўйлайсизми?

Жавоб:— Йўқ, бу фанга қилинган суиқасд. Агар портлаш хавфининг олди олинмаса, бир неча юз кишининг ҳаётигина эмас, балки уларнинг бир неча йиллик меҳнатлари, одамларнинг орзулари ҳам куйиб кетарди.

Луқма:— Гумонсираётган одамларнинг бир-иккитасини айти оласизми?

Жавоб:— Йўқ.

Луқма:— Нега?

Жавоб:— Биз исботларга асосланган ҳолда аниқ жавоб беришга ўрганганмиз. Бирор кишини айблаш учун гумоннинг ўзи кифоя қилмайди. Яқин орада муҳтарам мухбирларимиз ўз ўқувчиларига жиноятчи ҳақида хабар бериш шарафига муяссар бўладилар.

Савол («Ассошиэйтед Пресс»):— Заминнинг бундай алғов-далғов бўлишига Лонг айбдорми ёки одамларнинг ўжарлик билан бўйсунмаётганликларими? Лонгга сал ён босилса нима бўлади?

Жавоб:— Кўпчилик: «Энг даҳшатли нарса ўлим» ёки «Ўлимни кутиб ётиш», дейди. Менимча эса, энг даҳшатли нарса — бировнинг қўлига, кўзига қараб, тобе бўлиб яшаш. Шу жиҳатдан одамларни айблаб бўлмайди. Лекин бир ожизни етаклаб кетаётган кўзи очиқ одам кўр билан биргаликда жарга қуласа, айб кўяроқ албатта кўзи очиқда бўлади.

Савол («Таймс»):— Чарльз Лонг ҳукмдорликни даъво қилаётган экан, демак, унинг ўзига яраша ғояси, йўнали-

ни бўлса керак. Ҳукмдор бўлган тақдирда, Ер юзида маълум бир тузум ўрнатади. Сизнингча, у қайси тузумга хайрихоҳ?

Ж а в о б:— Унинг сиёсий гоялари биз учун қоронғи

Л у қ м а:— У балки шахсий мулк тарафдоридир?

Ж а в о б:— Бунга шубҳа йўқ.

Л у қ м а:— Демак, у коммунистик гояларнинг дунгани экан. Сизни ҳавотирга солган нарса шу эмасми, жавоб Умидов?

Ж а в о б:— Коммунистик гоя деганда мен аввало инсонпарварликни тушунаман. Шахсан мени инсонларнинг қисмати ташвишга соляпти. Зеро, инсон тақдири учун қайғурили ҳам коммунистик гоянинг бир таркибий қисми.

...Олимлар билан мухбирларнинг савол-жавоблари одамлар қалбида инсон ҳиссини уйғотган, ҳамманинг назарида қора булутлар тарқаб, губор кўтарилаётгандай эди. Бироқ Исмомл мухбирларнинг саволларига жавоб бераётганида яна қудрат соҳибининг бўғиқ овози эшитилди:

— МЕН — ЛОНГМАН! ҲА, ЧАРЛЬЗ ЛОНГМАН!
ҲАММАСИНИ ЭШИТДИМ! ҲАММАСИНИ ЭШИТДИМ!
ХОМХАЁЛ БЎЛМАНГЛАР. СЎНГГИ МАРТА ОГОҲ-
ЛАНТИРАМАН: ШУ ОЙ ИЧИ ИЖОБИЙ ЖАВОБ
ОЛМАСАМ, ЕРДАГИ ҲАЁТГА СЎНГГИ НУҚТА ҚўЯ-
МАН, МЕН — ЧАРЛЬЗ ЛОНГМАН! МЕН — СОҲИБ-
ҚУДРАТМАН! ОЛИЙ КЕНГАШНИ ОЧИҚ ЖАНГГА
ЧОРЛАЙМАН. ҚУРАШ МАЙДОНИ — ТИНЧ УММОН.
МЕН — СОҲИБҚУДРАТМАН!

«ЯНГИ МАРКАЗ»

Шарль Лонгни Помпейнинг янги очилган қисмидан, сайёҳлар орасидан топди. Лонг сайёҳлар гуруҳидан ажраб, Шарлни ингичка кўчага бошлади.

— Ташвини тортиш сенга ярашмас экан,— деди Лонг қадамни секинлатиб.— Беташвини яшапга ўрганиш ке-

рак. Шунда узокроқ умр кўрасан. Фаргоналик ҳамкас-
бинг шундай деганмиди?

— Айнап шундай эмас, шунга ўхшашроқ.

— Бари бир. Хўш, нима гап топиб келдинг?

— Охирги иш чинпакка чиқди. Сезиб қолинганга ўх-
шайди.

— Биламап. Бу сенинг катта айбинг.

— Ахир...

— Азизим, яхши яшаш учун яхши олим бўлишининг ўзи
кифоя қилмайди. Ўта ишбилармон ҳам бўлмоқ керак. Бу-
ни сен Томдан ўрганганинг керак. Ундан хабар келди.
Муттаҳамлар сайёрасини деярли қўлга олибди. Яна нима
гап? Ҳа, айтмоқчи, Исмоил Умидовни бекорга йўқ қилмоқ-
чи бўлибсан. У ҳали бизга керак бўлади. Уни ўлдириш-
мас, жиловлаш керак эди. Сен кундошга рашк қилган
хотиндай, уни йўқотмоқчи бўлибсан.

— У бизнинг асосий душманимиз бўлиб қолса-чи?

— Буларнинг ҳаммаси ўткннчи нарса. Жасади бир
хил ит уришиб қолса, аввал иккови ўлар-тирилари бил-
май тоза олишади. Салдан кейин уларнинг бири, кучсиз-
лигини сезиб, думини қисиб мунғайиб тураверади ёки пу-
сиб қочиб қолади. Одамлар ҳам шундай.

Улар харобалар орасидан боришар, иккови ҳам пастак
деворлардаги тасвирларга, бурни учган ҳайкалларга эъти-
бор беришмасди. Яна бир оз юришгач, ялапгликдаги кич-
кина қаҳвахонага чиқишди. Энг четдаги соябон остига
ўтиришди.

— Бу ер илгари олимлар давра қурадиган сарой бўл-
ган экан. Тарих гилдираги саройни янчиб ташлаб, ўрнини
майхўрлар даврасига айлаптирди, — деди Лонг офицант-
га буюртма бергач. Кейин Шарлнинг кўзига қараб, қўшиб
қўйди: — Шошилма, ҳисоб беришга улгурасан. Мен сени
ҳисоб берип учун чақиртирмадим.

— Бўлмаса буни олиб қўй, ўзинг танишиб чиқарсан.

— Бу нима?

— Исмоил билан қилган суҳбатларим.

— Ҳа... Үзингга эсдалик бўла қолсин.

— Керак эмасми?

— Ҳозир керак эмас.— Лонг кулди.— Хафа бўлма. Сенинг суҳбатларингдан хабардорман. Узугингга ўрнатилган узатгич менга ҳамма гапларни етказиб турди. Шунинг учун ҳам то сен Фарғонадан қайтгунигча мен абадий ҳаётга қадам қўйдим.

— Наҳотки?!

— Ажабланма. Ҳали айтганимдай, мен озгина ишбилармонлик қилдим. Сенинг назариянг билан Исмоилнинг кашфиётини чоғиштириб, ўлмас одамга айландим.

— Шу қисқа вақт ичида-я? Йўқ, мени калака қилясан. Сен бу ишни аввалроқ қилиб, мени фақат синаш учун у ерга юборгансан.

— Сен андак енгилтак бўлиб қайтибсан, азизим. Бундан кейин мен билан гаплашганда қисқа вақт деган фикрни ҳаёлингдан чиқариб ташла. Ундан кейин, бир теоремани доимо ёдингда тут. У Пифагор теоремасидан осонроқ, лекин амалга ошириш жиҳатидан энг мушқули; меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат! Ана шу меҳнатнинг самараларини вақт чизигига кўпайтир. Ҳосил бўлган кўпайтма — тўлақонли САМАРА бўлади. Мен ечган теореманинг самараси — ўта одам бўлиб чиқди.

— Қандай қилиб?

— Мен икки назариядан фойдаланиб, ассиметрик фазодаги ўзгаришларга суянган ҳолда шу кашфиётни яратдим.

— Ядро физикасими?

— Ҳа, аниқроғи, ядро физикаси билан Квант механикасининг иттифоқи. Унинг ёнига майдон назариясини ҳам қўшиб қўйсак бўлади.

Шарль ўйлаиб қолди... Ҳатта асрда симобни олтинга айлантириш усули топилган эди. Муайян хоссаларга эга бўлган симобнинг ички таркибий хоссалари ўзгартirilганди. Бироқ бу ўзгаришда ҳеч бир мўъжиза йўқ эди. Чунки бундай ўзгариш учун шароит бор, яъни атом ва

ядро физикаси етарли ривожланган эди. Лекин Лонгнинг бу даражада тез ўта одамга айланиши ақл бовар қилмас мўъжиза эди. Чунки нейрофизиологияда ҳали ечилмаган жумбоқлар кўп эди. Ундан ташқари гепетик кодларнинг сиринчи?

Шарлнинг хаёлини яна Лонгнинг овози бўлди:

— Таажжубларингга чек қўй. Сирасини айтганда, мен генетик кодларнинг ҳам, нейрофизиологиянинг ҳам жумбоқларини ҳал қилдим. Исмоил билан ҳам кўп гаплашдинг, ҳозир ҳам ўйлаб ўтирибсан, хўш, ўта одам деганда ўзинг нимани тушунасан? Олим сифатида эмас, оддий одам сифатидаги тушунчангни айт-чи?

— Менимча, ўта одам оддий одамлар устидан ақли, фаросати, куч ва фикр юритиш тезлиги билан устун туриши керак. Ҳаёт кечириш муддати ҳам чексиз бўлади. Бу ҳақда аввал ҳам гаплашгандик шекилли?

— Ҳа, балли. Энди ҳақиқатга яқин келдинг. Агар бутун тафсилотни билишни истасанг, қисқа қилиб тушунтиришим мумкин. Энг яқин дўстим бўлганинг учун сендан янгиликларни яширмайман. Гап бундай: сен билан учрашмасдан олдин ҳам мен умрни узайтириш ҳақида бош қотирганман. Умрнинг асаб системаси билан бош мияга боғлиқлигини мен ҳам билар эдим. Ўшанда мен умрни янги созланган гитарага ўхшатардим. Қиёслашим табиий эди. Мана, қара: янги туғилган гўдакни яхши созланган гитара дейлик. Гўдак улғая боради. Унинг мияси ҳаётдан тобора кўпроқ ахборотлар қабул қила бошлайди. Шу ахборотларни гитара симларига урилган қўл ёки симларнинг тебраниши, дейлик. Гитара тўхтовсиз чалинаверса, соз бузилади. Демак, одамнинг асаб системаси ҳам, мия фаолияти ҳам ишдан чиқади. Шу билан умр тугайди. Лекин гитарами қайта созлаб чалаверса бўлади. Хўш, одамни «қайта созлаб» бўладими? Бунга Умидов ҳам, сен ҳам бўлади, деб жавоб қайтардинглар. Икковинг икки йўлдан бординглар. Мен эса, мураккаб туюлган ҳар икки йўлдан воз кечиб, ўзим таплаган учинчи йўлдан

бордим. Мен мияни алмаштириш усулини ҳам, дори юбориб, фаолиятини тиклаш усулини ҳам тўғри деб биламан. Лекин бу ишларнинг машаққати кўпроқ. Мен миянинг «соз»ини яшгилайдиган мурватни топдим. Миянинг маълум бўлақларига маълум бир нур юбориб, шу билан бутун психологик комплексни ортиқча ҳаётий ахборотлардан тозалаш йўлини изладим. Дастлаб анализаторни ихтиро қилдим. Кейин ЭХМ ёрдамида нурнинг таъсир қилиш частотасини, майдоннинг кучлашиш даражасини ишлаб чиқдим. Кейин махсус темир қутига нур берадиган ва муайян куч майдони ҳосил қиладиган асбобларни ўрнатдим. Сўнгра шу қути ичига кириб, тугмаи босдим. Асбоблар бир меъёردа ишлади. Қути ичида тўрт ярим соат ўтирдим. Ташқарига тикиқиб ухлаган одамдай енгил тортиб чиқдим. Шу тўрт ярим соат ичида мен фақат умримни узайтирмадим, балки теленатик қудратим ҳам бирмунча ошди. Атрофимда куч майдони ҳосил қилиш қудратига эга бўлдим. Энди мен электромагнит тебранишларнинг спектрига оид бўлган барча тебранишларни «кўришим» мумкин... Мана шундай қудрат олдида, агар бор бўлса, худо ҳам тиз чўкарди. Нима дейсан?

— Аввал бандаларни тиз чўктириш керак.

— Сен менга ишонмаяпсан шекилли?

— Мен некин одамман. Ерни остин-устун қилиш учун аввалги қудратинг ҳам кифоя эди. Эндиги қудратинг олдида мен сўзсиз тиз чўкишга тайёрман. Лекин бошқалар-чи?

— Бошқаларнинг ғамини ема. Имошим компли, уч даҳшатдан кейин одамзоднинг камида ўн фоизи қаршимда тиз чўкишга тайёр турибди. Сен бажарадиган ишдан кейин марра сўзсиз бизники бўлади. Мен эртага очиқ уммонга сафар қиламан. Дунёнинг энг зўр олимларини курашга чорладим. Бир куч синаламиз. Сен ҳам тезлик билан «Z — 40» сайёрасига учининг керак. У ерда фақат битта илмий тажрибахона бор. Уни қўлга олиб, ялмоғиз ўсимликлардан йиғиб, контейнерларга жойлаб қўйсан.

- Қачон қайтаман?
- Мени қутасан. Ұзим хабар қиламан.
- Ҳозир уммонга чиқишинг шартми?
- Ташвишланма. Ҳал қилувчи зарбани мен бераман.

ТУФОН

«112» уммоннинг майда тўлқинларини назар-писанд қилмай, тўппи билан сув бағрини ёриб олға интилади. Чор атроф уфққа туташган. Тўё уфқ билан уммон доира шаклида чокланиб қўйилган. Кема ана шу чокни ёриб чиқмоқчидай олға юради. У юрган сайин «чок» йироқлашиб боради. «112» уч кундан бери йўлда. Йўл чексиз, охири кўрипмайди.

«Аксил губор» гуруҳининг аъзолари бунга кўникишмагани учун, нима қиларини билмай зерикибди. Исмоил кема бошланғичнинг хонасида сув остидаги кемалар билан алоқа қилиб олгач, кеманинг қўйруқ томонидаги шийшончада ўтирган ҳамкасблари ёнига келди.

— Бирор янгилик борми? — деди Лорд Реглан қора кўзойнагини кўтариб. Унинг қариб бораётганини ошкор қилиб турган ажингли юзида норозилик кайфияти сезилиб турарди.

Исмоил унинг ёнига ўтирди.

— Хотиржам бўлинг. Иппимиз ўнгидан келадиган бўлди. Дастлабки маълумотлар тасдиқланди. «Резерфорд» кемасини ёллаган Барон фон Дитрих — Чарльз Лонгнинг ўзи.

— «Резерфорд» ҳозир қаерда, маълумот борми?

— Бор, лорд, бор. «Резерфорд» биздан эллик миль нарида. Сув ости кемалари ўша ёққа йўл олибди. Шимол томондан ҳам икки кема йўлга чиқди. Уни қуршаб оламиз.

— Самолётлар-чи?

— Ҳазирча ҳожати йўқ.

«112» тезлигини оширди. «Аксил губор»чилар оғир юкдан қутулган одамдай енгил нафас олибди. Лонгнинг

қўлга тушириш режасини ишлаб чиқишга киришипди. Исмоилни кема бошлиғи чақиртирди.

— «Резерфорд» ўрнини тез-тез ўзгартиряпти. Қаяққа кетаятгани аниқ эмас.

Исмоил алоқа бўлимига кириб, бошқа кемалар билан гаплашди. Кемалар маълум йўналишни йўқотишган эди. «Со — 3» кемасининг бошлиғи умидсизлик билан деди:

— Кейинги соатда олган икки маълумотимиз орасида «Резерфорд» уч марта сув остига тушди. Шарққа, шимолга ғарбга кескин ҳаракат қилди. Биз уни бир неча дақиқа йўқотиб қўйдик. Биз муқобил деб ўйлаган кема «Резерфорд» экан. Унинг бу йўналишга тушишини ҳеч кутмагандик.

— Кемалар сонини кўпайтириш керак. Бўлмаса «Резерфорд» бизни чалғитиб, ҳалқани ёриб ўтади.

Исмоил марказдан қўшимча кема сўради. «113»дан вертолётлар кўтарилди. Ярим соатдан сўнг Исмоил яна ташвишли хабар эшитди. Вертолётларга номаълум жисм урилиб, уларни индан чиқарган. Учувчиларнинг тақдири номаълум.

Энди «112»даги олимлар ҳайрон бўлиб қолишди. Улар бошқарув хонасига тўпланишган эди. Олимлар Лонгнинг қудратини яна бир бор бутун даҳшати билан ҳис қилишяётган эди. Кеманинг йўналишини кузатиб бораётган навбатчи Исмоилга юзланди:

— Уфқда учувчи жисм пайдо бўлди.

— Бизнинг вертолётлар эмасми? Сўраб кўринг-чи... Дақиқа ўтди.

— Жавоб йўқ. Тезлигига қараганда у вертолёт эмас.

— Йўналишини аниқланг.

Дақиқа ўтди.

— Биз томонга келяпти.

— Яхши... Менимча, у Лонгнинг элчиси бўлса керак.

Дақиқалар ўтди.

Мўъжаз геликоптерни эслатадиган парраксиз учувчи жисм «112» устига келиб тўхтади.

Сония ўтди.

Лонгнинг овози эшитилди.

— Жаноб Умидов, сиз ростдан ҳам мени қўлга туширмақчимисиз?

Исмоил жавоб беришга улгурмай, Лонгнинг қаҳқаҳаси янгради.

— Йўқ, азизим. Сиз аввал ўзингизни сақлаб қолишни ўйланг. Агар ҳозироқ орқага қайтмасангиз, балиқларга ем бўласиз. Ҳа, алоқа бўлимига кириб сўранг, иккита сув ости кемагиз энди ёруғ дунёни кўролмайдди. Сиздан ҳам бу марҳаматимни аямайман. Лекин сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда. Орқага қайтиб, менинг енгилмас эканимни айтасиз.

Лорд Реглан Исмоилнинг қулогига шивирлади:

— Уни ўққа тутиш керак.

Исмоил бош ирғади. Шу топда яна Лонгнинг овози янгради:

— Тўхтанг, мистер Реглан. Мени бари бир отиб туширолмайсиз. Менинг вертолётим сизнинг кемагиздай пиёз пўстлогидан ишланмаган. Яхшиси, айтганларимни бир ўйлаб кўринглар.

Дақиқа ўтди.

Лонг «вертолёт» деб атаган учувчи жисм қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тезлик билан кўздан йўқолди.

Олимлар шийпонга тўпланишди.

— Нима дейсизлар?— деди Исмоил. Йиғилганлар унинг ўйчан юзига бир зум қараб қолишди.

— Нима дейишимиз аниқ,— деди академик Авдеев.— Биз одамимиз, ундан ташқари ёш бола эмасмизки, ҳар онда фикримизни ўзгартирсак. Қўмита тузилганда ҳаммамиз ишнинг шу қадар оғир бўлишини билардик. Бу биринчи тўқнашув. Биринчи ҳолва.

— Ҳақ гап,— деди Жонг,— биринчи тўқнашувдан бўшашиб қайтиш — таслим бўлиш демак. Фақат биз эмас, борлиқ, инсоният тиз чўкиши керак. Ер юзининг бутун умиди ҳам биз, ишончи ҳам биз!

— Мен ҳеч нарсага тушуполмай қолдим,— деди лорд Реглан.— Мистер Жонг, назаримда орамиздан ҳеч ким қайтишни таклиф қилмади шекилли?

— Биз Лонгнинг талаби ҳақида гапиряпмиз.

— Лонгнинг талаби муҳокама қилинмай, сўзсиз рад этилиши керак.

— Жентльменлар, бу ерда режа тузиб, баҳслашишдан иш чиқмайди. Барча кучлар билан донмий алоқада бўлиб, кескироқ ва шиддатлироқ ҳаракат қилиш керак.

— Тўғри, тез орада Лонг кучини ишлатишга уриниб кўради.

Исмоил ўридан турди. Унинг кўзларида мишатдорлик учқунин бор эди.

— Раҳмат, жаноблар. Шундай дейишларингизни билардим. Энди жой-жойларингизга боришларингизни илтимос қиламан.

Бир соат ўтди.

Радиокарнайдан лорд Регланнинг хавотирли овози эшитилди.

— Мистер Исмоил, биз томонга қудратли тўлқин келяпти.

Исмоил осмонга қаради. Осмон беғубор эди.

— Бу Лонгнинг ташриф қогози бўлса керак. Тўлқин қанча вақтда етиб келади?

— Тўрт ярим дақиқа бор.

Исмоил кема капитанига юзланди:

— Буюраман: кема устида ҳеч ким қолмасин. Ҳамма каюталарга кирсин.

Капитан буйруқни экипажга етказди. Кема устида бир зумнинг ўзида ҳаёт сўнгандай бўлди. Бошқарув хонасида Исмоил, капитан ва икки денгизчингина қолди.

— Катта тезликда тўлқинни ёриб ўтамиз,— деди Исмоил.

— Қийин,— деди капитан.

— Қийинликка қийин, лекин бошқа илож йўқ.

— Тўлқин кемани тўптариб юборади.

— Йўқ,— деди Исмоил.— Бу табиий тўлқиндай орқа ҳаракатга эга эмас. Унинг орқасида бошқа тўлқин йўқ. Лонг бизни фақат бир тўлқин билан йўқ қилмоқчи.

Кема катта тезликка ўтди. Шу онинг ўзида қаттиқ титраб кетди. Сув уни ниста нўчоғидай отиб ўйнади.

— Маҳкам ушланг!

— Дадил бўлинг!

Сошиялар шу тарзда ўтди. Кўнчилигининг хаёлида бу даҳшат ҳаётга қўйилган сўнгги нуқта эди. Лекин ишонч руҳи бир зумлик ваҳм булутини ҳайдаб юборди.

Уммон узра соқилик чўкди. «112» ҳаракатсиз чайқалиб қолди. Тўфон боёнган бўлса-да, кемадагиларининг хаёлини бутун даҳшати билан қамраб турарди. Ҳамма секин-аста каюталардан чиқа бошлади. Олимлар бошқарув хонасига кириб келишди.

— Омон қолганимизга ишонгим келмайпти,— деди профессор Варлени.— Чамамда, кема қуюнлар орасига кирганда уни қандайдир бир куч самога, шу сошиянинг ўзида бошқа бир куч сув қаърига торта бошлади. Агар яна бирор дақиқа қолсак, кемамиз парчаланиб кетарди.

— Омадимиз бор экан,— деди Исмоил кулиб.

— Нима десаңыз денг, лекин бу катта кашфиёт, айни чоқда даҳшатли, ёвуз кашфиёт,— деди лорд Реглан.

— Айниқса Лонгнинг қўлида бўлгани учун ҳам даҳшатли.

— Айтмоқчи, биз нега ҳаракатсиз турибмиз?

— Двигателлар индан чиққан, машина бўлимини сув босган.

— Демак, энди у думини тутқазмайди.

— Бошқа кемаларда аҳвол қандай экан?

— Алоқа йўқ.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Ердам кутамиз.

Кун ўтди.

Ердам келди. «112»ни шу ерда тузатишининг пложи йўқ эди. Исмоил бошлиқ олимлар ўн миль наридаги сув ости кемасига ўтиш учун вертолётларга чиқишди.

Сув ости кемастига стаї деганларида, вертолёт муаллақ туриб қолди. Кейин пасая бошлади.

— Одамлар!— деди учувчи пастга имлаб.

Дам ўтмай ҳолдан кетган икки кишини вертолётга олиб чиқипди.

— Биз «Резерфорд»данмиз,— дейишди улар аранг.

— Бошқалар қани?

— Ҳалоқ бўлишди. Барон билан боцман...

Иккови ҳам ҳушидан кетди.

ФОН ДИТРИХ

Барон учувчи жисмда қаёққадир бориб келгач, тўғри хонасига кириб кетди. Ҳатто капитан Стилменга ҳам эътибор бермади. Бу Стилменнинг иззат-нафсига тегди. Стилмен ҳар сафар фон Дитрих билан юзма-юз келганда қилган ишидан пушаймон бўларди. Ҳа, барон унинг бошини пул билан айлаштириб қўйди. Стилмен эсини таниганидан бери биринчи марта ана шундай катта пулга шартнома тузди. Шу миллионлар учун у узоқ сафарга чиқди. Кунлар ўтяпти. Лекин сафарнинг на мақсади, на аниқ йўналиши бор. Фон Дитрих уларни жинни қилиб юбораёзди. Аслида шу ишга қўл урмаса бўларди. Эҳ, пул! Пул! Нямаларга қодир-а?!

— Қойилмап, мистер Стилмен! Имоним комилки, агар денгизчилик қилмаганингизда, тарих саҳифасига яна бир улуғ файласуфнинг исм-шарифи битилган бўларди. Балки сиз тарихга пул ҳақидаги фикрларингиз билан кирармингиз... Умуман олганда, сиз ҳақсиз, мистер, пулнинг қудрати беқиёс!

«Сезибди»,— ўйлади Стилмен.

— Ҳа, сездим,— деди барон фон Дитрих айёрона жилмайиб.— Мистер Стилмен, бир дақиқага менинг хонамга киришг.

Стилмен ночор унга эргашди. Бароннинг хонаси саришта эди. Стол устида акция қоғозлари ётарди.

— Мен сиз билан ҳисоб-китоб қилмоқчи эдим,— деди барон креслога ўтира туриб.— Марҳамат, сизга чекинг.

— Раҳмат.

— Сиз менга кўнглимдагидай хизмат қилдингиз. Шу илтифотингиз учун миннатдорчилик тариқасида хизмат ҳақингизга яна беш юз минг доллар қўшаман.

— Миннатдорман, сэр.

— Мен бир неча дақиқадап сўнг учиб кетаман. Сиз кучли тўфонга қарши эҳтиёт чораларини кўриб қўйинг.

— Денгиз ва уммонларни кезиб юравериб, уларнинг «эркаликлари»га ўрганиб кетганман. Бугун «эркалик» қиладиганга ўхшамайди. Ҳавонинг авзойи яхши,— деди Стилмен кулиб. Хаёлида эса: «Аҳмоқ барон, сен нимани билардинг?! Менга ақл ўргатмоқчимисан! Сенинг пулинг бор. Қаллангда эса ҳеч вақо йўқ!»— деб қўйди. Лекин бароннинг юзидаги ўзгаришни кўриб, сергақланди. Бароннинг ҳозиргина мулойим боқаётган кўзларида ғазаб қўзғалган эди.

— Мистер Стилмен, сиз Шарқ мамлакатларининг тарихига ҳеч қизиққанмисиз?

— Йўқ. Нега сўраяпсиз? Бунинг суҳбатимизга ҳеч алоқаси йўқ.

— Алоқаси бор. Мистер Стилмен, сиз амир Темур деган зотни эшитганмисиз? У умрида мағлубиятга учрамаган саркарда эди. У босқинчи эди. Ҳамма уни «аҳмоқ» деб сўкарди. Агар у аҳмоқ бўлса, шунча куч-қудрат тўплай олармиди?

— Тушунмаяпман, сэр?

— Ҳозир тушунасиз. Магани бойликни қарап. У ҳозир сизники. Кимдан олдингиз? Мендан. Булар менинг олтинларим олдида сарик чақа. Мен аҳмоқ бўлсам, шунча бойликни тўплай олармидим? Жавоб бермасангиз ҳам майли. Сизнинг фикрингиз тўғри чиқиб, мен аҳмоқдирман. Лекин амир Темур айтганидай, «аҳмоқ одамлардан

ҳам бир марта доно фикр чиқиши мумкин». Ҳар ҳолда тўфопга қарши эҳтиёт чораларини кўриш.

Дақиқа ўтди.

Вертолёт осмонга кўтарилди. Стилмен чуқур нафас олиб қўйди. Чорак соатдан сўнг «Резерфорд» тўлқинга дуч келиб парча-парча бўлиб кетди.

Қ О Ч О Қ

Лонг «Резерфорд»ни тарк этганда сўнг чуқур ўйга ботди. У даҳшатли қудратга эга эканини намоён этди. Одамлар бўйсунуш ўрнига уни таъқиб этишяпти. Одамлар... Одамлар... Одамлар... Инсон! Лонг ҳам инсон. Бошқалар каби ўз она тили, ватани бор. Лекин у бошқаларга нисбатан ақлли, истеъдодли. Шунинг эвазига у дунё ҳукмдори бўлиши керак. Электрон мия унга осонгина ғалаба ваъда қилган эди. Унинг ҳисобига кўра, Галвестон ёки Саҳрон Кабир даҳшатидан сўнг Лонг ҳукмдорлик тожини кийиши керак эди.

Электрон мия янглишмаганди. Йўқ, ҳисоб жиҳатидан у беҳато ишлар эди. Лонг ўзидан ақллироқ, шу билан бирга минглаб марта тез ишлайдиган электрон мия яратди. Лекин ҳукмдорлик масаласини ҳал қилишга бу мия ожиз эди. Чунки одамнинг инсоний қудратини ҳис этиши, шунга қараб хулоса чиқариш учун фақат мианинг ўзи кифоя эмас — қалб ҳам керак. Бундай қалбни Лонг ҳеч қачон ярата олмайди. Сабаби, супъий юракда на муҳаббат, на меҳр, на шафқат бўлади. У фақат қоний томирларга ҳайдангагина қодир. Одам ўзида ақллироқ ускуналарни бунёд этади. Аммо ўзи сингари том маънодаги Инсонни ярата олмайди.

Лонг буни ҳисобга олмаган экан. Электрон мия ҳам худди шу ўринда янглишди. Инсонларни тушуниш учун инсоний ҳис-туйғу керак эди. Электрон мия ғалаба ваъда

қилганида ўзи каби андройдларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Ерда биргина йўл қолди... Энг даҳшатли, сўнгги йўл. Ер миллиард йил аввалги асл ҳолига қайтиши керак. Асл ҳолига... На одам, на ҳайвон қолади. Сув... Сув... Отасининг, онасининг қабри ҳам сув остида. Унинг севгилиси Шарлотта ҳам... Унинг бутун ҳаракатларини ҳисоблаб бераётган электрон мия ҳам... Энг муҳими шу! Унинг ишонган тоғи ишдан чиқади... Кейин нима қилади? Сувнинг қайтишини, миллион йиллар давомида жониворларнинг пайдо бўлишини кутадими?.. Йўқ, бу сўнгги йўл эмас. Музликларни эритиш бемаънилик. Лонг ҳали ерликларга ўз кучини яна бир кўрсатади. Унда ҳам бўлмаса... Йўқ, бу сафар сўнгги нуқта қўйиши керак. Ахир Гомеску билан Том сайёраларда бекор сайр қилиб юришмагандир?

* * *

Лонг Галвестон тупроғига бу сафар аллақандай тушуниб бўлмайдиган бир туйғу билан қадам қўйди. Бу — киндик қони тўкилган ерига соғинч ҳиссимиди, ё хайрлашув онларининг ғамнок таъсиримиди, билолмасди. Ҳар қалай, бу ҳис унга бир печа дақиқа ҳуқмронлик қилди. Ғалабасига бўлган ишонч ҳисси унинг суяк-суягига сингиб кетган, мана шу ҳис бошқа ҳар қандай туйғуни бемаъни ҳисоблаб, яқсон қилишга қодир эди.

Галвестон. Сокин шаҳар. Кўчалар тинч, осмон тинч, уммон ҳам тинч. Унинг майда тўлқинчалари ҳамон қирғоқ юзини меҳр билан силайди. Шабада қаёқдандир уада оқ булутларни ҳайдаб келиб, осмон юзини артади... Ҳаҳвахоналардан янгича кўйлар таралади. Сочлари очиқ елкаларини сийпаётган, мурғак кўкракларини йиғитларни орзиқтирадиган қизлар ҳамон гўзал. Одамлар ҳамон шошиб юришади. Фақат севилганларгина шошмай қадам босишади. Оқшом — висол демак. Қани энди улар учун оқшомнинг чеки бўлмаса. Бир вақтлар Лонг ҳам шу кайфиятда юрарди. Ёнида Шарлотта, гўзал Шарлотта... Ҳа-

роратли бўсалар... Эйнштейннинг инсоният назарияси мия-сига қанчалик ўрнашиб қолган бўлса, бу сайрлар, бу бў-салар ҳам хотирасидан шунчалик чуқур жой олган. Ана шу ширин хотира уни Галвестонга чорлади. Ўтмиш ҳа-миша тотли. Ҳеч қайси қизнинг ноз-карашмаси Лонг учун Шарлоттанинг бўсасидай ҳароратли эмас...

Лонг уйига яқинлашмади. Уйнинг назорат остига олишганини яхши билади. Шубҳасиз, унинг барча таниш-лари ҳам назорат остида. Лекин уни шу топда ҳеч ким, агар тирик бўлганда, опаси ҳам таний олмасди. Юзларини ажин босган, сочлари оқариб, қадди букчайиб қолган ха-робгина бир кимсани ҳеч ким Лонг демасди.

У қирғоқда узоқ юрди. Кейин бир қарорга келиб, те-лефонга яқинланди. ВГ — 953 — 22. Шарлоттанинг те-лефон номери. Ана, унинг овози! Ўша-ўша майин, сеҳрли.

— Эшитаман?

Лонг оғзини рўмолча билан тўсиб, босиқ овозда деди:

— Мисс Шарлотта?

— Ҳа, мен.

— Салом. Сиз билан шошилиш суратда учрашмоқчи

эдим.

— Кечирасиз, сиз кимсиз?

— Мен БМТ вакилиман. Чарльз Лонг ҳақида гаплаш-моқчиман.

— Билганларимни айтган эдим-ку?

— Яна баъзи тушунмовчиликлар бор.

— Яхши, мен розиман. Қаерга борай?

— Иложи бўлса, қирғоқдаги қизил шийпонга келинг.

Виптер Стритдан чиқиб борсангиз бўлади.

— Биламан.

Шарлотта кейинги сўзни руҳи тушган бир овозда айт-ди. Унинг бу кайфиятини Лонг сезди, лаззатланди. Саба-би: қизил шийпон Шарлоттанинг нозик ҳисларини илк марта уйготган жой эди. У Лонг билан шу ерда учрашар-ди. Узининг биринчи бўсасини Лонгга шу ерда ҳадя эт-ган эди.

«Демак, эсдан чиқармабди, ҳали ҳам севади», ўйлади Лонг. У шийнонда ўтириб, уфққа тикилди. Хаёлини қамраб олган юзлаб саволларга сувнинг шовиллашидан, шийно пардаларини тортқилаётган шабададан жавоб пзлади... Тўнтариб қўйилган қайиқ ёнида Шарлотта кўринди. Уша Шарлотта: хинча белли, келишган қиз. Қўк матодан тикилган кўйлаги ҳуснини янада очиб юборган. Одати бўйича қўлида ҳеч нарса йўқ. У шийнонда ёлғиз ўтирган кўзойнакли қария қаршисида тўхтади. Унинг кийимига бир назар солиб, шпонқирамай сўради:

— Кечирасиз, телефонда сиз билан гаплашган эдимми?

Лонг қизга қараб олди. Сўнг ўридан турди. Қаддини ростлади.

— Ҳа, мен билан.

Қиз ҳайратда қолди. Унинг кўзлари, пирпираб кетган лаблари бу ҳайратини ошкор қилиб қўйди.

— Чарльз?!

— Қутмаганмидинг?

Шарлотта унинг елкасига бошини қўйди. Лонг уни қучиб титроқ лабларидан бўса олмоқчи бўлди. Лекин қиз бармоғи билан унинг лабини четга сурди. Қучоғидан чиқиб, курсига ўтирди. Лонг ҳам ўтирди. Қиз майда тошларни юмалатиб ўйнаётган тўлқинчаларга, Лонг эса қизга тикилиб, анчагача сукутда қолишди.

— Хурсандмасмисан? — деди Лонг унинг билагидан ушлаб.

— Нега келдинг? — қиз унга қарамай жавоб берди.

— Сени олиб кетмоқчиман.

— Нима?.. Қаёққа?

— Узоққа. Бўлак сайёраларга.

— Қочяпсанми?

— Йўқ. Бу қочиш эмас. Бир мушт туширгандан кейин рақиб гангийди. Иккинчи ҳал қилувчи зарбани берип учун қўлни яна орқага тортиш керак.

— Ҳали йўлингдан қайтмабсан-да?

— Эсингни едингми? Мен Лонгман! Агар қайтадиган бўлсам, бу йўлга кирмаган бўлардим. Мен билан кетасанми?

— Йўқ.

— Уйлаб кўр.

— Йўқ.

— Сен нимадан воз кечаётганингни биласанми?

— Биладан.

— Билмайсан!— Лонг ўрнидан туриб кетди. Шарлотта ҳам турди. Унга яқинлашиб, қўлларини елкасига қўйди.

— Чарльз, сен нимага шундай қилипсан?

— Ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини толиши керак. Мен ўз ўрнимни талаб қилинман.

— Талаб қилаётганинг кўплик қилмайдими?

— Йўқ. Мен зеҳнимга, идрокимга, истездодимга, меҳнатимга яраша талаб қилинман. Мен ҳар қандай улуг олимдан ҳам ақллироқман. Мен яратган битта асбоб ўшандай юзта олимнинг ишини бир зумда бажаради. Дунёни бошқаришга фақат менгина қодирман.

— Шунинг учун одамлар сенга таъзим қилишлари керакми?

— Шубҳасиз.

Шарлотта ундан кўзини олиб, четга қаради. Шабда унинг сочларини тўзитиб, юзини ёпиб қўйди. Қиз бошини хиёл орқага таплаб, сочларини тўғрилади. Кейин нариги шийпон олдида тош ўйнаётган дўмбёқ болачаларга тикилиб қолди.

— Мана шу болалар ҳам сенга бўйсунадими?

— Ҳа.

— Агар улар сендан ақллироқ бўлиб чиқишса-чи? Улар ҳам сен талаб қилган нарсани сўрашса-чи?

— Буцдай бўлмайди.

— Нега?

— Табиат буюк одамларни ҳар йили яратавермайди. Асрлар орасида бир яратади. Яқин орада пайдо бўладиган

ҳар қандай буюк аллома фақат менинг қўл остимда бўлади.

— Қизиқ...

— Нимаси қизиқ?

— Бир куни электр чироқ қора чироққа мақтаниб қолибди. «Сенам юрибсан-да, мана, менинг ёруғимни қара, оламни чароғон қилиб юборай деяпман», дебди. Шунда қора чироқ: «Ҳа, кучинг кўп. Лекин мен бўлмасам, сен яратилармидинг?»— деган экан. Шу гапнинг маъзини бир чақиб кўр-а?

— Шарлотта, фалсафангни қўй. Мен сени деб келганман.

— Мен жавобимни айтдим.

— Қўрқмаяпсанми?

— Нимадан?

— Мен сени ўлдиришим мумкин.

— Қўлингдан келади.

— Йўқ... Сени ўлдирмайман. Агар менинг муҳаббатим сеникидан заррача кам бўлса, ўлдирардим. Қўзинг айтиб турибди: мени севасан. Лекин тап олгинг йўқ.

— Мен Чарльз Лонгни севаман, қудрат соҳибини эмас.

— Шарлотта?! Бас қил! Майли, кетмасанг кетма. Лекин бир нарсани унутма: бари бир ҳузуримга бош эгиб кирасан. Ўшанда...

— Қул қиласанми?

— Йўқ, сен қул бўлмайсан. Малика бўлиш учун яратилгансан, ўз ўрнингни топасан. Лекин мана шу сўзларингни ҳеч унутмайман. Агар менга хиёнат қилсанг, жонингга қасд қиладиган қўлим сира қалтирмайди. Ҳа. Менинг онам бир бўлганидек, сўзим ҳам бир! Ғалаба мен томонда. Ҳали кўрарсан!

* * *

Лонг Шарлотта билан совуққина хайрлашди. Икки хил ҳис-туйғу, икки хил севги, икки хил бахт... Лонг ваъ-

да қилаётган бахт ҳали ҳеч бир аёлга насиб этмаган эди. Шарлотта эса ундан воз кечяпти. Лонг қизининг хатти-ҳаракатига тушунолмайд қолди. Шарлотта уни бутун жондиди билан севади. Унинг ҳар бир ўйи Лонгга маълум. Лекин қиз ўз севгисини ичига яширган. Айтмайди. Айтишни истамайди. Қизлик иффиати эмас, инсонлик ғурури бунга йўл бермайди. Наҳотки унинг иродаси шу қадар мустаҳкам бўлса?

«Йўқ, у менинг галабамга инсонмаяпти. Мана шундан қўрқяпти. Мени севгани учун ҳам қўрқяпти»,— ўйлади Лонг. У қизни шафқатсиз айблар, лекин шу пайтнинг ўзида уни оқлаш учун турли баҳоналар изларди. Унинг қалби ёвуз ниёт билан бирга шудринг янглиғ соф муҳаббатга ҳам жой берган эди. Зеро, ҳар бир тирик қалбда севги бўлади. Ҳаёт бор экан, муҳаббат ҳам бир танда озми-кўми яшайди. Лекин ёвузлик билан муҳаббатни мўътадил сақлаш учун буюк қалб керак. Лонгнинг сеҳни буюк бўлгани билан ёвузлик унинг юрагидаги муҳаббатдан устун турарди. Дарвоқе, у қилаётган ишлариши сира ёвузлик деб билмасди. Унинг шундай ўйлаши табиий. Наполеон билан Гитлер инсон қонини дарё қилиб оқизганда, буни ёвузлик эмас, тарих тақозаси деб билганлар.

Лонг ердаги сўнгги илиғи билан хайрлашди. Шарлотта кетди. Унинг излариши қирғоққа интилган тўлқинчалар ювиб ташлади. Қизининг келишган гавдаси тўнтарилган қайиқ орқасида гойиб бўлди. Лонг ёлғиз қолди. Бир неча дақиқа қизининг йўлига тикилиб ўтирди. Кейин бошини қўлларини орасига олди. Ташқарида қараган киши уни афсус билан гам чекиб ўтирибди, деб ўйлаши аниқ. Аслида эса, Лонг юрагининг энг тоза қисмида ҳам сўнгги муҳаббатини ҳайдаётган эди. У Шарлоттани кўндиролмаслигини билди. Узоқ сафар олдида бўлган бу учрашув хотираси унга кўп азоб бериши мумкин эди. Шунинг учун у ҳаммасини унуттишга қарор қилди. Қиз билан бўлган тотли учрашувлар, сеҳрли туюлган кечалар — ҳамма-ҳаммасини унута бошлади. Ширин хотиротлар ўрнини ра-

қамлар, формулалар эгаллай борди. Унинг қалби сўнги ишсоний ҳис-туйғудан — муҳаббатдан халос бўлди. У ўзи яратган андройд каби ҳиссиз мавжудотга айланди.

* * *

Тошги самолёт билан Галвестонни тарк этди. Қумуш-симон самолёт уммон юзига соя ташлаган булутлар устига чиқди. Булутларнинг сўкилган чокидан онда-сонда мовий уммон кўзга ташланарди. Лонг БМТнинг ўзга сайёралар билан алоқа қилувчи бўлимига Стэнли Гарольд номи билан мурожаат қилиб, «Муттаҳамлар сайёраси»га бориш учун рухсатнома сўраб кирган эди, рад жавобини олди. Сайёрада қандайдир Том Жонсон бошчилигида қўзғолон кўтарилибди. Сайёра Ер билан алоқасини узибди. Ерликлар бошига яна бир ташвиш тушди.

Телевидение кечки кўрсатувларини шу саросимали хабар билан бошлади. «Бу — Лонгнинг иши», — ҳамманинг фикри шу эди. Одамларнинг саросима билан айтган гаплари Лонгни лаззатлантирарди. У ғалаба қозонишига узил-кесил ишонч ҳосил қилган эди. Лонгнинг Нью-Йоркда бўлиши хавотирсиз, чунки унинг бу ерда эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Лекин энди унинг яшириниб юришига ҳожат ҳам йўқ эди. Вазият пишиб етилди. Биринчи зарба берилган. Энди иккинчисига вақт етди. Том вазифасини ўринлатди. Гомеску ҳам ишни пишитиб қўйган бўлиши керак...

Лонг тунги самолёт билан Кеннеди бурнига йўл олди.

Навбатчининг дили эргалабдан хит эди. Зухра сайёрасига учадиган кеманинг бошқарув хонасида носоғ қисмлар аниқланди. Навбатчи йўловчиларга талай ваъдалар бериб, уларни тинчитгунча бўладигани бўлди. Эпитадиганини эшитди. Гўё кемани у атайин бузиб қўйгандай, ҳамма унга ёмон кўз билан қарайди. Одамларнинг ҳаётини ўйлаб, кемани сафардан қолдирса-ю, яна шу одамларнинг ўзидан сўкиш эшитса... Одамлар ҳам қизиқ...

Навбатчи шу хаёл билан хонасиининг эшигини очди-ю, остонада бир зум тўхтаб қолди. Креслода гавай сигарасини тутатиб ўтирган ўрта яшар жентльменга қараб, ўзича: «Яна бири, улардан қачон қутуламан», деб қўйди. Кейин у кишига енгил таъзим қилди-ю, сўз бошлади:

— Мистер, афв этасиз, мен сизларнинг ҳаётингизни хавф остига қўёлмайман... Озгина чидасангиз ҳеч нима қилмайди. Усталар посоғ қисмларни алмаштиришяпти.

У киши мулойим жилмайиб қўйди.

— Сэр, нима деяпсиз, тушунмаяпман?

— Сиз Зухрага учмоқчимисиз?

— Йўқ, мен ишга кирмоқчи эдим.

— Унда мутахассислар бўлимига мурожаат қилинг.

— Мен аввал сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

— Яхши. Фақат тезроқ бўлинг, вақтим зиқ. Касбингиз?

— Физик.

— Ҳужжатларингиз борми?

— Марҳамат.

Навбатчи ҳужжатларининг биринга назар ташлади-ю ҳайратдан кўзи олайиб кетаёзди. Бармоқлари беихтиёр хавф чақирғини берувчи тугмага югурди. Лонг сигара кулини қоқиб, босиқ овозда деди:

— Ишламайди. Ўзингизни босиб, ўтиринг.

Навбатчи ўтирди. Титраётган бармоқларини стол остига олиб яширди. У ўзини саросимадан қутулган киши сингари тутишга ҳаракат қилса ҳам аҳволини рангсиз юзи ошкор қилиб қўярди.

— Энди бир нарсани келишиб олишимиз керак.

— Н... нимани?

— Қайси кема учишга шай?

— «Пергилей II».

— Қасрга учиши керак?

— «Улуғбек»ка. Лекин бугун учмайди.

— Нега?

- Жадвал бўйича...
- Жадвални қўя тур. Бугун уча оладими?
- Фазогирлар йўқ.
- Мен сендан бугун уча оладими, деб сўраярман.
- Ха. Ҳаммаси тайёр.
- Қема қайси майдонда турибди?
- Ўн саккизинчи...
- Епилғи етарлими?
- Ҳа.
- Буйруқ бер, кемани учиршга шайлашсин!
- Беролмайман.
- Ўйлаб кўр, жонинг жуда арзон кетади-я? Ундап кейин, келажагингни ҳам ўйлаб кўр. Менга ёрдам берган одамлар кам бўлмайди.

Лонг шундай деб чўнтагидан тўппонча чиқарди. Навбатчи бир неча дақиқа ҳаракатсиз ўтирди. Кейин:

- Қандай буйруқ бераман, алоқа узилган-ку?— деди.
- Узилмаган, гапиравер. Мистер Рокстон шошилини равишда учади, де. Фақат шундай де.
- Ҳадеб қўрқитаверманг, сэр. Мен ҳаётимнинг баҳосини биламан.

Буйруқ берилди. Бу орада Лонг кичкина қутини очиб, ичидан мўъжаз киноаппаратга ўхшаган бир нарсани олди. Ёнидаги мурватчани буради. Чиқиллаган овоз эшитилди. Лонг унинг олд қисмига тўппончани эҳтиётлик билан ўрнатди.

— Бу асбоб беҳато ишлайди. У Саҳрон Кабир даҳшатини такрорламаса ҳам, ҳар ҳолда, сени у дунёга жўнатиш қудратига эга. Тўппонча тепкисининг босилиши учун биргина сўзинг кифоя. Оғзингдан бир сўз чиқса ёки қимир этсанг ҳам ҳаёт билан видолашасан. Ҳаётнинг ўз қўлингда. Мени эмас, кўпроқ ўзингни ўйла. Ўн икки соат қимирламай ўтира оласанми? Ўтирасан. Ўлиб қолмайсан. Айтганларим эсингдан чиқмасин... Айтмоқчи, мапа буларга қўл қўй.

— Булар нима?

— «Пергилей II» энди менинг шахсий кемам. Шунн тасдиқла... Яхши. Энди муҳр бос. Босавер, ейилиб қолмайди. Ана энди, ўтириб дам ол. Эшигингни қулфлаб кетаман. Ҳеч ким халақит бермасин.

Лонг чиқиб кетди. Навбатчи ҳайкалдай қотиб ўтираверди. Бир печа дақиқадан сўнг кеманинг гулдуриси эшитилди. «Пергилей II» Ердан кўтарилган эди. Девордаги чироқлар бирин-кетин ёниб-ўчар, навбатчи эса тўппончанинг оғзига тикилганича қимир этмай ўтирарди. У Лонг билан қилган суҳбатини, унинг қилган ёвуз ишларини ўйлаб ўтириб, лаблари беихтиёр пичирлади:

— Даҳшатли ихтирочи...

У бошқа сўз айтолмади. Тўппончадан отилган ўқ унинг бўғзини тешиб ўтди. У хириллаб йиқилди.

ЖАСОРАТМИ?

Хона жимжит. Исмоил қўлларини стол устига ташлаган, онда-сонда тақ-тақ уриб қўяди. Ҳилола қуйиб узатган чойдаги ҳовур сўниб қолди. Исмоилнинг келиши билан хонага уфуриб кирган шодлик ҳам кўтарилди.

Уммондаги тўфон хабари фарғоналикларни бирмунча ташвишга солиб қўйган, Исмоилнинг бу даражада тез қайтишини ҳеч ким кутмаган эди. Исмоил учун эса Азизбекнинг гапи кутилмаган бўлди, ҳатто уни бир қадар ташвишга ҳам солиб қўйди. Бу хабарни айтишга Ҳилола журъат қилолмади. Исмоил «Бувим қанилар?» — деб ҳар сўраганида Ҳилола гапни бошқа ёққа бурди. Азизбек келиб, суҳбат орасида тажрибани одамда ўтказдик, дейиши ҳамон Ҳилола Исмоилга хавотир кўзи билан қаради.

— Нима учун шошилдингиз? — деди Исмоил шогирдидан ранжиб.

— Мажбур бўлдик.

— Ўзини маймун ўрнида ишлатилишига ким рози бўлди, мен танийманми?

— Ҳа... онангиз...

— Онам?!

...Хонадаги оғир сукунатга шу хабар сабабчи эди. Ҳилола хавотир билан эрига қараб турар, лекин бирон сўз айтолмасди. Азизбек гуноҳкор одам либосида эди.

Исмоилнинг хаёллари чигаллашиб кетган. Нима ўйлаётганини ўзи ҳам билмасди. Сукунатни унинг вазмин овози бузди.

— Аҳволлари қалай?

— Яхши.

— Сизга ким рухсат берди?

— Онангиз...

— Ким?

Азизбек бор гапни айтишга тараддудланиб қолди. Тўғрисишни айтиб, айбни кампирга ағдарилгани ўзига эп билмади. Буни сезиб, Ҳилола гапга аралашди:

— Бувим тажрибахонага бориб ётиб олдилар. Икки оёқни бир этикка тиқиб: «Ўғлим топган янги дорини менда синаб кўрасанлар», деб Ефим Назаровични ҳам ҳол-жонларига қўймадилар.

— Бу баҳона эмас.

— Лекин заррача ҳам акс таъсир сезилмади. Холамнинг хотиралари деярли тикланди. Юраклари ҳам яхши. Дорини тайёрлашда холамнинг барча аъзоларини ҳисобга олдик.

— Кетдик,— Исмоил ўрнидан турди-да, эшик томон юрди.

— Қаёққа?

— Қаёққа бўларди,— деди Исмоил шогирдига қараб.

— Ҳозир кўришмаганингиз маъқул эди.

— Нега?

— Безовталиқ, ҳаяжоп тажрибага халал бермасмикин?

— Яхши, олдиларига кирмайман. Фақат деразадан кўрамай.

Учовланиб йўлга чиқилди. Исмоил юзлари оқаринқи-

раган онасини кўриб, тажриба хулосаларини синчиклаб кузатгач, ҳовридан тушди. Ҳилолати уйга жўнатиб: «Ош дамлаб туринг, ҳозир борамиз», деди-да, тажрибахова бош враччи ва Азизбекни хонасига бошлади.

— Тажриба натижаси қониқарли. Лекин мен учун кутилмаган бўлгани учун қувончи дастлаб татимади. Сизлар ҳам шу кунлар ичи хавотирда юрган кўринадислар. Қўноллимг учун узр. Айбиситмайсизлар. Мен синовни биринчи ўзимда ўтказаман, деган хаёлда эдим.— Исmoil жавондан шарбат олиб қадаҳларга қуйди.— Бу ерга келганимнинг боиси ҳам шу синов.

— Чиндан ҳам...

— Ҳа, кенгаш шундай қарорга келди. Шер билан шерчасига олишиш керак. Лайчага ўхшаб ҳуришининг фойдаси йўқ. Лонг ўта одамга айланган. Мияси бизникидан ўн чандон тез ишлайди. Умри чексиз. У космик кемада қочибди. Лонгни шу аҳволда енгил жуда оғир. Фикрим Москвадаги ўртоқларга ҳам маъқул келди. Бокудаги тажрибахона билан ҳамкорликда қудрат соҳибни билан беллаша оладиган қудрат соҳибини тайёрлайсизлар. Хомашё сифатида мен хизмат қиламан.

— Исmoil ака! — деди Азизбек оғзига олиб борган қадаҳни қайта қўйиб. — Бу мумкин эмас-ку, ҳам юрак, ҳам мия операцияси оғирлик қилади. Унинг устига бизнинг дори...

— Оғирлик қилмаслиги учун, мапа, профессор билан биргаликда операцияга тайёрлайсизлар.

— Лонг муддаосига операция йўли билан эришганими? — деб сўради бош врач.

— Йўқ, у бошқа йўл топган.

— Қандай?

— Буни ҳеч ким билмайди.

— Балки биз ҳам бошқа йўл излаб кўрармиз?

— Гупга фурсат йўқ.

— Бу ишда шошилиб бўлмайди. Бокуликларнинг назариялари ҳали исботланмаган.

— Менда исбот қилинса-чи?

— Мен бунга ишюнолмайман. Одамнинг табиий аъзолари бошқа, сунъий аъзолари бошқа. Асаблардаги ҳужайраларнинг ўлиб-тирилиши қонуний бир ҳол.

— Ҳа, қонуний. Табиатдаги ҳамма нарса қонуний. Ўлим ҳам қонуний, лекин биз унга бўйсунмасак-чи?

— Ҳаммасининг ўз вақти бўлади. Шу қонунга болта уриш мумкин бўлса, унинг вақти етган бўлса, бошқа гап.

— Ҳар дақиқада минглаб асаб ҳужайралари ўлади. Лекин шу оннинг ўзида ўрнига бошқалари туғилади.

Тўғрими? Лекин ана шу ўлиш ва туғилиш орасида қанча тафовут бор? Янги туғилган ҳужайралар ўлганларидап бир неча баравар кам-ку? Инсоннинг ўлимини яқинлаштирадигани шу эмасми? Сунъий тўқималар шунга барҳам берса, устига-устак, мия фаолиятини тезлаштирса ёмонми?

— Ёмон эмас, лекин инсон деярли машинага айланиб қолади-ку? Программ одам асл инсон бўлолмайди.

— Профессор, фикрларингиз тушқун. Мен сизнинг некин бўлишингизни истардим.

— Мен эса, ўртоқ Умидов, сизнинг бўлар-бўлмас жасоратга бел боғламаслигингизни истардим.

— Сиз бун жасорат деб ўйлаяпсизми?

— Ҳа, бу гўдакларча жасорат. Сиз ўзингиздан, ўзлингиздан воз кечяпсиз.

— Йўқ, профессор, бу жасорат эмас. Бу виждоп талаби. Шу тонда бундан бўлак иложимиз йўқ. Режа тасдиқланган. Шунинг учун баҳслашмай ишга киришишингизни илтимос қиламан. Бир ҳафтада операцияга тайёр бўлишим керак. Азизбек, сиз дорининг энг юқори дозасини тайёрланг. Эртадан бошлаб сиз билан учрашмаймиз. Мен буткул профессорнинг ихтиёрида бўламан. Ортиқча ахборотлардан холи бўлишим керак. Азизбек, сиздан ўтипамап, онамга ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Бу фақат онамнинг ҳаётлари учун эмас...

— Тушупаман, Исмоил ака.

— Раҳмат ука. Энди бу гапларга барҳам берайлик.

Профессор, асл одамлигимни йўқотмасимдан бурун бир паловхўрлик қилайлик. А, нима дейсиз? Қани кетдик. Бундай ўтириш энди бизга тез орада nasib эмаса керак.

* * *

Ҳар икки операция ҳам яхши ўтди. Исмоилнинг ҳаёти учун кураш ўн кун давом этди. Супъий тўқималар асллари билан ҳадеганда битишмади. Янги сунъий мияга чекланган хотираларни қайтариш ҳам бирмунча суст борди. Исмоил операциядан сўнг оёққа турганида Ҳилолани ҳам, Азизбекни ҳам танимади. Бу даврда унинг миясида плмий назариялар, кашфиётлар, тажрибаларнинг натижаларигина бор эди. Оила ва жамият хусусидаги фикрлари, хотиралари фақат бир ярим ойдан кейингина қайтарилди. Ўша кун у кибернетик машина билан шахмат ўйнади. Машина ҳар бир юришни 0,25 сонияда фикрлаб, ўйлаб оларди. Унинг программасида энг машҳур беш юз гросмейстернинг ўн мингга яқин юриши бор эди. Шу боисдан инсон зоти то Исмоилгача унга бас келолмасди. Исмоил машинани бир ярим дақиқада мот қилди. Исмоилнинг миясига уланган асбоблар унинг фикрлаш тезлигини 0,12 сония деб белгилади. У ана шу фикрлаш тезлиги билан машинани шошириб унинг ўйлашига, йўл топишига имкон бермаганди.

Даволаш муддати тугагач, Исмоил Фарғонага бирров келиб, онасида хабар олди-ю, тўғри Юлдуз шаҳарчага йўл олди. Бу ерда уни аксилюборчилар кутиншарди.

Тоғотарда юлдузкезар кема кўкка кўтарилди. У яқиндагина аниқланган Лонгнинг координатлари бўйлаб йўл олди.

ЛИНДСЕЙНИНГ МЕҲМОНИ

Лонг Ерда узоқлашгани сари унинг ЭҲМ билан алоқаси сустлашиб борарди. У алоқани мўтадиллаштириб олиш мақсадида Муштарийнинг учинчи йўлдошига қўниб ўтишга қарор қилди.

Космодромдагилар шупдай катта кемада бир ўзи келган сервиқор бу кишига шубҳаланиб қарашди. Лонг ҳужжат текширув бўлимидан ўтиб, космодром бошлиғининг хонасига йўл олди. Тўрда ўтирган қора соқолли, кенг елкали бошлиқ хонага кириб келган кимсани танимади. «Ўтиринг», деб курсини имлаб кўрсатди. Сўнг ёзаётган ишини тўхтатиб, меҳмонга қаради.

— Хизмат?

— Мен сизга мистер Шенкнинг саломини етказмоқчи эдим.

— Ким дедингиз?

— Мистер Шенк, қайнатангиз.

— Кечирасиз, сэр, қайнатаминг вафот этганига чамамда Ер вақти билан ўн беш йил бўлди.

— Ҳа, мистер Линдсей, янглишмадингиз. Лекин унинг қариндошлари ҳаёт. Сиз қариндош-уруғларни унутган кўринасиз.

— Ҳа, сэр, гапингиз тўғри. Бир оз унутган бўлсам керак. Кечирасиз, ўзингиз ким бўласиз?

— Мистер Шенк онаминг тоғаси эди.

Линдсей Лонгга тикилиб қолди.

— Тўхтап, тўхтап, — деди у ўрнидан туриб, — эслаяпман... Сиз — Лонгсиз. Чарльз Лонг!

Лонгнинг чеҳрасига ғолиб кишининг кулгиси югурди. Ўрнидан туриб, Линдсейга қўл узатди.

— Ҳа, азизим, мен Лонгман. Лекин бу ерда мистер Рокстон, деб атасангиз яхшироқ бўларди.

— Демак, қочибсан-да?

Линдсейнинг тўсатдан сенсираши Лонгга ёқмади. Лекин сир бой бермай, у ҳам сенсирашга ўтди:

— Йўқ, ҳал қилувчи зарбани бериш олдидан салгина чекиндим. Ердаги гаплардан хабаринг бордир? Хабаринг борми?

— Ҳа...

— Тушувдим. Гапирмай қўя қол. Чарльз Лонгни қамоққа олиш ҳақидаги бемаъни хаёлларни бошингдан чи-

қариб ташла. 1328 рақамли буйруқ эса темир сандиқниңи чап томонида тура турсин.

— Сен буни қаердан биласан?

— Қудрат соҳибига шундай савол беришнинг ўзи жаҳолатдан дарак.

Линдсей дераза олдиға бориб, узоқларға тикилди. Ниманидир ўйлагандай бўлди. Лекин нимани ўйлаганини ўзи билмасди. Хаёллари чигал ип каби чувалашиб кетганди. Йўқ, у Лонгнинг қаршисида даҳшатға тушмади. Линдсейнинг хаёлларини чувалаштирган нарса — Лонгнинг бу ерда тўсатдан пайдо бўлиб қолиши эди.

— Мен бораёй энди. Қолган гапларни кейин гаплашармиз.— Лонг шундай деб чиқиб кетди. Линдсей бошини қўллари орасига олиб, узоқ ўтириб қолди. «Нега келди? Мендан нима истайди? Ўзига шерик қилмоқчими? О, йўқ, тушини сувға айтсин. У ҳали Ватаннинг, она-тупроқнинг қадрига етмаса керак. Ерни соғиниб юрганам каммиди? Энди ундан бутунлай ажраб қолайми?!»

Линдсей шу топда худди иккига бўлинган одамға ўхшаб қолди.

«Лонг — ёвузларнинг ёвузи. Қариндошми, бегонами, қараб ўтирмайди. Эсингни йиғ!» — деди ваҳимаға тушган Линдсей.

«Қўрқяпманми? Нимадан қўрқяпман?» — деди кўпни кўрган Линдсей.

У яна ўрнидан туриб кетди. Шипа идишдаги тилла балиқлар ўйинига тикилди. Котиба эшикни очиб қаради-ю, яна ёпиб қўйди. Линдсей ўзига келиб, жойига бориб ўтирди. Қоғозға ниманидир тез-тез ёзди-да, қўнғироқ тугмасини босди. Хушбичим котиба кириб, ундан буйруқ кута бошлади.

— Мана буни ер ваколатхонасига олиб бориб беринг, ҳеч ким сезмасин. Тушундингизми? — деди Линдсей. Котиба бош ирғаб, хатни журъатсизлик билан олди. Бошлиқнинг огоҳлантириши уни хавотирға солиб қўйган эди.

Муштарийнинг учинчи йўлдоши сарғиш тун пардасига ўрала бошлади. Уфқдаги қуёшнинг мис баркашдай ловиллаб турган оташ доираси ҳам кўринмай қолди. Унинг ўрнини кучли чироқларнинг нури эгаллади. Иш куни тугаб, хизматчиларнинг аксари марказдаги қаҳвахоналарга тўпландилар. «Нейтрон» қаҳвахонаси ҳам одатдагидай гавжум эди. Линдсей «Қуёш» қаҳвахонасининг шийпонидан ўтиришни хушларди. Бу ерга Лонгнинг таклифи билан келишга мажбур бўлди. Остопада туриб, ичкарига кўз югуртирди. Лонг ўнг томонда, катта дераза ёпидан жой ҳозирлаб ўтирган эди. Линдсейни кўриб ўрнидан турди. Енгил таъзим билан кўришиб, ўтиришга таклиф қилди.

— Хафага ўхшайсан, тинчликми?.. Ҳа, уним, қўйвер, нарво қилма. Ожиз одамларда учраб туради.

— Нимани айтяпсан?

— Ваколатхонага ёзган хатчангни.

Линдсей индамади. Лонг ҳеч нима бўлмагандай, ўзини хотиржам тутиб, қадаҳларга виски қуйди.

— Бу ерга нима учун келдинг?— деб сўради Линдсей ҳориган одамнинг овози билан.

Лонг вискидан бир ҳўпламгина ичиб, оғзини оқ рўмолча билан артган бўлди.

— Бу ерда зарур ишим йўқ. Тўфон ҳам кўтармайман. Шунчаки, сени кўргани келган эдим. Бу даражада қўрқоқ бўлиб қолганишдан беҳабар эканман.

— Мистер Лонг, мен бу гапингизни ҳақорат деб тушунаман.

Лонг қадаҳни қўлида айлантириб ўйпади. Сўнг уни хоптахта устига қўйиб, Линдсейга кўзларини ўқдек қадади.

— Тўппончанг чўнтагингда тура турсин. Ўқнинг аҳмоқона одати бор. Кўтилмаганда йўналишини ўзгартириши мумкин. Мен жияяларимнинг етим қолишини истамас эдим. Ҳар ҳолда ким билан ўтирганингни унутма.

Липдсей титроқ қўлларини стол устига қўйди.

— Асабларим заифлашиб қолибди.

— Бу ҳалокат аломати.

— Чарльз, бу ерга нега келдинг? Мендан нима истайсан?

— Балки сени шерикчиликка таклиф қилмоқчидирман.

— Ўзим ҳам шундайдир деб ўйловдим. Йўқ, Чарльз, менинг йўлим бошқа. Хомтама бўлма.

— Рад этишга шошилма.

— Сен ўлимга маҳкум одамсан. Тарих сенга ўхшаган даъвогарларнинг кўпини кўрган.

— Мени улар билан тенглаштира! Менинг идроким олдида улар чирик бир тўнка. Афсус... Қудратимни ўз кўзинг билан кўришинг керак шекилли?

— Энди қудратингни ҳеч ким кўролмайд.

Лонг кулди. Залдагилар завқ билан кулаётган бу кишига қараб-қараб қўйишди.

— Шошилма, азизим. Бинони ўраб олган ҳарбийларнинг биронтаси ҳам менга яқинлаша олмайди. Ўтир. Турма. Томоша энди бошланаяпти.

Шу пайт эппик очилиб, қуролланган ҳарбийлар кўринди. Залда саросима бошланди. Лонг ўридан туриб, мўътабар меҳмонларни кутиб олаётгандай уларга пешвоз чиқди.

— О, комиссар Ротшильд, буни қарап-а, менинг изимга сиз ҳам тушибсиз-да? Бошим учун печа миллион белгилашган? Мукофот йўқми? Афсус. Хизмат бурчингизни ўташингиз керак, шундайми? Марҳамат, аввал суратимни оларсиз?— Лонг шундай деб ясама соч-соқолини олиб ташлади. Комиссар Ротшильд Лонгга совуқ қараш қилди. Кейин чўнтагидан кишап чиқарди. Лонг хандон отиб кулди.— Мсье Ротшильд, сиз ҳали Чарльз Лонгнинг кимлигини билмас экансиз!— деди у улугворлик билан. Кейин ёнидаги икки креслони улоқтириб юборди. Ҳарбийлар Лонгга ташландилар. Лекин унга яқинлашишлари билан тахтадек қотиб қолдилар. Кўзлари косасидан чиқиб, ни-

ҳоятда даҳшатли кўринишга тулдилар. Лонг эса ҳамон кулимсираб турарди.

— Мана шунақа, комиссар. Бировга чоҳ қазиманг.— У шундай деб Ротшильдга яқинлашди-да, кишапни олиб, унинг қўлларига солди. Кейин елкасига шапиллатиб уриб қўйди. Комиссар ҳайкалдек қотиб турарди.

— Адью, мсье Ротшильд, Ердагиларга салом денг. Жапоб Умидовга кўрғанларингизни битта қўймай айтинг. Мен билан учрашишга ошиқмасин.

* * *

Линдсей энди ишларини тугатиб, уйига отланганида эшик очилиб Лонг кириб келди.

— Салом, азизим,— деди у такалуфни кутмай курсига ўтираркан.— Жонингга тегиб кетдимми?

— Ҳа.

— Очиғини айтганинг учун раҳмат. Ўзим шунақа одамларни яхши кўраман. Ниҳоят, мендан қутуладиган бўлдинг, дўстим.

— Биз сен билан ҳеч қачон дўст бўлмаганмиз.

— Лекин бўлишинг мумкин.

— Бу ташвишли дунёга битта аҳмоқ калла ҳам етиб ортади.

— Ҳаддингдан ошмансан. Мсье Ротшильд омонми?

— ...

— Нега ундай бўлди, деб сўрамайсанми? Арзиманган юксак частотали токнинг иши бу. Кемам учлига тайёрми?

— ...

— Ўҳ-ҳў, азизим, кўп нарсани билишга қизиқаверма, тез қариб қоласан. Буйруқ бер: йўлни бўшатишин. Бекорчи қурбонларга тоқатим йўқ.

Линдсей истамайгина буйруқ берди. Лонгнинг хайрлашини учун узатган қўли муаллақ қолаверди. У эшик томон юрди. Остонага етгач, тўхтаб, орқасига ўгирилди.

— Сен мецдан келишимнинг боисини сўраганимдинг? Уша кунни айтиш ёдимдан кўтарилибди. Мен Ердан ахборот кутаётган эдим. Ярим соат илгари олдим. Энди бу ерда қиладиган ишим йўқ. Сен хомқаллани атайин безовта қилгим келди. Мени ушлашга ҳаракат қилишларингни ҳам билардим.

— Йўқол!

— Сен тарбия кўрмаган тўнка бўлиб қолибсан. Уша кунни чамамда мени отмоқчи эдинг. Бу фикрингдан қайтганинг йўқми?

— ...

— Олимлар рақ касалига даво топиш учун асрлар бош қотиришган. Сендаги тўнкалик касали ундан ҳам ошиб тушади.

Лонгнинг қўлида чақалоқ кафтидай келадиган тўпшоңча ялтиллаб кетди. Бир сониядан сўнг Липдсей столи устига мук тушди. Лонг унга бир қараб олди-да: «Жиянларимга раҳмим келади», деб чиқиб кетди. Ҳолбуки Лонг одам бўлиб ҳали «жиянлари»ни кўрмаган эди.

МУТТАҲАМЛАР САЙЁРАСИ

У — 5 сайёраси кашф этилганида, БМТда қаттиқ тортишув бўлди. Америка Қўшма Штатларининг вакили мистер Грейхем жамиятга зарар келтирувчи шахсларни У — 5 сайёрасига сургун қилиш ҳақида таклиф киритди. Йиллар давомида баҳсга сабаб бўлаётган «Ортиқча одамлар» муаммоси яна кун тартибига қўйилди. Вакиллар яна икки тарафга бўлинишди. Тортишувлар билан ўтган икки йил жиддий хулоса бермади. Баҳор кунларининг бирида БМТнинг навбатдаги кенгашида мистер Грейхем АҚШ бошчилигидаги уч мамлакат қамоқхоналарини тажриба тариқасида У — 5 сайёрасига кўчиришга қарор қилганларини айтди. Мистер Грейхем бу қарорни хабар қилаётганида Кеннеди бурнидан бир неча космик кема

осмонга кўтарилди. Кемада энг ашаддий гангстерлар бор эди.

Лонгнинг «темир қўллар»и Галвестон полицияси бошлиғини ўлдирганида маана шу кишиларнинг рўйхатини олган эди...

...Бегубор осмон. Туш нардасига ўралган сайёра уйқуга кетган. Одамларнинг маст-аласт қийқириқлари ҳам тинган. Кўчалардаги чироқлар ожизгина нур тарапти.

Космодром навбатчиси шишадаги сўнгги қултум вискини ютди-да, оёқларини стол устига қўйиб, креслога бемалол суяниб ўтирганича уйқуга кетди. Ташқаридаги соқчиларнинг бири катта қутига суяниб, яна бири машина рулига бошини қўйиб хуррак отаётган шофёрнинг елкасини «ёстиқ» қилиб ухлаб ётибди. Фақатгина қорайиб турган ракета яқинида бир йигит қуролини тиззасига қўйиб осмонга тикилиб ўтирибди. Унинг хаёлида Она-Ер, севгилиси, нариги қирғоғи кўринмайдиган Амазонка сувлари, кўзларидан марвариддай ёш томчилари думалаб қолган мунис онаси ўтди. Шу топда беҳисоб юлдузлар орасида ўша ёш юмалаб кетгандай бўлди. Йигит сергак тортди. Бу кўкдаги юлдуз ҳам, она кўзидаги ёш ҳам эмасди. У — 5 га оловли жисм яқинлашарди. Кемами? Метеоритми? Йигит хавф чақирғинини юборадиган тугмани босди. Навбатчи бир кўзини хиёл очиб қўйди-ю, пинагини бузмади. Йигит осмонга яна бир қараб олди-да, навбатчининг хопасига югурди. Йўл-йўлакай соқчиларни уйғотди.

- Шеф, — деди навбатчининг елкасини аста туртиб.
- Ҳм, — деди навбатчи кўзини очмай.
- Қандайдир жисм яқинлашяпти.
- Яхши... — деди навбатчи, кейин бир нарса чақиб олгандай сергак тортди. — Нима?!
- Қандайдир жисм яқинлашяпти.
- Қанақа жисм?
- Оловли...

— Шеф, мана бу чироқлар ёняпти,— деди соқчиларнинг бири.

Космодромга қараган дераза олдига ўрнатилган бошқарув асбобларининг майда чироқлари бир ёниб-бир ўчарди. Навбатчи унга яқинлашиб, бўйинини қашиган бўлди.

— Бу нима деганийкин-а?

Соқчилар елка қисшди.

— Чақириқ эмасмикми?— деди ҳалиги йигит.

— Менга қара,— деди навбатчи унга қараб,— аनावи олифтанги олиб кел.

Дам ўтмай, соқчи кийимлари анча эскириб қолган, сариқдан келган бир йигитни олиб кирди. Йигит чироқларни кўрди-ю, турганларга ҳеч нима демай, мурватларни бурай бошлади. Бир оздан сўнг унинг юзиде умид офтобни чарақлади.

— Сайёрага кема яқинлашяпти,— деди у,— қўнишга рухсат сўраяпти.

Навбатчи асбобга суяниб, пягивни қашиди.

— Шундай дегин,— деди у чўзиб,— қаердан келаётган экан?

— Ердан...

— Вакилми?

— Билмадим. Унисиин айтмади.

— Ҳарбий кемами?

— Йўқ.

— Майли, қўпаверсин. Қачон қўнади?

— Уч соатдан кейин. Тошда.

— Жуда яхши. Унгача йигитлар ҳам уйғонишади.

— У президент кутиб олсин, деяпти.

— Шунақами? Вой лаънати, президентнинг бундан бошқа қиладиган нини йўқ эканми? Хўп, яхши, айт, яхши-лаб кутиб оламиз.

Кема космодромни ларзага солиб — титратиб қўнди. Унинг ҳаво зарралари билан пиқаланиб қизиб кетган сатҳи тошги шабадада тез совиди. Кема энингни очилиб, фазогирлар кийимидаги Лонг кўринди. У махсус нарвон

келтиришларини кутиб, бир оз турди. Лекин нарвопдан дарак бўлмади. Кемани ўраб олган қуроли одамлар унга қараб туришаверди. Лонг бир нарса деб ғудраниб сўкинди-да, ичкари кириб кетди. Бир неча дақиқа ўтгач, оқ кўйлак, қора галстук, қора чакмон кийиб, кеманинг эҳтиётдаги нарвопидан тушди. Ерга оёқ қўйиши билан икки йигит унинг қўлларидан маҳкам ушлади. Лонг уларни бўралаб сўкиди-да, ҳар иккисига қаттиқ тикилди. Йигитлар беихтиёр уни қўйиб юбориб, жойларида қотиб қолишди. Лонг уларни ғинноз билан сеҳрлаб қўйган эди. Лонг машина ниллапоясига бир оёғини қўйиб, тўппончасини бамайлихотир айлаштириб ўйнаб турган барваста кишига яқинлашди.

— Сен навбатчимсан?

— Ҳа, менман.— Навбатчи шундай деб четга қараб турди-да, тўппончани ғилофига солди.— Ўзинг кимсан, нимага келдинг?

— Президентинг қани? Президентинг қани, деянман?!
Навбатчи кулди.

— Қани, йигитлар манави олифтага президентни кўрсатиб қўйинглар, мукофоти икки-пиша бренди!

Лонгга яқинлашган уч соқчи ҳам қотиб қолди. Ана шундагина навбатчининг эси сал жойнга келди. Лонг унга жуда ҳам яқин келди. Навбатчи чўчиб тисарилди. Лекин ортиқ чекина олмади. Орқада машина турарди.

— Дарҳол президентингни чақир. Олий ҳукмрон сўрайти, де. Чарльз Лонг келди, де. Уқдингми?

Навбатчи хона томон йўл олди. Лонг унинг орқасидан изма-из борди. Навбатчи телефон трубкасини олиб, ҳукумат уйи билан боғланди.

— Ердан келган қандайдир Чарльз Лонг жаноб президентни йўқлапти...

— Қандайдир Чарльз Лонг эмас, Олий ҳукмдор!— деди Лонг ғижиниб.

— Олий ҳукмдормиш,— деди навбатчи.

Орадан ярим соат ўтгач, эшикда Том Жонсон кўринди.
— О, Чарльз,— деди у қулоч ёзиб келаркан.

Лонг у билан совуққина кўришди.

— Сайёрани қўлга олганинг яхши, лекин бу томошанга тушунмадим.

— Қайси томоша?

— Менинг келишимни билганмидинг?

— Йўқ. Лекин Ердан қандайдир кема келибди, дейишган эди.

— Қаллани ишлатиш керак, азизим. Қани, кетдик.

Улар бир вақтлар Ер ваколатхонаси бўлган бинога киришди.

— Мана менинг қасрим,— деди Том кулимсираб.

— Яхши, ишларинг чакки эмас. Ягона ҳокиммисан ёки ҳукумат аъзолари ҳам борми?— деди Лонг киноя билан.

— Бор. Бусиз республика бўлармиди!

— Ҳаммаси киссавурларми?

— Ҳар хил. Вице президент қаллақесар. Ўлдирган одамларининг рўйхати беш томлик китоб бўлади. Шунинг учун ҳам ундан ҳамма қўрқади. Агар уни қўлга олганимда ишим юришмасди. Молия бўйича вазир Калифорния хазинасини ўмараётганда қўлга тушган. Қолганлари ҳам шунга ўхшаганлар.

— Давлат секретари ҳам бордир?— деди Лонг киноя билан.

— Албатта, бусиз ташқи алоқа ўрнатиб бўладими?

— Ким у?

— Пухта одам. Ерда дипломатларни ўғирлаш билан шуғулланган. Дипломатик алоқаларга уста.

— Бу ердагилар менинг кимлигимни билишадими?

— Йўқ, келишувимизга кўра, бу ҳақда оғиз очмаганман. Биз «олий демократия» учун ишқилоб қилдик. Сенинг мақсадингни улар билишмайди.

— Билса-чи?

— Булардан иш чиқишига кўзим етмайди. Ерга қайт-

гиси келиб қолганлари ҳам бор. Уларни қўрқитиш жуда қийин. Ишонтириш ҳам. Ҳаммаси ўзича буюк. Томошани ҳали кечқурун кўрасан.

— Нима бўлади?

— Нима бўларди! Одатларини тарк қилишолмайди. Президентнинг уйини босишдан ҳам тойишмайди. Бир кунмас-бир кун ўлдириб кетишмаса, деб қўрқаман. Бу фуқаролардан ҳамма нарсани кутса бўлади. Уларнинг Ерда қандай иш билан шуғулланганини биласап-ку.

— Тушунаман, сенга қийин. Сен уларнинг эллик-олтмиштасидан воз кечиб қўя қол. Оломоннинг кўзи олдида осдир. Бошқаларнинг кўзи очилади.

— Шундай ҳам қилдим. Фойдаси бўлмапти. Қур-гурлар шундай ёмон бўлсалар ҳам Ерни соғинишади.

— Улар «шунчалик ёмон бўлишса», сенга қандай эр-гашишди?

— Э, сўзамол бўлсанг, ишинг юришавераркан. Яхши бир маъруза айтсанг, қўйга ўхшаб эргашиб кетаверишди. Фақат бир-икки қадам юришгач, сен айтган сўзлар эсларидан чиқади-ю, яна ўша бемаъниликлари бошланади. Исён ҳам шу қизиқ устида бўлди. —

Телефон жиринглади. Том трубкани кўтарди-ю, дам ўтмай жаҳл билан қўйиб қўйди.

— Ким?— сўради Лонг.

— Яна қўрқитишяпти. Ҳар куни аҳвол шу: «Васиятингни тайёрла», «Бугун тунда учрашамиз», деган гаплар.

Лонг сигарасини тутатиб, гугурт чўпини кулдонга ташлади-да, ўрнидан турди. Дераза пардасини кўтарди. Шу топда унинг ёнгинасидан ўқ визиллаб учиб ўтди. Лонг пардани тушириб жойига қайтди.

— Ҳа, бу ерда қолиш хавфли. Космодромда менга нега индашмаганига энди тушундим. Улар мени Ернинг элчиси деб ўйлаб нажот кутишган. Ёмон ишлабсан, Том. Улар бизга ҳамроҳ бўлишолмайди.

— Айтдим-ку.

— Сен айтма, буюрилган ишни бажар. Сайёрани қўл-

га олганингдан нима фойда бор? Бизга мақсадимиз йўлида қурбон бўлишга тайёр турган одамлар керак!

— Ҳа.

— Шарль қаерда?

— У «Z — 40»ни қўлга олди. Менинг одамларим унга ёрдам беришди. У сайёрадаги барча мавжудотларни нуру билан қириб ташлабди.

— Мен айтган нарсани топибдими?

— Ушдан хабарим йўқ.

— Мен эртага учаман. Сен қоласан. Одам тайёрла. Бизга кўп одам керак.

— Қийин, Чарльз, жуда қийин.

— Билама, қийинликка қийин. Мақсадга тезроқ етиш учун уларнинг кучи керак,— Лонг ниманидир ўйлаб қолди. Боя отилган ўқ ёдига тушди шекилли, хаёлига келган бошқа фикрни айтди:— Жуда бўлмаса Ерга қайт. Булар бир-бирининг гўштини еб ётаверсин. Космодромдаги ракеталар ишлайдими?

— Ишласа керак.

— Мен текшириб кўраман. Ҳа... сен бошқаришни билмайсан-ку. Балки бирор мутахассис тирик қолгандир.

— Бор.

— Демак, ўшани озод қилиб, бирга қочасан.

Эртасига тонгда ерлик меҳмоннинг кемаси фазога кўтарилди.

УЛИМ КОНТЕЙНЕРИ

Лонг «Z — 40» сайёрасига қўнишга ботина олмади. Чунки унинг сайёрага юборган чақириқ сигналлари жавобсиз қолди. Сайёрада ўлик сукунат ҳукмрон эди. Лонгни ҳам гумон, ҳам хавотир ҳислари чулғаб олди. Унинг «буюк» ақли бирор жавоб топинга ожиз қолгандай эди. Лонг сайёрага кетма-кет чақириқ сигналлари юбориб, унинг атрофида сунъий йўлдошдаи айланаверди. Унинг сўнгги илпнжи саробга айлана бошлаган эди.

Газзан шундай бўлади. Кипши сўнгсиз сахро қатрига тушиб қолади. Қақроқ ер гўё уни ютди, қонини ичиб, чапқоғини босмоқчига ўхшайди. Хаёл уммонида чўкиб кетаётганида олдида боғи эрам пайдо бўлади. Қўйингки, боғи эрам бўлмаса ҳам сувнинг рўнарасидан чиқади. Кўзларини уқалайди. Кўрганларини сароб деб ўйлайди.

Лонг ҳам жавоб ололмай шу аҳволга тушган эди. Умид пиёласи сипиб, орқага қайтишни пият қилганида чақалоқнинг бармоғидай келадиган чироқ ёниб-ўча бошлади. Ёнди... Ўчди... Лонг кўзини уқалади. Чироқ ёнди... Ўчди... Ёнди... Ўчди ... Ёниб-ўчди. Лонг сергак тортди. Йўқ, бу сароб эмас. Ана, бу жавоб!

«Диққат!», «Диққат!»

Лонг асбобларни созлади. Чақирди яна такрорланди.

«Диққат!», «Диққат!»

Кейин чироқларнинг ёниб-ўчини тезланди. Чироқнинг ёнидан чиқиб турган тасма қогозда эса белгилар пайдо бўла бошлади.

«Чарльз, мен шу ердаман! Жанубга, 8- квадратга туш».

Қогозда бу белгилар яна бир неча марта такрорлангач, Лонг енгил нафас олди. Хайрият. Шәрль махсус кодни эсдан чиқармабди. Лонг унга жавоб қилди-да, кемани қўнишга ҳозирлади.

Белгиланган ерга етганда кеманинг тезлигини камайтириб, пастлатмоқчи бўлди. Тугмани босиши билан тезликни сусайтирадиган двигатель ўпка касалига учраган одамдай бир-икки «йўталди»-ю хириллай бошлади. Кема қаттиқ силкиниб кетди. Лонг курсидан йиқилиб, деворга боши билан урилди. Бир зумдан кейин ўзига келганида, кема настга шўнғиб борарди. Унинг силкинишлари тўхтамаган эди. Лонг курсини ушлаб ўрнидан турди-да, бошқарув асбобларига тапланди. Сайёранинг қорамтир сатҳи анча кўриниб қолган эди. Кема бор тезлиги билан настга қараб учишда давом этарди. Лонг тормозлайдиган двигателларни ўчирди. Кейин кемани қўлда бошқаришга ўтди.

Кема фазода кескин бурилиб, яна чексиз койнот қаърига йўл олди. Мўлжалдаги йўналишга чиққач, Лонг марш двигателларни ишга солди. Сайёрага хавф чақириқларини юбориб, жавоб кутди. Кема яна сунъий йўлдош каби айлана бошлади.

Шарль: «Мени кут, кемани пастлатма», деб жавоб берди. Лонг кемани бошқаришни яна автомат ихтиёрига топшириб, ўзи қўшни бўлмага кирди. Бўлмадаги двигателларнинг овози қулоқни кар қиладиган даражада баланд бўлмаса ҳам ёқимсиз мусиқадек кишининг асабига тегарди. Лонг ишдан чиққан двигателнинг орқасига ўтди. Икки одам бўйи келадиган шиша қалпоқ ичида қорайиб турган двигателни оча бошлади. Аввал шиша қалпоқни, кейин темир қалпоқни кўтарди-ю, газабдан сўкниб қўйди. Ўтказгич симларнинг айримлари узилиб ётибди. Айримлари эриб, бир-бирига ёпишиб кетган. Лонг муттаҳамлар сайёрасидан учмай туриб, асосий двигателларни текширган, лекин буларни негадир кўздан кечирмаган эди. Двигателни ёки бутунлай бошқатдан йиғиш зарур, ёки янгисини қўйиш керак эди. Лекин унисининг ҳам, бунисининг ҳам иложи йўқ. Биргина йўл: Гомескуни кутиш керак, холос.

Қоронғилик қаърида кичкина чироқ милтиллаб кўринди. У аста-секин катталаша борди. Аммо нега қаршидан келяпти?

У хавотир билан Гомескуни чақирди.

— Ташвишланма, ҳозир айланаман, — деган жавобни олиб, кўнгли тинчиди.

Муқобил кема «Пергилей II» ёнидан ўтиб кетди. Сайёранинг ёрут томонига ўтганида орқада унинг қорамтир «тумшуги» кўринди. Бир оздан сўнг икки кема тутанди. Шарль Лонгни қучоқ очиб кутиб олди. Кема пастлай бошлади.

— Кемангга нима қилди?— сўради Шарль.

— Тўхтатини двигатели ишдан чиқибди.

— Бирор ери куйибдимиз?

— Йўқ, Томнинг қайси бир фуқароси титкилаганга ўхшайди. Сенда эҳтиётдан двигатель йўқми?

— Нима, бошқа қўймоқчимсан?

— Бўлак иложи йўқ.

— Бе, бу эски аравангни қўйсанг-чи.

Кема ҳаво сатҳига етди. Лонгнинг назарида улар ям-яшил водийга қўнишаётгандай эди.

— Кўряпсанми,— деди Шарль дераза оша имо қилиб,— сен айтган «ялмоғизлар» шулар.

Рўпарадаги қизил чироқ ёниб, кема силкинди. Лонг ўршидан турди. Энг пастки бўлмага тушишди. Сайёрапойга ўтиришди. Сайёрапой юмшоқ тупроқни тўзитиб, олға юрди. Йигирма дақиқадан сўнг улар ерликларга хос дид билан қурилган икки қаватли уйга етиб келишди. Уйнинг атрофи баланд сим тўсиқлар билан ўралган, ток баргларига ўхшаган ўсимликлар бу ерларга қандайдир чирой касб этган эди. Сайёрапой уйга яқинлашиши билан дарвоза очилди. Ичкари кирган заҳоти тезлик билан ёпилди.

— Бу уй Ернинг ваколатхонаси эди. Энди каминан камтаринларининг ғариб кулбахонаси.

— Одамлар қани?

— Ялмоғизлардан сўра.

— Томнинг одамлари-чи?

— Улар ҳам. Ерга кетгилари келиб қолган экан, дарвозани очиб бердим, қайтиб келишмади.

— Ялмоғиздан қутулиш йўлини тоңдингми?

— Йўқ. Бунинг имкони бўлмади. Шароит етарли эмас. Унда ташқари «ялмоғиз»ни енгиш жуда мушкул. Ўтда ёнмайди, эллик беш даража совуққа ҳам дош берди. Бағри ерга тегдими, тамом: кўпайиб кетаверади. Уни тўсиқлар орасига олишган экан. Мен кўпаяверсин, деб очиб юбордим. Яхши қилибманми?

— Яхшиликка яхши-ку. Лекин у жондорларни қолдирармикин?

— Улардан нишон ҳам қолмади.

— Биргина сен қолибсан-да.

— Ҳа, мену сен. Хўш, Ерда нима гаплар? Нега бу ерга келдинг?

— Одамлар биз ўйлагандан қайсарроқ чиқишди. Бўйсунгилари келмаяпти. Менга қарши гуруҳлар тузилди.

— Умидов билан дуч келдингми?

— Ҳа, мен уларни уммонда учратдим. Тўфон остида қолдирган эдим. Лекин негадир қутулиб қолишибди. Шуларни кўра-била туриб, бўйсунмаяпти. Қандайдир буюк идеаллар одамларнинг бошини айлантириб қўйган.

— Демак, сўнгги чора «ялмоғиз» экан-да?

— Сўнгги эмас, ҳал қилувчи. Сўнгги чора муз уммони бўлади.

— Йўқ, сен унга қўл уролмайсан.

— Нега?

— Ҳар ҳолда, сен ҳам одамсан, бундай қилолмайсан.

Лонг жавоб бермади. Шарлнинг ҳақлигини биларди. У қанча ёвуз ишларни амалга оширмасин, муз уммонини эритиб, Ерни сувга ботиришни ўйлаганида негадир кўнгли ғалати бўлиб кетди. Ҳар ҳолда у Ер билан, Ердаги ҳаёт билан бутунлай видолашмоқчи эмас. Шарль қўшни хошага чиқиб, қаҳва олиб кирди. Мўъжазгина ниёлага қўя туриб, сўради:

— «Ялмоғиз»ни Ерга қандай ташламоқчисан?

— Ўтган асрда, космонавтика энди оёққа тураётганида америкаликлар кoinотга игна сочиб юборинган экан. Менам шу усулдан фойдаланмоқчиман. Игна нисониятга айтарли зарар бермаган. Менинг контейнерларим эса Ерга ўлим ёғдиради. Мен барча радио тўлиқшиларини узиб қўяман. Ер фақат менинг овозимни эшитади.

Шарль жавондаги шириликларни олиб қўйиб, ўтирди. Ўзинга ҳам қаҳва қуйди.

— Сен ғалабангга аминмисан? — деди Лонгга саволчан тикилиб.

— Сен менга нишонмаяпсанми? — деди Лонг қўлидаги ниёлани хонтахта устига қўйиб. — Агар шу гапни Том айтганида ҳайрон бўлмасдим.

Шарль мийингида кулиб қўйди.

— Ерга қачон учасан?

— Бу ерда қиладиган баъзи ишларим бор. Ердаги анализатордан хавфим бор. Уни эрта-индин топиб олишлари мумкин. Мен кўчма анализатор ёрдамида ишлашга ўтишим керак.

— Мен-чи?

— Сен ҳам кетасан. Энди бу ерда қиладиган ишинг йўқ. Ерга қайтиб, тавбаишга таяниб, илмий ишингни давом эттирасан. Ишончли одам тўплайсан. Агар «ялмоғиз» ҳам таъсир этмаса...

— Ўзингда ҳам ишонч йўқми?

— Азизим, инсон яхшиликка интилиб, ёмон оқибатларни унутмаслиги керак. Ғалаба билан мағлубиятни ҳам назарга олиб қўйса, чакки бўлмайди. Эҳтиёткорлик яхши. Агар бу сафар ҳам иш чапиасидан келса, мен Ерга бир зум ҳам қолмайман. Коинотда қароқчилик қиламан.— Лонг мийингида кулиб қўйди.— Фазога қадам қўйган ҳар бир одам менинг ўлкам бўлади. Йиллар ўтиб, Ерга янада қудратлироқ бўлиб қайтаман. Бунга нима дейсан? Ҳар ҳолда музликларни эритиш ниятим йўқ... ~

...Лонг атрофида куч майдони ҳосил қилиб «ялмоғиз»лар тўдасига яқинланди. Ўсимликлар уни дарҳол ўраб олинди. Лонг худди улкан шар орасида қолгандай бўлди. «Ялмоғиз» куч майдонига яқинлаша олмади. Ҳар эҳтимолга қарши тайёр турган темир панжаларга эҳтиёж бўлмади...

Кема учишга шайлангач, Лонг Шарлнинг кўзига силовчан тикилди.

— Шарль, аввал билдирмоқчи эмасдим, бари бир айтишга тўғри келади. Энди биз иккимиз қолдик. Мен Томдан воз кечдим. У менинг орқамдан Ер томоп учди. Лекин атмосферага кириши билан кемаси портлайди.

— Эсиш...

— Ҳа, ачинарли. Лекин у мен ўйлаган ишни бажаролмади. Бундан буён оёғимга кишан бўлиши мумкин эди.

Ер атмосферасига яқинлашгач, Лонг контейнерларни очди. «Ялмоғиз»лар аста ёйилиб, оғир булут сингари Ер сари чўка бошлади. Лонг кемани Саҳрои Кабирда қолдириб, ўзи дарё соҳилидаги шаҳарчага келди. То қидирувчилар етиб келгунча либосини ўзгартириб, Нью-Йоркка учиб кетди. Режа бўйича «ялмоғиз»лар аввал шу ерга тушини керак эди.

Эртасига непини маҳалида қуёшнинг юзи тўсилди. Бир-бирига чирмаинган қандайдир кўм-кўк ўсимлик шаҳарга қўна бошлади. Одамлар ҳайрат билан осмонга тикилар, қўрқувда ўзларини панага оларди. Лонг эса, ғолиб кишининг чеҳраси билан мамнун боқиб турарди. Бироқ бу мамнунлик кўнга чўзилмади. «Ялмоғиз» ерга тегиши ҳамон сарғайиб, ингичка, жонсиз ипларга айланиб қолаверди. Фақат одамлар устига тасодифан тушиб қолганлари бир оз ҳаракат қилар, темир тирноқ билан тирналгандай, одамлар бир зумда қонга беланиб, ҳолсиз йиқилардилар. «Ялмоғиз» одам қонини буткул сўриб олмас, кўпаймас, аксинча, одамдан илгари ўзи жонсизланарди.

Лонг ҳам ҳайрат, ҳам даҳшат билан Шарлга қаради. Бу ҳайрат, бу даҳшат Шарлда ҳам бор эди. Бу воқеа кутилмаганда улар учун шапати эмас, мушт бўлди. Лонгнинг ўта кучли мияси ҳам воқеани ойдишлаштира олмади. Чунки у ҳали кўп нарсалардан беҳабар эди.

...Исмоил Лонгнинг изини фазода бирмунча вақт йўқотди. Кейин унинг «Z — 40» сайёрасига йўл олганини аниқлагач, Ерга қайтишга қарор қилди. Чунки у «Z—40»да Шарль борлигини, у ердаги аҳволни, демакки, Лонгнинг эндиги режасини ҳам биларди. Исмоил «Z — 40»га етиб боришга улгурмас, у ерда Лонгни қўлга ололмаслигини ҳам биларди. Шунинг учун Лонгни ерда кутишга қарор қилди. Ялмоғиз ўсимликларга қарши чора кўрди. «Z — 40»даги тажрибахона бошлиғи марҳум академик Гальчепконинг Ерга сўнгги марта юборган, БМТда сақла-

паётган ахборотига асосланиб, атмосферадаги азот миқдори максимумга етказилди. Шунинг учун ҳам кам азотли ҳавога кўпиккан «ялмоғиз» атмосферага кириб, аста-секин жонсизланиб ўлаверди...

...Лонг камқатнов кўчадаги кўримсиз меҳмонхонада бир неча кун турди. Фикрларини, режаларини жамлади. Тунда Шарлни уйготди.

— Мен билан кетасанми?

— Қаяққа?

— Қароқчиликка,— Лонг заҳархандалик билан кулимсиради.— Фазода қароқчилик қиламиз. Эсингдами, «Z — 40»да айтувдим.

— Эсимда, лекин Ерда қоласан, дегандинг-ку?

— Шароит ўзгарди. Мен билан кетишнинг керак.

— Чарльз, менсиз кетавер. Жуда чарчадим. Иродасизлигим учун хафа бўлма. Мен бари бир сен билан биргаман. Фақат Ердаги ишларни бажараман.

— Сен жиноятларингни унутясанми?

— Унутганим йўқ. Тавба-тазарру қиламан. Кечиришади. Лекин юрагим сен билан қолаверади. Ишонавер, Чарльз, мен сен билан дарбадарлик қилолмайман, чидолмайман.

— Рост гапни айганинг учун хурсандман. Иродагини оқибатда бўшашиб қолишини ЭҲМ биринчи учрашув олдида айтган эди. Бироқ мен иш бу даражага бориб етмас, деб ўйлагандим. Начора, янглишган эканман. Энди хато такрорланмаслиги керак. ЭҲМнинг айтганидан чиқмаслигим лозим.

Лонг шундай деб, қўлидаги соатнинг мурватини буради. Шу дамда стол устидаги мўъжаз чамадоннинг қопқоғини очилиб, темир қисқич кўтарилди.

— Нима қилмоқчисан?— деди Шарль даҳшат билан унга тикилиб.

— Сен кўп парсан биласан. Мендан хафа бўлма ЭҲМнинг айтганини қиялман.

— Йўқ!— Шарль ўзини эшикка отди. Лекин остонага

етмасидашоқ темир қисқич унинг кекирдагини узиб ташлади...

Аслида Лонг Шарлнинг тақдирини ЭХМсиз ҳал қилган эди. ЭХМ дастлаб Робертни ижобий баҳолаб, унга панд берганди. Апа ўшандаёқ Лонг автоматларнинг одам қалбига баҳо беролмаслигини тушуниб етган, тирик одамлар ҳақида мустақил ўйлай бошлаганди. Лонг қонга беланиб ётган Шарлга узоқ тикилиб қолди. Унга ачинди. Шу топгача ҳеч кимга раҳм қилмаган эди. Негадир Шарлни ўлдирганига афсусланди. Уни омон қолдирса ҳам бўларди. Зарари теғмасди. Лекин фойдаси ҳам йўқ эди. «На зарар, на фойда бермайдиган одам тирик юрди нима-ю, ўлди нима?!» — Лонг ўзига шундай деб тасалли берди-да, чиқиб кетди. Лекин жон талвасасидаги Шарль анчагача унинг кўз олдида турди...

Лонг ўша тушнинг ўзидаёқ ғойиб бўлди! Ерликлар тўрт йилгача унинг изини йўқотишди. Баъзилар уни ўлганга чиқарди ҳам. Лекин Лонг ҳаёт эди. Мақсади йўлдан чекинмаганди. Ўша ният билан нафас оларди.

Ҳ А Л О К А Т

Лонг кутгандай бўлди. Унинг қудрат манбаи анализаторда экани аниқлангач, махсус гуруҳ Галвестонда қидирув ишларини олиб бориб, оқибатда муваффақиятга эришди. Сув тубидаги анализатор топилди. Бироқ юзага чиқиши билан портлаб кетди. Лонг «Z — 40»да ишни пилитиб, кўчма анализатор тайёрлаган, уни дам-бадам йўналишини ўзгартириб турувчи космик кемага жойлаштириб тушган эди. Кеманинг координатларини аниқлаш, уни қўлга олиш ниҳоятда мушкул, гўё коннот қарьридан игна излаган билан баробар эди.

Ҳамроҳларини йўқ қилгач, Лонг Шимолий Австралияга жўнади. У ерда йирик фермалардан бирини сотиб олиб, киши билмас бўлиб яшай бошлади. Узоқ вақт кўч

ма анализатор билан ҳам алоқа боғламади. У бўлиб ўтган воқеаларни мантиқан хулосалаб, келгуси жангга тайёрланарди. Лонг мағлубиятларини тан олмади. Нега тан олсин? Ахир шу тоғгача ҳеч ким унинг йўлини тўса олмади-ку? Умуман, бу жаҳонда шунга қодир одам борми? Бор. Аммо у ҳам ҳозирча кучсиз. Ҳимоя билан банд. Лонгнинг пазарида унга фақат Исмоилгипа бас келиши мумкин эди. Бироқ Лонг Исмоилнинг қачон, қай тарзда зарба беришини билмайди. Бу ҳақда кўп ўйлади. Жуда кўп вариантларни ишлаб чиқди, хавфнинг олдини олиш чораларини ҳам белгилаб қўйди. Лекин аввалдан белгилашган мишгта хавфнинг бирига эмас, қутилмаган мишг биринчи воқеага дуч келиши мумкинлигини ҳам унутмади.

«Қудрат соҳиби» «Ялмоғиз операцияси»ни мағлубият эмас, ҳисоб-китобдаги арзимас хато деб баҳолади. Том ва Шарлни ҳамкорликка чорлагани учун афсусланди. Улар содиқ одамлар эди. Уларни керагидан олдинроқ бу ишларга жалб қилди. Лонг аслида «Муттаҳамлар сайёраси»дагиларга ҳам, ялмоғиз ўсимликларга ҳам эмас, ўз кучига ишониб иш кўриши керак эди. Вақтни беҳуда ўтказди. Аммо чексиз умр кўра оладиган Лонг учун ўн-ўн беш йил нима деган гап!

У одамларни бўлар-бўлмас даҳшатлар билан қўрқитиш режасидан воз кечди. Шунинг учун тўрт йил овоз чиқармади. «Қудрат соҳиби» ҳақидаги гаплар аста-секин унутила бошланди. Лонгга худди шу керак эди. Роса тўрт йилдан сўнг у яна ишга киришди. Кўчма анализатор билан алоқа боғлади. Унинг эндиги мақсади — Европа иқлимини ўзгартириш эди. Лонгнинг бутун эътибори шу масалага қаратилди.

Матбуот «Қудрат соҳиби» ҳақида кам ёзаётгани, БМТ ҳузуридаги қўмита фаолиятини сусайтиргани билан хавфхатарга буткул барҳам берилмаганини Исмоил яхши билар эди. Лонгнинг жим бўлиб кетгани янги тўфон бошланмажидан дарак эди. Шунинг учун Исмоил ўз тажриба-

хонасига қайтмайди. Одам умрини узайтириш борасидаги илмий ишларни Азизбек давом эттирди. Исмоил эса, Буниттифоқ Фавлар Академиясининг топшириғига кўра, Лонгга қарши курашни давом эттириш билан шуғулланди.

БМТ ҳузурдаги кўмита ишининг сусайишига сабаб Галвестондан анализаторнинг топиллиши бўлди. Кўпчилик: «Энди Лонгнинг кучи қирқилди, тамом!» — деган хулосага келди. Лекин Исмоил ҳарифининг апоий эмаслигини биларди. Кўмитадаги баҳслар чоғида у қадимий эртакларни эслади. Одамзодга ёвузлик қилаётган аждаҳоларнинг жонлари худди шундай, денгиз тубига яшириган бўлади. Эси бор ботирлар аждаҳо билан юзма-юз чиқмай, ана шу жон сақланган қутини излайдилар. Қути ичида бир тухум бўлади, у бирдан қушга айланиб учиб кетади... Дарвоқе, қуш... Лонгнинг илинжи фақат Галвестондаги анализатордамиди? Коинотга фақат ялмоғиз ўтларни олиб келиш учун учмагандир?

Бу орада фазода дарбадар кема пайдо бўлгани ҳақидаги хабарни эшитгач, Исмоил тахминларининг ҳақиқатга яқин эканлиғига ишонч ҳосил қилди.

ШИМОЛНИ АВСТРАЛИЯДА:

Шундай қилиб, тўрт йиллик сукутдан сўнг Лонг «Иқлим операцияси»ни амалга ошириш устида ишлай бошлади. Европага Африка иқлимини кўчириш фақатгина амалий эмас, балки назарий жиҳатдан ҳам ҳал қилиниши мушкул бўлган бир иш эди. Экваторнинг иссиқ оқими Лонг истаган вақтда Европага йўналиши, шу йўл билан аҳоли қийноққа тушиши керак эди. Лонг бу режани амалга оширгач, Арктика совуқ оқимини Африка ерларига йўналтиришни ҳам дилига тугиб қўйди.

Кўчма анализатор билан алоқа боғлагач, ғалабасига мутлақ ишонч ҳосил қилди. Чунки анализатор жойлаш-

ган кема Лонг режалаштирганидай, беқўним ҳаракат қиларди. Ундан келаётган сигналлар эса Галвестонда бой берилган анализаторниқига нисбатан аълороқ эди.

Лонг ҳар куни тўрт соат кўчма анализатор билан улашиб ишлай бошлади. Айрим майда муаммоларни ҳал қилишда мўъжаз анализатордан фойдаланарди. Одамларга кам қўшиладиган асабий фермернинг уйига қамалиб олиши ҳеч кимда шубҳа тугдирмади. Буни одамовилкка йўйиб қўя қолишди.

ФАРҒОНАДА:

Исмоил Ленинград дорилфувунидан келган профессор Авдеевни меҳмонхонага кузатиб, уйига қайтди. Ҳилола Қора денгиз соҳилига дам олгани кетган, уйда ёлғиз қолган онаси эса сўлиган атиргул барглариғни териб юрган эди. Исмоил қўлига гулқайчи олди-да, бир оз онасига ёрдам берган бўлди. Новдага қўшиб бармоғини ҳам кесиб олгач, онаси: «Хаёлинг жойида эмас, дамиғни ол», деб ичкарига киргизиб юборди. Исмоил юмшоқ курсига ўтирди. Чеқкиси келди. Меҳмонларга атаб олиб қўйилган сигаретдан бирини олиб чеқди. Оғзида тахир таъм пайдо бўлиб, уни кулдонга босди.

Дераза олдига бориб, ҳали гулхонадан чиқмаган онасининг ҳаракатларини кузатди. Аммо хаёли Авдеев келтирган хабар билан банд эди. Исмоилнинг тахмини тўғри чиқди: пулковниклар кўчма анализаторнинг сигналларини ушлашибди.

Қураш қайтадан бошланади.

Қарама-қарши кучлар ва ғоялар курашининг ўзига хос табиий қонуни бор: кураш майдонидаги ҳар икки киши ҳам буюк бўлиши керак. Тарихда ҳаминша шундай бўлиб келган. Исмоил Амнр Темур билан Боязидхонни эслади. Боязид қудратли эди. Шунинг учун Европага таҳдид сола олди. Аммо Темурнинг буюклиги Боязидни-

кидан аълороқ бўлиб чиқди. Ҳал қилувчи жангда аскарлар эмас, нефтдан бомба ясаб отган нафтандозлар ҳам эмас, Темурнинг буюклиги голиб чиқди. Чунки бу жангда Боязиднинг ёвуз нияти Темурникидан устувроқ эди. Буюк қудратга ёвуз ният ҳамроҳ бўлса, манзилнинг нури қочади. Тарих бундайларнинг қапчасини кўрди? Қудрат соҳибларининг барчаси ниятига етолмай кетди. Лонг шу силсиладаги одам. Қуроли янги бўлгани билан нияти кўҳна. Қадимда салафлар очиқ майдонда, юзма-юз кураш-ни афзал кўрганлар, ҳийлагар Лонг эса ничоқни орқадан санчишга интилади. Исмоилни қийнаётган парса ҳам шу.

Исмоил кейинги тўрт йил ичи қўлини қовуштириб ўтиргани йўқ. У эртами-кечми яна Лонгнинг пайдо бўлишини, қаергадир анализатор ўрнатишини ва у билан ҳар қандай шароитда боғланишини биларди. Исмоил Лонгнинг кучини қирқиш учун анализаторни маҳв этмай, балки ундан фойдаланиш режаларини тузган эди. Авдеевнинг хабаридан сўнг дадил ҳаракатлар учун шароит етилганини англади. Шу сабабли уйга барвақт қайтди. Бугун онаси билан бирга бўлади. Эртага Шаҳрисабзга йўл олади. Лонгга қарши «жанг» олиб бориладиган марказ Шаҳрисабздаги 100 чақирим юқорида, баланд тоғлар бағрида қарор топиши керак.

ШИМОЛИЙ АВСТРАЛИЯДА:

Лонг ўз кун тартибига рноя қилган ҳолда, ҳар кунги тўрт соатдан кўчма анализатор билан боғланар, ҳисоб-ки-тоблар эса ойдинлашиб борар эди.

ШАҲРИСАБЗДА:

«Ўзбекистон томи» деб аталган ерда Исмоилнинг лойиҳаси билан қуриляётган, радиотелескопни эслатадиган техник қурилмалар ва локацион ускуналардан иборат станция қутилганидан бир ой илгари иш бошлади. Авва-

лига Лонгнинг специфик радиотўлқинлари ушланиб, унинг кун тартиби аниқланди. Лонгнинг қароргоҳи ҳам маълум бўлди.

— Ҳукумат маъмурларига хабар қилини керак. Айни қўлга олиш чоғи келибди,— деди Авдеев координатлар белгиланган қоғозга қараб.

— Лонг тўппонча билан қуролланган гапгстер эмас. Уни қўлга олишга уриниш бефойда. Муштарийнинг учинчи йўлдошида ҳам қўлга олишмоқчи эди, эсингиздами? Ортиқча қурбонга ҳожат йўқ. Ҳозирча Лонгни чўчитмайлик. Уриниш ўзгартирса, биз ҳам анча овора бўламыз.

Исмоилнинг талаби билан Лонгнинг пайдо бўлгани ҳақидаги хабар сир сақланадиган бўлди.

ШИМОЛНИЙ АВСТРАЛИЯДА

Гринвич вақти билан соат 800.

Чарльз Лонг одати бўйича кўчма анализатор билан боғланиб иш бошлади.

ШАҲРИСАБЗДА:

Исмоил бошқарув пультидаги жойига ўтириб, махсус илёмни бошига кийди. Энди унинг фикран берган ҳар қандай буйруғи ожиз биоэлектрик тўлқиндап кучайтиргич системалар орқали радиотўлқинга айланиши, бу тўлқин эса электрон кўзгуда янада қудрат касб этиб, маълум нуқтага қаратилиши мумкин эди. «Маълум нуқта»— Шимоллий Австралия деб белгиланган. Режа бўйича Исмоил билан Лонгнинг фикрлари шу тариқа тўқнашиши зарур эди. Аммо маълум фўрсатга қадар бу кучайтиргич ишга солинмайди. Исмоил Лонгнинг фикрлари ва мақсадини билиб олиши, сўнг бир оз халақит беришга уриниб кўриши керак.

Генератор ишга тушгач, экран хира пурланди. Кейин қора нуқталар пайдо бўлди.

— Лонг ишляпти,— деди Исмоил Авдеевга қараб. Авдеев яхши, дегандай бош ирғаб қўйди. Исмоил диққатини тўйлаб, Лонгнинг сигналларини тинглай бошлади. Тўрт соат шу зайлда ўтди. Лонг ишини тугатгач, экрандаги қора нуқталар ҳам йўқолди. Исмоил плёмни ечди.

— Хўш, буюк комбинатор нималар устида ишляпти?— деб сўради Авдеев унинг қўлидан плёмни олар экан.

— Комбинатор, дедингизми?

— Ха... Ильф ва Петровдан.

— Жуда ўришли пом топибсиз. Бендер одамларни лақиллатган, Лонг эса қўрқитиш билан овора. Комбинаторимиз янги комбинация устида бош қотирыпти. Нияти қалтисга ўхшайди. Ҳисоб-китоблари об-ҳавони ўзгартириш муаммолари билан боғлиқ.

— Балки музликларни эритмоқчидир?

— Йўқ, бунинг учун у кўп куч сарфламасди. Қани, яна бир-икки кун сабр қилайлик-чи...

Уч кунлик таҳлилдан сўнг Лонгнинг мақсади аён бўлди. Шундан сўнггина Исмоилнинг фикрий буйруқлари ишга тушди.

— Қани, бир чалғитиб кўрайлик-чи,— Исмоил шундай деб, плёмини кийди.— Генератор ёқилсин!

Авдеев микрофонга яқин ўтириб, буйруқни такрорлади:

— Генератор!

— Частотани кўтаринг.

Авдеев оқ пластинкадан ишланган мурватни аста бурай бошлади. Экраннинг жимирлаши йўқолиб, аввал қора нуқталар, сўнг майда кўкиш нур оқими пайдо бўлди.

— Частотани яна кўтаринг.

Авдеев мурватни яна буради.

— Ҳисоб дарси бошланди,— деди Исмоил ҳамкасбига қараб қўйиб.— Бугунги машғулот — мураккаб дифференциал тенгламалар...

Авдеев елка қиспб:

— Бу унга нима учун керак бўлиб қолди?— деди.
Бироқ Исмоил унинг гапини эшитмади.

— Паст частоталар генератори ишга солинсин.

Авдеев оқ тугмани босди.

— Йиғувчи ҳажм ёқилсин!

Авдеев пультадаги ўлчов асбобларига кўз югуртириб, бош чайқади-да, соатни имлаб кўрсатди.

— Яхши, бир оз кутамиз,— деди Исмоил.

Орадан ярим соат ўтгач, ҳажм ёқилди. Чалғитиш жа-
раёни бошланди.

ШМОЛНИ АВСТРАЛИЯДА:

Лонгнинг хаёли тўсатдан бўлинди. Кўз олдига Шар-
лотта келди. Шарлотта билан сўнгги учрашув, қизнинг
гаплари ёдига тушди. Ажаб, бундай бўлмаслиги керак
эди-ку! Шарлоттани нима учун эслади? Одатда иш билан
машғул онлари бошқа нарсалар ҳақида мутлақо ўйламас
эди. Ҳолбуки қизни хотирасидан буткул ўчириб ташлаган
эди. Бу қанақаси? Ё анализаторда бир ишқаллик борми?
Лонг ўрпидан туриб, ташқарига чиқди. Худди анализатор
кўринадигандай, осмонга қараб қўйди. Сўнг хаёлини яна
бир ерга тўплаб, ичкарига қайтди. Чала қолган ишини
давом эттирмоқчи бўлди. Аммо кутилмаганда кўз олдида
Шарль пайдо бўлди. Фақат Шарлнинг ўзи эмас, Исмоил
ҳам кўринди. Улар Шоҳимардондаги сой бўйида суҳбат-
лашишарди. Лонг ўрнидан туриб кетди. Анализатор би-
лаш алоқани узди.

ШАҲРИСАБЗДА:

— Ишни тўхтатди,— деди Исмоил плёмни еча туриб.

— Демак, таъсир қилибди, марра бизники!

— Маррагача мапзилимиз узоқ. Улоқ энди ташланди. Лонг бугун яна анализатори билан боғланиши қерак. Хушёр бўлиб турунглар.

— Бунга асосингиз борми?

— У ҳозир сабабини билолмай гаранг. Балки бирорта ўткинчи биоток халақит бергандир, деб ўйлаши мумкин. Тахминини сишаб кўриш учун яна анализатор билан боғланади. Биз эса унга ёрдам берамиз. Лонг иш бошлаши билан мени чақиринг.— Исмоил шундай деб дам олгани хонасига кириб кетди.

ШИМОЛИЙ АВСТРАЛИЯДА:

Дарҳақиқат, Лонг етти соатдан сўнг яна анализатор билан боғланди. Бу сафар хаёли бўлинмади. Тенгламалар ақл бовар қилмас даражада тез ҳал қилинди. У ишдан мамнун бўлиб, анализатор билан алоқани тўхтатди. Ташқарини бир айланиб келгач, мўъжаз анализаторни буради. Буниси кўчма анализатор юборган хулосаларни таҳлил-лаб қўйган эди. Лонг сўнгги хулосалар билан танишиб чиқиб, бақириб юборай деди. Тенгламаларнинг ечимини мактаб ўқувчиси ҳам бу даражада саводсизлик билан ҳал қилмас эди. Кундузи бежиз хаёли бўлинмаганига қатъий ишонч ҳосил қилди. «Исмоил!— деб ўйлади у.— Демак, бошлашибди. Минг имкониятининг бири шу эди. Аммо бунга журъат этолмас керак, деб тахмин қилган эдим. Яна ҳам яхши. Ана энди яккама-якка кураш мавриди келди. Энди балки «Иқлим операция»сига ҳоқкат ҳам қолмас. Нур устига аъло нур!»

ШАХРИСАБЗДА:

— Жаноб Умидов, бу мен — Лонгман. Кутмаган эдингизми?

Исмоил Лонгнинг сирдан бу қадар тез воқиф бўла олишини чиндан ҳам кутмаган эди. Бугун ҳам Лонгни

чалғитиш мақсадида иш бошлади-ю, рақибининг овозини эшитиб, ҳайрон бўлди. Кутмаганини тан олди.

— Ёйтироф этганингиз учун миннатдорман. Сиз билан очиқ гаплашиш фурсати етди. Сиз бекор уринаясиз. Мен истеъдодингизни қадрлаб, тинч уммонда жонингизни сақлаб қолган эдим. Энди бундай ҳиммат қила олмайман. Иззатингизни билмадингиз.

— Пўписагизнинг боиси нима?

— Менга қарши туришни бас қилинг. Менга қўшининг. Курашнинг фойдаси йўқ. Мен ўлмас одамман.

— Сизнинг фожиангиз ҳам шу.

— Одамнинг боқий умр кўриши қачондан бери фожа саналади?

— Мен бун сизга нисбатан айтишман. Ҳар қадамда одамлар нафратини ҳис қилиш охири жонингизга тегади, ўлимга рози бўласиз. Аммо ўлолмайсиз.

— Йўқ, одамларнинг менга нисбатан нафрати доимий эмас. Тез орада барча мени ҳурмат қилишга мажбур бўлади.

— Зўраки ҳурмат қилиш билан нафрат орасида қандай фарқ бор?

— Фалсафангизни қўйинг. Таклифимни ўйлаб кўринг. Бундай имконият бир марта берилади.

— Юз бора берилганда ҳам рад этардим.

— Жавобга шошилманг.

— Рози бўлган тақдиримда қандай шарафга эришаман?

— Сиз менинг энг яқин дўстим, биринчи ўринбосарим бўласиз.

— Йўқ, бунақаси менга тўғри келмайди.

— Бу камми?

— Албатта. Мен ҳоким, сиз эса ўринбосар бўлсангиз, розиман.

— Нима?! Майнабозчилик қилманг!

— Жиддий айтишман. Нима учун сиз ҳоким бўлишингиз керак. Менинг бирор ерим камми?

— Чунки мен... буюкроқман. Энг зўр қудрат соҳибман.

— Қудрат соҳиб... Сиз бир дақиқада мингта одамни ўлдирасизми?

— Мингта? Истасам миллионта одамни бир зумда йўқ қила оламан.

— Мурдага қайта жон ато қилиш қўлингизда келадими?

— Бунинг менга ҳеч кераги йўқ.

— Тўғрироғи, қўлингиздан келмайди. Ана, кўрдингизми, сиз қудрат соҳиб эмассиз. Шарқликларда:

Дема мингни жангда қириб ташлайпи,
Қани биттага жон беру, мард дейпи,—

деган ҳикмат бор. Эпитганмисиз.

— Буюклигимни бари бир тан оласиз.

— Янглишасиз, мен сиздан буюкроқман...

Хаёллар оқимида бўлган суҳбат узилди. Исмоил фикрлар баҳсини Авдеевга айтиб берди.

— Охири асаби чидамабди-да, — деди Авдеев суҳбат якунини тинглаб.

— Ҳа, мен буюкроқман, дейишим билан шартта алоқани узди. У мендап ҳақорат кутган бўлса кутганки, бундай осмонда келишим хаёлига келмаган. Энди унинг жиги тегадиган қуролимиз бор. Буюкликдап гап очсак, тамом! Асаби бўшашибдими, демак, кучи анчайин қирқилбди. Энди янада эҳтиёт бўлишимиз керак.

— Қизиқ, унинг кучи қирқилган бўлса, «янада эҳтиёт бўлиш»га нима ҳожат бор?

— Яраланган ваҳшийдан қўрқиш керак, азизим.

ШИМОЛНИ АВСТРАЛИЯДА:

Лонг ҳеч нарса бўлмагандай, кўчма анализатор билан алоқа боғлаб, ишини давом эттирди. У одати бўйича иқ-

лимни ўзгартирин масалаларини ҳал қилишга интилар, Исмоилнинг аралашуви билан фикри чалғий бошлагач, алоқани тўхтатар эди. Бу кунлар ичи Исмоил Лонгни эмас, Лонг Исмоилни чалғитди. У кўчма анализатор билан атайин ҳар кун алоқа боғларди. Исмоилнинг халақит бериши эса унинг учун айни муддао эди. Лонг Исмоилга берадиган асосий зарбасини тайёрлаш билан машғул эди.

ШАҲРИСАБЗДА:

Исмоил Лонгнинг ўжарлик билан ишини давом эттириши ниқоб эмасмики, деган ўйга борди. Ундай деса, Лонг муҳим формулалар устида бош қотирыпти. Исмоил аралашини билан ишни тўхтатыпти. Қизиқ ери шуки, у кун тартибини ҳам, турар жойини ҳам ўзгартирмаяпти.

— Эҳтиёт чораларини кўришимиз керак,— деди Авдеев Исмоилнинг мулоҳазаларини тинглаб.

— Балки: «Мен ўлмас одамман, ҳар кун чорақ соатдан ишласам ҳам муддаога етаман», деб ўйляптимикин?

— Биз унинг режаларини билиб оляпмиз-ку?

— Ҳар ҳолда бир нияти бор.

ШИМОЛНИ АВСТРАЛИЯДА:

Исмоил эҳтиёт чораларини кўришга улгура олмади. Лонг кўчма анализатор билан алоқа ўрнатгач, Исмоилнинг фикран аралашувини кутди. Икки фикр тўлқини тўқнашгач, Исмоилга мурожаат қилди:

— Жаноб Умидов, таклифимни ўйлаб кўрдингизми?

— Ҳа, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнай олмаса керак, деган хулосага келдим.

— Фикримиз бир ердан чиқибди. Аслида сизни ҳам-корликка таклиф қилмаслигим керак эди. Гўё кучсизлигимни тан олгандай бўлиб қолибман.

— Гўё эмас, аниқ! Кучингиз чиндан ҳам ожиз.
— Шундаймикин? Балки бир куч спнашиб кўрармиз?
Мана, мен бошладим!
Лонг кичик анализатор ёпидаги қизил қутнинг мур-
ватини буради.

ШАҲРИСАБЗДА:

Даҳшатли кучга эга бўлган, Шимоллий Австралиядан отилиб чиққан импульс оқими аввал Шаҳрисабз стапция-сининг локацион ускунасига, ундан эса, кучайтиргич каскадлари орқали Исмоилнинг миясига чақиндай урилди. Исмоил оғиз очишга ҳам улгурмай, йиқилди. Бошқарув пультадан аччиқ тутун кўтарилди. Авдеев дарҳол Исмоилнинг бошини кўтариб, шлёмни ечиб ташлади. Исмоилнинг кўзлари очиқ, аммо қорачуғидан пур кетган эди.

ШИМОЛЛИЙ АВСТРАЛИЯДА:

«Мен Чарльз Лонгман! Мен — қудрат соҳибман! Менга фақат бир одам—Исмоил Умидов бас кела оларди. Бугунги курашда мен уни енгиб чиқдим. Умидов ҳалок бўлди. Энди менинг йўлимни ҳеч ким тўса олмайди. Барча менга бўйсунини керак. Биринчи навбатда Европа. Европа аҳли қаршимда тиз чўкмаса, уларни йт азобига соламан. Мен — Лонгман, буни унутманглар!»

Лонгнинг дарбадар космик кемасига жойлашган радиоузаткичдан тарқалаётган бу хабар бир лаҳзада Ер юзига етиб келди.

ШАҲРИСАБЗДА:

Исмоил ўлмаган эди. Унинг жонига миясидаги сунъий тўқималар ора кирди. У икки кундан сўнг ўзига келди. Кўзини очини билан Авдеевни чақирди.

- Лонг анализатор билан алоқа боғладими?
- Ҳа. Одатдагидэй тўрт соатдан ишлаяпти.
- Бу табиий. Мени ўлди, деб ўйлаган бўлса керак.
- Ҳа...
- Сиз нима деб хабар тарқатдингиз?
- Ҳозирча мухбирларни қабул қилмай турибмиз.
- Қабул қилинг-да, Лонгнинг гапларини тасдиқланг.
- Нимага?
- Шундай қилиш керак. Сиз унинг ишлатган қуролини билдингизми?
- Ҳа. Кучли импульслар йиғиндиси. Бундай қуроли борлигини билмай қолганимиз чакки бўлди.
- Лонг олим сифатида чипдан ҳам буюк. Бу қуролини кейинги бир ой ичида яратган бўлса керак. Эсингиздами, хатти-ҳаракатидан хавфсизраган эдик.
- Мен янги тўқнашувни ҳисобга олиб, эҳтиёт чораси сифатида импульсларга қарши филтрлар ўрнатишни буюрдим. Иш манави лойиҳа асосида бошланди.— Авдеев кафтдек экранли видеомагнитофонни унга узатди.
- Филтрлар қачон тайёр бўлади?
- Ўн кунда...
- Уч кунда эплаб бўлмасмикини?
- Гаплашиб кўрай-чи...
- Врачлар мен ҳақимда нима дейишди?
- Аҳволингиз тузук...
- Фақат тўғрисиини айтинг.
- Миянгиз қайта операция қилинар экан. Сунъий тўқималарни алмаштириш шарт эмиш.
- Бўлмаган гап! Мен уч кундан сўнг Лонг билан яна тўқнашим керак!
- Шу аҳволда-я?
- Бошқа илож йўқ. Боксда карахт бўлиб йиқилган рақиб то тўққизгача саналгунча турса, кураш давом этади, а? Ҳозирги аҳвол ҳам шундай. Ё Лонгга шу топда зарба бериш керак, ё... Менга даволовчи врачни чақиринг.

Дам ўтмай врач кириб, Исмоилнинг талаби билан аъзоларидаги юз берган ўзгаришларни бир-бир баён қилди. Исмоил унинг гапларини эшитиб бўлгач, қоғозчага нималарнидир ёзиб врачга берди.

— ФС — 12ни мана бу рецент билан тайёрлаб эмлайсиз. Операцияга ҳеч ҳожат йўқ.

Врач қоғозчага кўз югуртириб, Исмоилга қаради.

— Фаоллаштиргич — стимуляторнинг бундай дозаси ҳали синаб кўрилмаган.

— Қачон синайсиз?

— Билмасам...

— Бўлмаса Лонгга бориб айтиб қўйинг. Шу дориворни синаб олгунингизча кутиб турсин.

— Мендан хафа бўлишингиз мутлақо ўринсиз. Мен врачман — фақат синовда ижобий натижа берган дорилардан фойдаланаман.

— Синовдан ўтган дорилар одамга таъсир қилмаса-чи?

Врач елка қисди.

— Бемор ўлиб кетаверадими? Ўртоқ Авдеев, қачон бизнинг врачларимиз ижодий иш қилишни ўрганадилар? Қўлланмага қараб бемор даволашга ҳеч барҳам берилармикин?

— Тинчланинг, ўртоқ Умидов, врач ҳақ гапни айтяпти... Ҳозир сиз синов манбаи бўлолмайсиз. Махсус рухсат керак.

— Бу стимулятор фақат йигирма тўрт-қирқ саккиз соат орасида ижобий таъсир этиши мумкин. Бу вақт ичида юрак қисқариши қобилиятини йўқотиб боради, — деди врач Исмоилга босиқлик билан.

— Юрак уришдан тўхтайдими, демоқчимисиз? — Исмоил баттар аланга олди. — Йигирма биринчи аср табobati шундан чўчияптими? Йўқ, бу гап ҳозирги медицина шайинга тўғри келмайди.

— Ўртоқ Умидов, врач билан тортишини бефойда. Мен медицина комиссияси билан гаплашиб кўраман. Балки бир гап чиқиб қолар.

ШИМОЛНИЙ АВСТРАЛИЯДА:

Лонг ўз ютуғидап маст бўлиб, ишларини йиғиштириб қўймади. Балки «Иқлим операцияси»га оид муаммоларни тезроқ ҳал этишга шошилди. Матбуотда Исмоилнинг тақдири ҳақидаги хабарнинг дарҳол ёритилмагани уни сергаклаптирди. Кўчма анализатор аъло даражада ишлар, операцияни бошлап уфқлари кўрнниб қолган эди. Унга сари Лонг шошарди.

ШАҲРИСАБЗДА:

Гринвич вақти билан соат 6.30.

Жаҳоннинг энг нуфузли тиббиётчиларидан пборат медицина комиссияси вазиятни чуқур таҳлил этиб, Исмоилнинг талаби қондирилсин, деб қилган қарорига асосан, Исмоил ФС — 12 билан эмланди. Бир соат ўтгач, у ўзини бардам сезиб ўрнидан турди.

ШИМОЛНИЙ АВСТРАЛИЯДА:

Гринвич вақти билан соат 8⁰⁰.

Лонг кўчма анализатор билан алоқа боғлади.

ШАҲРИСАБЗДА:

Исмоил ўз ўрнини эгаллади.

Генераторлар ёқилди. Фикрлар яна тўқнашди.

Лонг кўчма анализатор билан алоқани бошиқа усулга кўчириш ниятида иш бошлаганиди. Радиотўлқин орқали алоқа боғлаш энди фойдадан кўра зарарлироқ эди. Исмоил унинг ҳисоб-китобларидан ниятини пайқади.

— Мистер Лонг, бир оз шошиляпсиз. Лазерь ёрдами-

да алоқа ўрнатишнинг нафи йўқ, — деб хаёлан мурожаат қилди у. Бу фикр биоэлектрик тўлқинга, сўнг радиотўлқинга айланиб, Лонгга етиб борди.

— Тирик қолганингизни билган эдим. Мени чалғитмоқчи бўлдинглар. Лекин хато қилдинглар. Буюклар алданмайди.

Станция ҳовлисида қўққисдап яшин чақнагандай, момақалдироқ гумбурлагандай бўлди — Лонг Шаҳрисабз томон яна қудратли импульс оқимини юборган эди. Бироқ Авдеевнинг режаси билан тикланган қалқонмисол фильтрлаш ускуналари импульсларни қайтарди.

— Мистер, буюкликнинг ҳам сарҳади бўлади. Сиз мантилингизга етиб келдингиз. Отдан тушар вақтингиз етди.

— Йўқ, жаноб, балки ўзингизнинг буюкликнингиз чегаралидир. Мен беқийс қудрат соҳибман. Фильтр ўрнатиш — ғалаба деган гап эмас. Сиз мудофаадасиз, учутманг.

Станция ҳовлисида кетма-кет чақин чақаверди — Лонг бетўхтов импульс оқими юборар эди. Аммо фильтрлар уларни беҳато қайтариб турар, Исмоил Лонгнинг асабийлашаётганини билиб, жилмайиб ўтирарди. Импульслар оқими тўхтагач, Исмоил Авдеевга қараб буюрди:

— Частотани кўтаринг!

Авдеев микрофонни ёқиб, буйруқни қайтарди.

— Яна, — деди Исмоил.

Авдеев Исмоилга қараб қўйди-ю, аммо буйруқни бажармади.

— Яна! — деди Исмоил баланд овозда.

— Мумкин эмас.

— Кўтаринг, деяпман!

— Мумкин эмас. Частота бошқарини чегарасидан охиб кетса, пайдо бўлган қарама-қарини оқимини ўчира олмай қоламиз.

— Менга ваъз ўқиманг, талаба эмасман. Частота кўтарилсин!

— Йўқ. Мумкин эмас.

Исмоил ўрнидан туриб, Авдеевнинг олдидаги микрофонга эпгапди-да:

— Частота энг сўнги нуқтасига етказилсин,— деб буюрди.

Буйруқ бажарилди. Исмоил ўзини ҳаддан ташқари епгил ҳис қилди. Худди туш кўраётгандек, тушида учиб юргандек бўлди.

ШМОЛНИ АВСТРАЛИЯДА:

Лонгнинг бутун гавдасини нимадир боса бошлади. Фикрлари чалғиб кетди. Исмоил билан суҳбат ҳам узилди. Аввалига ширакайф одамнинг ҳолига тушди. Кўз олди хиралашди. «Системаларни ўчириш керак», деб ўйлади. Аммо аъзоларининг бўйсунини қийин бўлди. Қўлини базўр кўтариб, мурватни буради. Бир зум ҳолсиз ўтириб қолди. Сўнг ўрнидан туриб, ташқарига йўл олди. Қалин дарахтзор орасидаги сўқмоқ билан юриб, ялангликка чиқди. Ҳамма ёқ жимжит. Биропта қушнинг ҳам овози эшитилмайди. Сукунат қар қилаёзди. Илгари Галвестон кўчаларининг шовқинидан безор бўларди. Ҳатто денгизнинг сирли шовиллаши ҳам баъзан ёқмай қоларди. Энди-чи? Сукунат. Қандайдир ваҳимага бурканган жимлик. Ялангликда ёлғиз ўзи. Лонг тиз чўкди. Ўтлар қуриб қолибди. У бир тутам сарғайган ўтчи юлиб, димоғига олиб келди. Нотаниш ис урилди. Чалқанча тушиб ётди. Юзини офтоб қиздира бошлади. Осмоннинг у ер-бу ерида оқ булутлар сузиб юрибди. Лекин қуёшга яқинлаша олмайди — дарҳол тўзиб кетади. Лонг хаёлини чалғитмоқчи бўларди. Ҳалокати билан тугаган бу жапг ҳақида ўйлашни истамасди.

Исмоил унга қарши тура олди. Лонгнинг папжаси ўзи ўйлагандек мустаҳкам эмас экан. Исмоил сал бўлмаса уни ҳаётдап маҳрум қилиб қўяёзди. Бир пафас, фақат бир пафас, биргина қўл ҳаракати унинг жонини сақлаб қолди. Ҳариф энди ҳужумни бўшаштирмайди. Исмоилнинг бир ўзи бўлса кошки эди...

Лонг кўзларини чирт юмиб ётарди. Юзини офтоб қизитди. Аста кўзини очди. Лекин дарров юмиб олди. Осмонда қуёш, Ерда у танҳо. Фақат шу жиҳатдан қуёшга ўхшайди. Аммо яккалик ҳам фақат қуёшга ярашади. Одамнинг бир ўзи яшаши оғир. Лонг бу ҳақда «Муттаҳамлар сайёраси»да ўйлаган эди. Одамларнинг «президент» уйига ҳужум қилниларини кўриб, Томнинг яккаланиб қолганига ачипган эди. Ушанда ўзини ўйламаган экан. Ҳозир ёнида ким бор? Шарлни ўлдирмаса бўларди... Шу дамда «Муттаҳамлар сайёраси»даги иккита бефаросат бўлса ҳам майлига эди...

Лонг ўрнидан туриб, изига қайтди. Керакли нарсаларини йиғиб, дарахтзор этагидаги вертолётга ўтирди. У ҳавога кўтарилиб, кўздан йўқолгач, «одамови фермер»нинг уйи портлаб кетди. Нима гап юз берганини кўшишлар эртасига эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладилар.

ШАҲРИСАБЗДА:

Авдеев Исмоилнинг чайқала бошлаганини сезгач, дарҳол частотани камайтириш ҳақида буйруқ берди. Аммо у кечиккан, қарама-қарши оқим жипловни узинга улгурган эди. Авдеев генераторларни ўчирди. Исмоил қимир этмай ўтирар, кўзларидаги нур сўпиб борарди. Авдеевнинг чақирғи билан хонага врачлар кириб келдилар.

Кўшни хошада Исмоилни жарроҳлик столи кутарди...

АВТОМАТИК ҚАЛЪА

Орадан етти йил ўтди. Лонг изсиз йўқолди. Кўпчилик уни портлаш вақтида ўлган, деб ҳисоблади. Жарроҳларнинг хизмати билан омон қолган Исмоил ҳам шу фикрда эди.

Аммо Ҷазода кетма-кет кемалар йўқола бошлагач, Лонгнинг ўлганига шубҳа туғилди. Ҷазода «қароқчи кема» пайдо бўлгани тўғрисидаги хабардан сўнг у Лонгнинг тириклигига мутлақо ишонди. Юлдузкезар «Фарғона» кемасининг сўнгги ахбороти билан танишиб чиққан Исмоил бир гуруҳ зукко олимлар — аксилғуборчилар билан узоқ сафарга отланди. Аммо интернационал экипажнинг ҳаракатлари узоқ вақт натижасиз қолди. Самарасиз излавишлардан сўнг Ер билан боғланиб қайтиш ҳақида буйруқ олгач, кайфияти бузилиб, ўз бўлмасига кириб кетди. Кема бошқарувчисига нидамади. Кемадаги олимларнинг аксарияти Ернинг бу буйруғидан порози эди. Шунинг учун улар Исмоилнинг аҳволига тушуниб, уни безовта қилмадилар. Исмоил нима қарорга келишни ўйлаб ўтирганида, навбатчининг овози эшитилди:

— Чап томонда кема кўрипти. Биз томонга келяпти.

— «Фарғона» эмасми?

— Йўқ, бу юлдузкезар кемага ўхшамайди. Ҳажми «Фарғона»дан анча кичик.

Исмоил бошқарув хонасига кирди. Олимларнинг барчаси телеэкранга тикилиб турарди. Ундаги узунчоқ қора доғ борган сари катталашарди. Исмоил ёрдамчисини берган харитани қараб чиқиб, ўзича алланиманидир ҳисоблади. Кейин экран қаршисига ўтира туриб, деди:

— Кема билан боғланинг. Ҳаракат йўналишини сўраг.

Номаълум кема жавоб қайтармай, жуда катта тезлик билан уларга яқинлашиб келарди. «Шарқ»нинг бутун экипажи Исмоилнинг буйруғини кутарди. Исмоил «Фарғона»дан келган сўнгги ахборотларни кўздан кечириб, харитага бир неча белги қўйди-да, лорд Регланга қаради:

— «Фарғона» ҳам тахминан шу ерда, Чезвей чегарасида йўқолган. Демак, номаълум кеманинг бир спри бор. Кема Ер вақти билан йиғирма соатдан сўнг бизга тўқнаш келиши керак.

Реглан харитадаги белгиларга қараб туриб, деди:

— Тахминингиз тўғри. Ҳар аҳтимолга қарши кемани жанговар ҳолга келтириб қўйиш лозим. Яна уммондаги тўфон воқеаси қайтарилмасин.

Исмоил маъқул, дегандай бош ирғади. Кема командири дарҳол ишга киришди. Кейинги йигирма соат ичида ҳеч ким мижжа қоқмади. Ҳамма помаълум кеманинг яқинлашишини кутарди. «Шарқ» муқобил кемани ўтказиб юбориш мақсадида тезлигини камайтирди. Худди шу онинг ўзида бошқарув хонасидаги асбоблар помаълум кеманинг ҳам секинлашганини қайд қилди.

Икки кема яқинлашганда «Шарқ» титраб кетди. Номаълум кема эса йўлини ўзгартирди. «Шарқ»нинг бошқарув асбоблари ишдан чиққандай, у ҳам помаълум кемага эргашди. Номаълум кема «Шарқ»ни нима биландир тартиб бораётгандай эди.

Кемадагилар ташвишга тушишди.

— Уша!— деди Исмоил. Кейин:— Ут очинг,— деб буйруқ берди.

«Шарқ» яна титради. Номаълум кема томонда худди яшнн чақинидай олов кўришди. Бироқ «Шарқ» помаълум кемага эргашаварди. Уни ўз йўлига солиб юборишнинг ҳеч иложи йўқ эди.

Кемадагилар Исмоилга нажот кўзи билан қарар эди. Исмоил буни сизди. У тезлик билан бир хулосага келиши, кемани, одамларни қутқариб қолиши, сўнгра ном-нишонсиз йўқолган Ернинг ўн тўрт юлдузкезар кемасини излаб топиши керак эди. Исмоил қоп-қорайиб турган кемага бир оз тикилди. Кейин бошқарув пультага яқинлашди. Тезликни оширувчи тугмани босди. «Шарқ» шу вақтинг ўзида тезлигини бир печа баробар оширди. Ана шунда кемага бир нарсa қаттиқ урилгандай бўлди. Исмоил ҳам, унинг ёнидагилар ҳам ўзларини тутолмай қалқиб кетишди. «Шарқ» помаълум кеманинг олд томонига ўтиб олиб, уни яна ўққа тутди. Бу воқеалар шунчалик тез содир бўлдики, помаълум кема мудофаага ҳам улгурмади; тақа-тақ тўхтаб қолди.

Исмоил «Шарқ»ни тўхтатиш ҳақида буйруқ берганида номаълум кема портлаб кетди. Исмоил ҳеч нарсага тушулмай қолди.

* * *

Исмоил кемадагилар билан маслаҳатлашиб, «Шарқ»ни Вайспап сайёрасига қўндиришга қарор қилди. Бунинг хавfli экапини ҳамма биларди. Аввало кейинги пайтда Вайспапнинг Ер билан алоқаси сусайди. Қолаверса, «Фарғона» сўнгги марта шу ердап йўлга чиққан. Сайёрадап бир оз узоқлашгану дом-дараксиз кетган. Кемани бу чексиз копнотдан қидириш мушкул. Коинот бир уммон бўлса, кема бир игна. Қани, бир излаб топнинг-чи... Лекин «Фарғона»нинг йўқолиши чигални ечгандай эди. Иппинг бир учи, Исмоилнинг пазарида, Лонгга бориб тақаларди.

Кема қўниши билан вайспапликлар уни ўраб олишди. Вайспап ҳукмронининг элчиси келгунича ҳеч ким кемадан чиқмади. Элчи пайдо бўлгач, Исмоил ўрнига лорд Регланни тайинлаб, икки-уч одам ҳамда таржимоп-андرويد билан ҳукмрон ҳузурига йўл олди. Элчи барча вайспапликлар сингари баланд бўйли, кўзлари катта-катта, боши қовун сингари узунчоқ эди. Вайспапликлар қанчалик бақувват бўлишмасиц, қўлларини олдинга ташлаб эгилиб юришарди. Лекин Вайспап ҳукмрони Фифи уларга ўхшамас, гапириши, талаффузи ҳам вайспапликлардан фарқ қиларди. Вайспап аҳолисининг овози дўриллаган, гаплари вазмиц, Фифи эса худди Ер одамларидай гапирарди.

Исмоил Фифига муддаосини айтди.

— Менинг унақа гапларга ақлим етмайди, — деди Фифи чўтир бурнини чимчилоғи билан ковлаб. — Сенлардан илгари ҳам ерликлар келипган эди. Лекин қаёққа кетганини билмайман.

Шу пайт Вайспапнинг мовий осмонида улкан кўршаналакка ўхшаган учувчи жисм пайдо бўлди.

— Тропон келяпти! — деб шивирлашди вайспаликлар. Жисм қўнди. Ерликлар унга қарашди. Жисмдан уч оёқли темир қути чиқди. У ерликларга юзланиб, ғайритабий равишда улар билан саломлашди.

— Ер сайёрасида келган ва таркиби оқсил, сув ҳамда турли органик тузлардан иборат бўлган тирик жон меҳмонларга саломлар бўлсин!

— Самолёти қадим замонда Ердаги денгизларда ҳукмронлик қилган қароқчи кемага ўхшайди. «Фарғона» шунинг қўлида эмасмикин? — деди Жоно. Унинг ганини андрониднинг Тропонга қўққисдан берган саволи бўлди:

— Сиз ҳам менга ўхшаган кибернетик аппаратмисиз?

— Йўқ, мен ҳам тирик жонман, фақат жуда қариб қолганман, шунинг учун танамни пўлат қутичада сақлайман. Қутича қаерга хоҳласам, ўша ерга олиб боради. Хўш, Ер кишилари Вайспан сайёрасига қандай муддао билан келдилар? Мен уларнинг юзларида хавотир сезяпман.

Исмоил Тропонга мақсадларини айтди.

— Йўқолган кемагизнинг қаердалигини билмайман. Лекин унинг сирини ёритадиган бир далил бор.

Ерликлар бир-бирларига қараб олишди.

— Вайспаннинг Берлоу деган кичкина йўлдоши бор. У ерда ҳаёт йўқ. Тунов куни мен унинг сатҳини телескопда текшира туриб, бир жисмини учратиб қолдим. Спектрал анализлар ўтказиб, унинг суратини ҳам олганман, пастасангиз кўришингиз мумкин.

Темир қути ичидан алланимадир гимнрлади. Кейин Тропон қути ичидан расмини олиб Исмоилга узатди.

— Робот! — деди ҳайрат билан Исмоил.

— Бу «Фарғона» кемасидаги таржимон роботнинг сурати-ку, — деди андронид, кейин қўшиб қўйди: — Биз у билан Тошкентдаги бир заводда қурилганмиз.

...Исмоил кетишга шошилди. Тропондан робот координатларини билиб олгач, Фифи билан унга ахборотлари учун миннатдорчилик билдирди. Фифи бунга жавобан жилмайди.

— Тез-тез келиб туринглар, хурсанд бўламиз.

Исмоил бир оз юргач, орқасига ўгирилди.

— Кечирасиз, улуғ Фифи, мен негадир сизни ерлик одамга ўхшатапман.

— Ер фарзанди, сен янглишдинг. Мен, Вайспап фарзандиман,— деди Фифи хотиржам.

Исмоил узр сўраб, кема томон йўл олди.

* * *

Кема ўша кунни Берлоуга парвоз қилди. Исмоил ўйлаб ўйига етолмасди: робот Берлоуга қаңдай тушиб қолди? «Фарғона» ҳам балки ўша ердадир. Ундай бўлса, Тропон Берлоуда роботдан бўлак жисмни учратмабди-ку? Бу саволлар кеманинг барча экипажини қийнади. Ер вақти билан 32 соат йўл юргач, кема бошқарувчиси:

— Берлоу!— деб эълон қилди.

Экипаж телеэкран атрофига тўпланди. Исмоил экипаж аъзоларига тегишли буйруқларни бергач, яна экран олди келди.

— Сайёрага телечақириқ юбордингизми?

— Ҳа, аммо жавоб бўлмапти.

— Чақириқни такрорланг.

— Хўп бўлади. Қўнишга рухсат беринг.

— Рухсат йўқ, кемапи сайёра бўйлаб бошқариб боринг. Чақириқни тез-тез такрорланг. Сайёрадан жавоб келиши керак.

Лекин сайёрадан жавоб келмади.

— Тропон алдаган бўлса-чи?

Бу фикр баъзи-баъзида Исмоилни ҳам ўйлатиб қўярди. Лекин Берлоудан қуруқ қайтишни сира истамас эди. Шунинг учун ҳам у кемапи қўндиришга буйруқ берди.

Роботни қидиришни истаганлар кўп бўлса ҳам Исмоил қидирув экипажига икки кишини ажратди. Экипаж аъзоларидан бири унинг ўзи, иккинчиси Авдеев эди. Уларга андроид билан сайёрапой ҳайдовчи робот ҳамроҳ бўлди.

Исмоил йўлда анчагина ҳориб қолган эди. Лекин дам олишни истамасди. Бир неча дақиқадан сўнг атом двигателли машина йўлга тушди. Беш кеча-кундузгача ҳеч ким мижжа қоқмади. Авдеев чақириқ сигналлариши узлуксиз такрорлар, Исмоил эса кема билан алоқа қилиб борарди. Бешинчи кун Исмоил Авдеев чақирув сигналларини тўхтатди. Уйқусизликдан унинг кўзлари киртайиб қолган эди.

— Чол бизни алдаган бўлиши керак. Робот бу шароитга чидай олмайди. Икки кунда занглаб, ишдан чиқади.

— Нега энди?

— Анави ўлчагичга қараи. Берлоу ҳавосининг намлиги ерникидан олти баробар кўп. Юрган йўлларимиз ҳам нуқул ботқоқ. Тронон бизни алдаган.

Атрофга алаиглаб ўтирган таржимон андронд бирдан қичқириб юборди:

— Тўхтаи!

— Нима гап?

— Анави нефть эмасми?

Каттагина кўлга ўхшаган ерда қоп-қора суюқлик билинар-билимас чайқалар, унинг айрим ерларида эса худди бир нарса қайнаётгандай бўлар эди.

— Кўринишидан нефтьга ўхшайди.

— Мен билиб чиқаман.

Дам ўтмай, у кўл ёқасида кўринди. Кўлнинг суюқликка тикиб кўргач, Исмоилга ахборот берди.

— Нефть экан.

Исмоил Авдеевга қаради.

— Демак, Роботни шу ерда кутин керак. У темир баданини шу нефть билан мойлаб юриши мумкин.

— Шунда зангламайди, деб ўйлайсизми?

— Ҳа.

Авдеев елка қисиб қўйди. У жуда чарчаган, шу ерда тўхтаб роботни кутини бир жиҳатдан унинг учун айни муддао эди. Лекин Исмоилнинг тахминига қўшилмасди.

Соҳилда икки кун кутинди. Кутин Авдеев учун узоқ юриб чарчапдан ҳам малолроқ эди. Шу боисдан у ҳар со-

пияда Исмоил билан баҳслашгудай кайфиятда ўтирарди. Асаб томирлари таранг тортилган бир пайтда, яъни иккинчи кун оқшомда қирғоқда робот кўринди. У тўғри нефть кўлига тушди. Сайёрапой ўша томон юрди. Робот ўзи томон юриб келаётган машинани кўриб, қирғоққа чиқди. Ушга бир зум қараб турди-ю, ўзини чакалакзорга урди.

— Ёввойилашиб қолибди,— деди таржимон андронд. Исмоил андрондга буюрди:

— Роботнинг изига туш! Тутганинг ҳамон хабар қил! Андронд заряди анча камайиб қолган Роботни дарров қувиб етди. Робот ўзининг заводдош ўртоғини танимай, ушга қаршилик кўрсатди. Андронд унинг орқасига ўтиб олиб, қувват манбаидан узиб ташлади.

Қўл-оёқлари айри-айри шалпайиб қолган Робот бир неча соатдан сўнг кемага келтирилди. Кемадагилар учун гўё умид қуёши порлагандай эди. Энди йўқолган кемани топса бўлади...

Жонг андронд ёрдамида Роботни тузатишга киришди. Роботнинг хотирасини ташкил қилган электрон марказни тартибга келтириш унча кўп вақт олмади. Дам ўтмай кема экипажи унинг ҳикоясини эшитиш учун йиғилди. Роботдаги «ёввойилик»дан асар ҳам қолмаган эди. Шунинг учун у бамайлихотир ҳикоясини бошлади:

— Биз Вайспандан узоқлашишимиз билан локатор кеманинг йўлини нотаниш учувчи жисм кесиб ўтганини билдирди. Кема командири электрон штурманга нотаниш кема билан алоқа боғлашни буюрди. Лекин номатълум кема бизга жавоб бермади. Бизга яқинлашгач, йўлини ўзгартирди. Кемамиз худди шатакка олингандай унинг орқасидан эргашди. Бошқарув асбоблари ишдан чиққанди.

- Кейин кемани кичик бир сайёрага қўндиришди.
- Сайёранинг координатларини биласанми?
- Ҳа, биламан. Вайспаннинг тўртинчи йўлдоши.
- Кемадагилар ўша сайёранинг аҳолиси эканми?

- Йўқ. Уларнинг ҳаммаси оддий андроид.
- Уларнинг ҳаракатини бошқарган тирик жон борми?
- Билмадим. Менимча, бўлиши керак.
- Кема экипажи нима бўлди?
- Уларни бир қалъага олиб кириб кетишди. Меши эса

Берлоуга ташлашди. Берлоудан нимадир олиб кетишса керак. Улар бу ерга тез-тез келиб туришади...

Исмоил лорд Реглан билан келгуси асосий ҳаракатлар режасини ишлаб чиққач, номаълум сайёра томон йўлга чиқишга буйруқ берди. Кема жанговар ҳолга келтирилди. Кошпотадаги ҳар бир ҳаракатланувчи жисм диққат билан кузатиб борилди. Чунки бу ерларда учиб юрган, оддий жисм деб ўйланган нарсани андроидлар кемаси бўлиб чиқиши мумкин эди. Уларни бир оз кўздан қочирдингми, бас, дарров орқадан ҳужум қилади. Ёки ўзига эргаштириб кетиши ҳам мумкин.

Экрандаги қорамтир нуқта катталашиб, кема шаклига киргач, Робот унга тикилиб қолди.

— Бу ўша,— деди у,— бизни асирга олган кема.

— Жуда яхши,— деди Исмоил,— бизга худди шу керак.

Қутилганидек номаълум кема катта тезлик билан «Шарқ» томон иптилди. Икки кема орасидаги масофа қисқариб борди. Ана шу пайтда «Шарқ» фазода кескин ёй чизиб, орқасига бурилди. Тезлигини оширди. Номаълум кема унинг изига тушди. Ҳаракат келишиб олинган режа бўйича олиб борилди. Режага кўра, қароқчи кемани узоқ-роққа эргаштириб, сўнг ҳужум қилиш керак эди. Чунки кема бошқарувчи марказдан қанча узоқ бўлса, шунча кучсизланади. Режаланган масофанинг ярмида «Шарқ» чайқала бошлади.

— Андроидлар ўт очишди!

— Тўпларни жангга тайёрланг! Ўт очинг!

* * *

Кема экипажини энди сўнгги ҳал қилувчи жанг кутарди. Ҳаммадан ҳам Исмоил қаттиқ ташвишланарди.

Вайспаннинг тўртинчи йўлдошига қўниш олдида лорд Реглан, Жош, Авдеев Исмоилнинг бўлмасига келишди.

— Биз андройдлар билан икки марта жанг қилдик,— деди Реглан,— сиз ҳеч нарса сезмадингизми?

— Мен уларнинг жангига қойил қолдим. Жуда усталик қилишди.

— Сиз уларнинг бошқарувчисини ким деб ўйлайсиз?

— Лонг. Нима, сиз шубҳаланяпсизми?

— Бу ерда Лонг эмас, биз ҳали билмайдиган онгли мавжудот бўлса-чи? Улар кемамизни эргаштириб, биз билан алоқа ўрнатишмоқчи бўлишгандир балки.

— Фикрингизни пега илгарироқ айтмадингиз?

— Аввал ўзим ҳам бу фикримдан шубҳаланар эдим.

— Энди-чи?

— Энди кўпроқ ишонашман.

— Йўқ, мистер Реглан. Ерликларда бўлак ҳеч ким бундай жанг қилолмайди. Пайқаган бўлсангиз ҳариф кеманинг барча қисмларини, ишлаш жараёнининг нималарга қодир эканини аниқ ҳисобга олган. Ундан ташқари магнит кучлари асосида иш кўрилиши Лонгни эслатапти. Ҳар ҳолда сайёрада ким бўлишидан қатъий назар, жанг бўлиши муқаррар.

Шу пайт радиодан навбатчининг овози келди:

— Қўниш нуқтасига яқинлашдик.

Ҳаммалари бошқарув хонасига чиқишди. Экранда йўлдош сатҳи кўзга тапланиб турарди. Унинг ҳажми Ердан уч маротаба кичик, ўздан сариққа мойил нур таратиб турарди. Кема пастлай бошлади.

Кема қўнганч, Реглан Исмоилга яқинлашди.

— Биз қалъадан юз чақиримча нарида турибмиз. Хужумни кутамизми, ё...

— Сизга қай бири маъқул?

— Менга бари бир.

Исмоил ҳужум қилиш ҳақида буйруқ бериб, сайёрапойга ўтирганида узоқдан андройдлар галаси кўринди. Шу дамнинг ўзида ер қаттиқ силкина бошлади. Дикқат

қилган киши ҳатто ер сатҳида майда тўлқинчалар пайдо бўлганини ҳам сезарди. Кема турган ерида чайқала бошлади. Одамлар ўзларини тутолмай, у ёндан-бу ёнга урилдилар. Боқшарув пультага яқин бўлган Авдеев энг четда турган мурватни бурашга улгурди. Кема ёндан қўлтиқ-таёққа ўхшаш олтига таягич чиқиб ерга тиралгач, тебраниш бирмунча босилди.

Бу орада қалъа томоп бораётган сайёрапой билан андрондлар орасидаги масофа анча қисқарган эди.

— Робот билан андрондни туширамизми?

— Йўқ, андрондлар билан тўқнашиш фойдасиз. Айлашиб ўтамиз. Қалъадаги бошқарув марказини қўлга олишимиз керак. Кемадагиларга хабар қилинг, андрондларни лазер тўпи билан қарши олишим.

Исмоил андрондларни чалғитмоқчи бўлди. Лекин андрондлар буни фаҳмлаб, йўлни тўсишди. Шунда кичик лазер тўпи ишга тушди. Андрондлар тарқалган сароб сингар кўздап йўқолди. Жонг локаторни эслатувчи бошқарув антеннасини мўлжалга олди. Баҳайбат антенна кўз очиб-юмгунча илдизи қесилган дарахтдай қулади.

Қалъа қаршилиқ кўрсатмай қўйди. Шундай бўлса-да, Исмоил сайёрапойни анча бериде тўхтатиб, у ерга чақирув сигналларини юборди. «Таслим бўлмасангиз, қалъани ўққа тутамиз», деб огоҳлатирди.

Қалъадап жавоб келмади.

Соатлар ўтди.

Исмоил қалъага ўқ узолмасди. Чунки бу ерда ўн тўрт Ер кемасининг экипажи бўлиши мумкин эди.

Сайёрапойдаги иссиқлик даражаси қирқини уриб ўтди. Жонг тоқатсизланди. Исмоил сайёрапойдан чиқиб, қалъа томоп боришга қарор қилди. Унинг бундай қилишга ҳақи йўқ эди. Фазо кодекси ўтган асрдаёқ раҳбарларнинг бундай ҳаракатларини тақиқлаб қўйганди. Раҳбар ҳар қандай ҳолатда ҳам кемада қолиб иш тутуши керак эди. Лекин Исмоил бошқа одамларни юборолмасди.

Исмоил ҳамкасбларининг эътирозига қулоқ солмай,

пастга тушиб, қалъа томон юрди. Ун қадамлар чамаси ма-софа қолганда қалъанинг девори икки ёнга йиғилди. Остона ҳатлаб ўтиши билан беркилди.

Қалъа ичи тап-тақир эди. Фақат ўртада лазеръ нури чўрт кесиб юборган антеннагина ётарди. Исмоил барча ускуналарининг ер остига жойлашганини фаҳмлади. Жойи-да тик туриб, кутди. Уни қалъага қўйишдими, демак, ё пешвоз чиқишлари, ёки ҳужум қилишлари, ё ҳибсга олиш учун уришилари керак. Томоша учун қўйишмагандир? Ниҳоят, қалъа ўртасидан нимадир кўтарила бошлади. Катта уйиш эслатувчи қора қути ер қаъридан ўсиб чиқиб, девори икки томонга йиғилди. Исмоил қути ичига киргач, девор асл ҳолига қайтиб, пастлай бошлади. Лифт вази-фасини ўтовчи бу баҳайбат қути манзилга етгач, девор яна йиғилди. Исмоил узун даҳлизга чиқди. Даҳлиз ҳам қора-га бўялган, тенада чироқ ёниб тургани билан атроф хира эди. Исмоил тўғрига юрди. Аммо олти қадам қўймасдан тўхтади. Ойпаванд эшикни тортди. Очилмади. Шошиб юриб, кейинги эшикни ҳам тортди. Очилмади. Ичкарига тикилиб қаради: каравотларда чинакам ерлик одамлар ётишарди. «Дараксиз кетган ўн тўрт кеманинг экипажи», деб ўйлади Исмоил. Сўнг яна юриб кетди. Даҳлиз аввал ўинга, кейин чапга бурилди. Йўлакнинг охири ниҳоятда ёруғ, у ерда кимдир қотиб турарди.

— Фифи!

Исмоил тўхтади.

— Вайспан ҳукмронининг бу ҳунарини билмаган эканмиз.

Фифи юзидаги ниқобини олди. Қадини ростлади.

— Кутмаганмидингиз?

— Ҳа, бунисини кутмаган эдим, мистер Лонг.

— Қалъага киришда мен билан учрашишини ҳам ўйла-магандирсиз?

— Уйладим. Мен биринчи кемангиз билан рўпара бўлгандаёқ, шу атрофда эканингизни билган эдим.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Сизни олиб Ерга қайтамап.

Лонг истеҳзо билан кулди.

— Мен кемангизнинг қўнишига халал берганим йўқ. Қалъа эшигини ҳам ўзим очдим. Лекин бу мағлубиятни бўйнимга олдим, деган гап эмас.

— Сиз Галвестонда илк бор қисқичларингизни ишга солган кунингизоқ мағлуб бўлгансиз. Фақат буни тан олишни истамайсиз.

— Эшикни нима учун очиб берганимни биласизми?

— Ҳа.

— Йўқ, билмайсиз. Мен сизни ҳибсга олмоқчи эмасман. Фақат мен билан ишлаётган одамларни кўрсатмоқчи эдим. Улар ҳозир уйқуда, дам олишяпти. Сиз билан жанг қилган андройдларни шулар ясаган. Мен янада қудратлироқ бўлдим. Енимда шерикларим бор. Ҳатто дунёлар ўртасида уруш ҳам чиқаришим мумкин.

— Урушни бошлай олмайсиз.

— Нимага?

— Чунки ҳар қандай урушда ҳам Ернинг ғалаба қилишини яхши биласиз.

Лонг индамади.

Икки ўта одам бир-бирига қараганича жим қолди...

Лонг: «Андройдларни шулар ясаган», деб ёлғон гапирган эди. У Ерни тарк этгач, Вайспапга тушиб, ҳукмронликни қўлга олди. Фазода қароқчилик қилди. Лонгда дунёлар урушини бошлаш нияти йўқ эди. Чиндан ҳам, Исмоил айтганидек, у урушнинг нима билан тугагини билар эди. Кемаларни ҳибсга олишдан мақсади — одамларни фақат ишлатиш эмас, улар билан мулоқотда бўлиш ҳам эди. Одамларни соғинди. Одам бўлиб туғилганига пушаймон еган онлари бўлди. У одамларга яқинлашини истарди. Одамлар эса ундан қочарди. Худди магнитнинг икки қутбига ўхшайди. Вайспапда ҳукмронлик қилиб, кўнгли ўрнига тушмади. Одамсифат мавжудотлар ҳаминша таъзимда. Лекин бундан нима фойда? Лонг унутишга жазм қилган хотираларини тиклай бошлади. Шарлотгани

кўп элади. Шарлни... Айниқса Шарль унга тинчлик бермасди. У Ерга қайтишни истаб қолди. Лекин, қандай, нима учун қайтади? Яна курашиш, яшириниб юриш учунми? Ҳаммаси жонига тегди. Иродаси тобора бўшашиб борапти.

Лонг нима мақсадда қалъа эшигини очиб берганини ўзи ҳам аниқ билмасди. Асир тушмоқчими? Ё Исмоилни қўлга олмақчими? Унис ҳам, буни ҳам мумкин эмас...

Икки ўта одам юзма-юз турибди...

— Дарҳол одамларни уйғотишда, ўзингиз бизнинг кемага чиқинг. Бошиқа чорагиз йўқ,— деди Исмоил унинг кўзидан нигоҳини узмай.

— Айтайлик, буйруғингизни бажо келтирдим. Мени Ерга нима кутади? Оғир жазоми?

— Билмадим. Буни мен ҳал қилмайман.

— Лекин сиз менга кафилик беришингиз мумкин-ку?

— Кафилик? Нима учун?

— Ҳеч бўлмаса мендай истеъдод эгасининг ягона эканини тасдиқларсиз?

— Истеъдод одамларга хизмат қилмаса қадрини йўқотади.

Лонг кўзини ерга қадаб, олдинга юрди. Исмоилнинг олдидан пндамай ўтди. Исмоил Лонгнинг хатти-ҳаракатидан ҳайрон, унинг бу қадар осонликча таслим бўлишини сира кутмаган эди. У Лонгни худбин, ёвуз инсон сифатида билар, юрагида яхшиликдан ном-нишон йўқ, деб ўйларди. Лекин Лонгда, яхшиликдан холи бўлса-да, юрак бор эди. У ҳам қўмсарди. Мағлубиятдан изтироб чекарди. Аммо бу қўмсаш, бу изтироб худбинлигидан устун келолмас эди. Ҳозир Исмоилнинг олдига тушганида ҳам, аввало худбинлик сиртмоғига бўйин берди. У мағлубиятнинг аниқ эканини сезган эди. Шунинг учун, уста шахматчилар сипгари ўйинини мотга қадар чўзмай, анча плгари тўхтатди. Лонг «ўз хоҳишича дурашга рози бўлди». Бу, назарида, ноёб фазилатларидан бири эди...

...«Шарқ» Ер сари йўл олди. Бу дамда она-Замин осмондаги ғуборнинг захри буткул кучдан кетган эди.

На узбекском языке

**Тахир Малик (Хабиллов).
Бахтияр Хашимхаджаев**

ЯДОВИТАЯ ПЫЛЬ

Научно-фантастическая повесть

Редактор М. БОБОЕВ

Рассом И. ЦИГАНОВ

Расмлар редактори А. КИВА

Техн. редактор Е. ПОТАПОВА

Корректор О. ТУРДИБЕКОВА

ИБ № 272

Босмахонага берилди 9/178-й. Босишга рухсат этилди 6/IV-78 й.
Формати 70×108^{1/32}. Босма л. 4,125. Шартли босма л. 5,77.
Нашр л. 6,05. Тиражи 15 000 Р 08916.
Гафур Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тош-
кент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 164 — 77

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, поли-
графия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети-
нинг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг 2-босмахонасида № 1 қозоғга босилди. Янги-
йўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1978 йил. Заказ № 359. Баҳоси 40 т.